

Дилнавоз ЮСУПОВА
Шаҳноза НОРҚУЛОВА

*Аруз
назарияси*

**Дилнавоз Юсупова
Шаҳноза Норкулова**

АРУЗ НАЗАРИЯСИ

(Аруз ҳақида сабоқлар)

**Мутахассислар ва аруз илмини мустақил
ўрганувчилар учун қўлланма**

**Тошкент - 2018 йил
“Тафаккур” нашриёти**

УЎК:94(575.151)

Ю-21

КБК:63.3(5Ў)

Ўзбек мумтоз адабиётининг ажралмас қисми саналган арузни чуқур билмаслик мумтоз жанрларда яратилган ижодий намуналар моҳиятини тўла англашда анчайин мураккабликлар тугдиради. Шу боис мумтоз вазн ҳисоблашниш арузни қулай услубда ўрганиш ва ўргатиш бутунги кун ўзбек филологиясининг муҳим вазифаларидандир. Мазкур ўқув қўлланмани яратган ушбу йўлдаги уринишлардан бири бўлиб, аруз назариясини тушунтиришда арузшунос А.Ҳожиҳмедовнинг “Аруз назарияси асослари” ҳамда Алишер Навоийнинг “Мезон-ул авзон”и асос қилиб олинди.

Қўлланма ўрта махсус мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, университетнинг ўзбек филологияси факультети бакалавр ҳамда магистратура босқичи талабалари – мутахассис филологлар, қоляверса, аруз илмини мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган. Ундан “Навоний поэтикаси”, “Шеърый жанрлар типологияси”, “Бадий санъат асослари” ҳамда “Аруз назарияси” фанларини ўқитили жараёнида фойдаланиш мумкин. Китоб шеър илми таълими бўйича тузилган бўлиб, талабаларга ўзбек мумтоз адабиёти жанрларидан илк манбалар, шеър шакллари, шеър вазнлари, шеърый ритм ҳамда уларнинг тадрижи, тақомили, таракқиёти, умуман, тарихий даврларда шаклланиши, адабий муҳитлар ҳақида маълумот беради.

Масъул муҳаррир:

Б.Муртозоев

Такризчилар:

А.Омонтурдиев

филология фанлари доктори

М.Ҳамраева

филология фанлари номзоди

Қўлланма Термиз давлат университети илмий Кенгашининг қарсри билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-24-150-3

© Д. Юсупова, Ш. Норкулова

© “Гафаккур” нашриёти, 2018

МУҚАДДИМА

Бугунги кунда адабиётимизнинг маънавий замини саналган, минг йиллик бадий ҳазинага эга бўлган мумтоз адабиётимизни тушуниш, ҳис қилиш, таҳлил ва таққин этишда унинг асосини тапқил қилган аруз вазнидан чуқур хабардор бўлиш ҳар бир филолог учун муҳимдир. Мумтоз адабиётимиз вужудга келган давр ва бугунги кун борагидаги узоқ муддат, глобализув жараёнининг кундан-кунга кучайиши, замонавий технологияларнинг катта тезлик билан ҳаётимизга кириб бораётганлиги, чексиз информациялар инсонларнинг бадий дил ва савиясига сезиларли даражада таъсир ўтказётгани натижасида мумтоз шоирларимизнинг бой ижодий меросидан ёшларнинг етарлича баҳраманд бўлмаётганликлари сир эмас.

Халқимизнинг маънавий негизи ҳисобланмиш мумтоз адабиётни ўрганиш, ёшларда унга инсбатан чуқур эҳтиром ва қизиқиш уйғотиш, уларни бунга жалб қилиш кун тартибидаги долзарб масалалардандир. Чунки аждодларнинг маънавий мероси бизга ўзлгимизни англади, ёт ғояларга, “оммавий маданият” каби салбий ғояларни тарғиб этувчи ҳодисаларга қарама-қарши куч сифатида шаклланивчи мафкуравий иммунитетнинг маънавий фундаменти бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қўлланма мумтоз адабиётимиз асоси бўлган аруз вазни, унинг асослари, баҳр ва руқшлари ҳақида маълумотлар беради. Биз ушбу қўлланмани яратишда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратдик:

- аруз ҳақидаги мукамал маълумотлар қисқа шаклда берилди;
- ўрганишининг қулайлигини таъминлаш мақсадида аруз алоҳида мавзуларга бўлинди, мавзулар доирасида услубий тавсиялар, таянч сўзлар ва савол-топшириқлар бериб берилди ҳамда уларнинг жавоблари китоб сўнгида киритилди;
- фойдаланувчига ортиқча мураккабликлар туғдирмаслик учун арузнинг фақатгина туркий шеърятда кенг қўлланилган баҳрларигина чуқур ёритилди. Бунда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий шеърятини асос қилиб олинди.

Арузни ўрганиш мумтоз адабиётимизда муҳим саналган шакл ва мазмун уйғувлигини ҳис қилишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтани назардан арузни ўрганишга киришган адабиёт муҳибларининг ҳаракатлари самарали бўлишини чин дилдан тилаб қоламиз.

Мавзуларни чуқур ва мустаҳкам ўзлаштиришда қуйидаги кўрсатмаларга қатъий амал қилиш талаб этилади:

1. Даставвал, арузни ўрганиш учун алоҳида умумий дафтар тутинг, ўзлаштирган билимларингизнинг қисқача мазмунини ёзиб, берилган миникларни бажариб бординг.

2. Тўлиқ моҳиятини тушуниб олгунча ҳар бир қоида ни диққат билан қайта-қайта ўқинг.

3. Ҳар бир тушунтиришдан сўнг саволлар берилди. Қоида ни тушуниб олгач, аруз дафтарингизга ушбу саволни ва унинг жавобини ёзинг.

3. Мавзуларнинг ҳар биридан сўнг ўтилган баҳрларни мустаҳкамлаш учун байтлар берилди. Сиз мазкур байтларни ҳам дафтарга қўчириб, таътибини аниқланг ва қайси вазн намоён бўлса, унинг номини ёзинг. Сўнг ушбу машқни тўғри бажарганингизни китоб сўнгида берилган жавобларга қараб текшириб олинг. Унутманг: жавобларни топшириқлар бажарилмай туриб, қўриб олиш мумкин эмас!

Бундан ташқари, қўлланмани тайёрлашда устоз арузшунос олимларнинг, хусусан, Анвар Ҳожиахмедовнинг арузга оид “Ўзбек арузи луғати” ҳамда “Навоий арузи нафосати” китобларидан фойдаланилди. Улардаги тажрибаларга мурожаат қилинди.

Аруз ўзига хос мураккаб соҳа, уни ўзлаштарилш кишидан кунт ва сабр талаб қилади. Агар сиз бизнинг тавсияларимизга тўла риоя қилсангиз, мумтоз адабиётимиз хазинасининг олтин қазини қўлга киритишингизга умид қиламиз.

АРУЗ ВА ЗНИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Шеърӣй вазӣ тушунчаси

Шеърнинг бадиӣй мукамаллигини, руҳиятга таъсирини вужудга келтирувчи омиллардан бири ритмдир. Шеърӣй матндаги ритмни бўгинлар -- ҳижолаҳ микдори ва уларнинг муайян кўринишда такрорланиб келиши таъминлаб беради.

Азалдан инсон руҳиятида ритмга, оҳангга мойиллик, ритмдан, оҳангдан завқланиш хусусияти мавжуд. Бу қўшиқда, шеърятда намоён бўлади. Қадимдан ўтказилган диний маросимларда ҳам маълум ритм такрорига эга дуоларнинг ўқилиши ҳам бежиз эмас, чунки улар кишиларнинг кайфиятига таъсир этган.

Замонавий шеърятимизда кенг қўлланилиб келинаётган бармоҳ вазни, асосан, бўгинларнинг микдори ва такрорига асосланади. Мисраларда бўгинлар микдорининг бир хил келиши у қадар мураккаблик туғдирмайди. Бундай шеърларни ўқиш ҳам нисбатан осон. Уларни исталган ўқувчи ўз хоҳишига қараб таъсирли тарзда ўқий олиши мумкин.

Аммо ҳижо -- арузий бўгинларнинг қўзиқ ва қисқалигига асосланган вазнларни аниқлаш ва ушбу вазнларда шеър ўқиш ўқувчидан маълум даражадаги билим ва кўникмани талаб этади. Аруз эса ана шундай -- ҳижолаҳнинг қўзиқ ва қисқалигига асосланган шеърӣй вазидир.

Арузнинг пайдо бўлиши

Араб шеърятини даставвал кўчманчи, туя боқил билан шуғулланувчи араб қабилалари -- *бадавийларда* вужудга келган. Араб бадавий туячилари туя юрилишини тезлатиш учун махсус қўшиқлар куйлаганлар ва бу қўшиқлар араб халқлари орасида кенг тарқалган.

VIII асрга келиб, араб олимлари орасида араб шеърятини ва халқ оғзаки ижоди орасидаги муносабатни ўрганиш, уларнинг муайян қонуниятларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди. Бу вазифа ҳақли равишда "араб филологиясининг отаси" деб эътироф этилувчи олим Халил ибн Аҳмад (715/719–786/ 791) томонидан амалга оширилди. У аруз илминини бир бутун тизим ҳолига келтирди ва унинг назарий асосларини ишлаб чиқди.

Аруз сўзининг қўлаб луғавий маънолари бор. Адабий истилоҳ сифатида уларнинг қай бири асос қилиб олингани аниқ эмас. Бу борада олим ва ижодкорлар томонидан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи бир қанча фикрлар билдирилган. Улардан бир нечасини келтириб ўтамиз:

1. Водий номи;
2. Макка шаҳрининг номларидан бири;

3. Тараф, жиҳат, минтақа, ён;
4. Булут;
5. Саркаш туя;
6. Чодирнинг ўрта устуни;
7. Ўлчов.

Энди ушбу фикрларни муайян тарзда изоҳлашга ҳаракат қиламиз: Навоий ўзининг “Мезон ул-авзон” (Вазилар ўлчови) асарида аруз илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмад яшаган ҳудуд яқинида “Аруз” деган водий борлиги ҳақида маълумот беради. Бу водийда араблар чодардан уйлар тикиб, уларни безатиб, сотар эканлар. Уйни “байт” деб аташар экан. Байтнинг мавзун-номавзун (вазли-вазисиз) эканлигини аруз илмининг ўлчовига солиб кўришганидек, безатилган уйлар ҳам баҳога солиб, ўлчаб кўрилар экан. Шу тарика мазкур илм ушбу водий номи билан “Аруз” деб атала бошланган.

Манбаларда айтилишича, Халил ибн Аҳмад Маккада ўзига янги илҳомлар ато этилишини тилаб дуо қилади, илм асосчиси сифатида номи тарихда қолишини, авлодлар уни унутмаслигини истади. Дуоסי ижобат бўлиб, аруз илмига асос солади ва уни Макка шаҳарларидан бирининг номи бўлган атама, яъни *Аруз* номи билан атади.

Аруз шеършунослик илмининг бир қисмидир. Унинг “тараф, ён” деган маъно англатиши *шеър илмининг бир тарафи* деган мазмун билан боғлиқ. Баъзи ривоятларга кўра, аруз муаммоларни енгил ҳал этилишига олиб борган йўл рамзи бўлмиш булутга ўхшайди. Шеър вазнининг тўғри ёки янглиш эканлиги шу илм оркали аниқлангани учун “аруз” сўзи *булут* деган маънога ҳам нисбат берилган.

Аруз вазни туя юришининг ритмидан олинган деган ривоятлар ҳам мавжуд. Бадавийлар туя саҳрода юришни хоҳламай, саркашлик қилган пайтида унинг юришини тезлатиш учун махсус кўшиқлар куйлаганлар ва уларнинг оҳанги аруз вазнининг вужудга келиши учун асос бўлган деган қарашлар бор. Аруз тизимига хос бўлган кўплаб истилоҳлар ҳам туя ҳаёти билан боғлиқ сўзлар асосида вужудга келган деб айтиш мумкин.

Аруз шеърий тизими араблардан форсий ва туркий адабиётга кенг ёйилди. Ҳижратнинг илк асрларида Ислом давлати бутун Эронни фатҳ этди. Қадимий Сосоний маданияти томир отган бу ҳудудларга исломият ва араблар билан Куръони Карим ва у ифодаланган тил – араб тили кириб келди. Натижада, шеъриятда ҳам асга-аста арабларга хос янгилашишлар буй кўрсата бошлади.

Туркий адабиётда исломиятдан азвал ўзига хос махсус назм техникаси бўлган ва бу тизим бўғинлар сонига асосланган. Мазкур ўлчов бармоқ деб номланган. Ушбу тизимда ёзилган шеърларнинг аксарият қисми тўғриликлардан иборат бўлиши билан аҳамиятли эди. Кузатувларга

кўра, туркий халқлар илк бор аруз тизимида қалам тебрата бошлаганларида бармоқ вазн тизимига яқин турувчи вазнлардан фойдаланганлар. Аруз муомалага кирган илк даврларда ёзилган Юсуф Хос Хожибнийн *“Қутадғу билиг”* асари *”Шоҳнома”* вазнида, яъни мутақориб баҳрида ёзилган. Юсуф Хос Хожибнийн айнан шу ўлчовни танлашга сабаблардан бири сифатида мутақориб баҳрининг туркий халқлар шеърий тизими бўлмиш бармоқнийн энг фаол шаклларида булган ўн бир бўғинли вазнига жуда ҳам уйғун эканлигини келтириш мумкин. Адиб Аҳмаднийн *“Ҳибат ул-ҳақоийк”* асарида ҳам ушбу ўлчов тўртликлар шаклида ифода этилган.

АРУЗ ВАЗНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. ҚИСҚА, ЧЎЗИҚ ВА ЎТА ЧЎЗИҚ ҲИЖОЛАР

Ҳижо ва бўғиннийн фарқи

Аруз вазнини ўрганишга киришишимиз учун энг аввало, бўғин ва ҳижонийн фарқини аниқлаб олишимиз зарур. Тилшуносликда бўғин тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: *“Сўзнинг бир ҳаво зарби билан ҳосил бўладиган қисми бўғин ҳисобланади. Сўз таркибидаги бўғинлар сони унлилар миқдорига қараб белгиланади”*.

Аруз назариясидаги ҳижо тушунчаси ҳам тилшуносликдаги бўғин ҳақидаги билимларга асосланади, бир ҳижо таркибида ҳам битта унли мавжуд бўлади. Аммо баъзи ўринларда бир бўғин икки ҳижога тенг келиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, *қадр* сўзи бир бўғинли бўлса-да, арузда икки ҳижоли сўз ҳисобланади. Чунки сўз таркибида қатор ундон келяпти (*Қатор ундон деб бир бўғин таркибида икки ундонийн кетма-кет келишига айтилади*). Шу сабабли уни чўзиброк, илюжи бўлса, билинар-билинемас и орттириб талаффуз қиламиз: *қадр(и)* тарзида.

Ёки ҳеч, *дод*, *оҳ* каби сўзлар ҳам гоҳида вазн талаби билан икки ҳижога тенг ҳисобланади. Шунда бу сўзларни ҳам *қадрни* талаффуз қилганимиз каби чўзиб, билинар-билинемас и орттириб айтамиз: *ҳеч(и)*, *дод(и)*, *оҳ(и)* тарзида.

Демак, маълум бўляптики, бўғин ва ҳижо тушунчалари аксарият ҳолларда ўзаро мос келгани ҳолда баъзи ўринларда бир биридан фарқланар экан.

Ана энди аруз тизимидаги ҳижолар ҳақида билиб олишимиз зарур бўлади. Аруз вазнида 3 хил ҳижо бор: **чўзиқ, қисқа ва ўта чўзиқ** ҳижолар.

Чўзик ҳижо

Чўзик ҳижо матнда “—” белгиси билан ифодаланади. Бу ҳижонинг икки хил тури бор:

а) ёпиқ бўгин орқали ифодаланувчи чўзик ҳижо. Матнда “мен”, “эл”, “мак-таб”, “даф-тар” каби сўзлар келса, иккиланмасдан уларни юқоридаги белги асосида кўрсатиш мумкин. Масалан:

Мен	эл	мак	таб	даф	тар
—	—	—	—	—	—

Демак, бу сўзларнинг барчаси чўзик ҳижолардан иборат.

УНУТМАНГ!

Чўзик ҳижоларни белгилашда бўгиннинг беркитилган ёхуд беркитилмаганлиги (унли ё ундоси билан бошланганлиги) эътиборга олинмайди.

б) очик бўгин орқали ифодаланувчи чўзик ҳижо. Мазкур ҳижони чўзик унли ҳосил қилади. Маълумки, тилимизда 6 та унли товуш мавжуд. Уларнинг чўзик ёки қисқалик даражаси нисбийдир. Бунга маълум бир мати таркибидаги сўзларни талаффуз қилишда ҳис қилиш мумкин. Факат “о” унлиси аксарият ҳолатларда (деярли 90 фоиз ўринда) чўзик талаффуз этилади. Масалан: “**бо-бо**”, “**до-но**”, “**сав-до**” каби сўзларда “о” унлиси чўзик талаффуз этилганлиги учун чўзик ҳижо сифатида қабул қилинади:

до	но	Бо	бо	сав	до
—	—	—	—	—	—

Қолган унлилар эса қуйидаги ҳолатларда чўзик ҳижони ҳосил қилади:

- кўпинча сўзнинг охирида;
- кўшимча (аффикс)лар таркибида;
- ургу олганида.

Мисол учун “**ха-ёт-га**” сўзини олиб кўрайлик. Бу сўздаги “**ха-**” ва “**-га**” бўгинлари тишунослик нуқтаи назаридан бир хил даражада: ҳар иккиси ҳам очик бўгин, ҳар иккиси ҳам “а” унлиси билан якунланыпти. Лисоний таҳлилда икки бўгин ҳам бир хил. Лекин арузий матнда “**-га**” бўгини *кўшимча таркибиди келганлиги* ва *урғу олганлиги* учун “**ха-**” бўгинидан кўра чўзикрок талаффуз қилинади. Шу сабабли ҳам у чўзик ҳижо ҳисобланади. Шу тарика қолган унлилар билан якунланувчи ҳижолар ҳам сўз охирида келса, кўпинча чўзик ҳижо ҳисобида ўтади.

Масалан, “жаб-ру”, “ки-йик-ни” сўзларидаги охириги бўғинлар чўзиқ ҳижо ҳисобланади ва улар матнда куйидагича белгиланади:

жаб	ру	ки	йик	ни
	—			—

Ушбу сўзлардаги “жаб-“, “-йик” бўғинлари чўзиқ ҳижонинг биринчи турига киради, яъни ёпиқ бўғинли чўзиқ ҳижо. Агар бу ҳолни тўлиқ шаклда кўрадиган бўлсак, куйидаги манзара ҳосил бўлади:

жаб	ру	ки	йик	ни
	—		—	—

ЭСЛАТМА!

Кирилл алифбосидаги айвирин (“ъ”), лотин алифбосидаги тутук (') белгиси араб алифбосида “айн” ундош товушини ифодалагани учун ўзбек тилида бу белги билан яқунланувчи бўғинлар (лотин алифбосида ёзиладиган *асҳоб*, *муҳаф* сўзларидаги белги бундан мустасно) чўзиқ ҳижо ҳисобланади.

Масалан:

маъ	ло	таъ	лим	аъ	ло
—				—	

Қисқа ҳижо

Қисқа ҳижо матнда “V” белгиси билан ифодаланади. Бундай ҳижо доним очик бўғинга асосланади. Фақат бу ҳижони ифодаловчи очик ҳижо юқоридаги ҳолатдан фарқ қилиб, қисқа унли билан яқунлавиши керак. Демак, бу ўринда энди “о” унлисининг келиш эҳтимоли камроқ (10 фоизга яқин ҳолларда). Тилимиздаги баъзи сўзлар, хусусан “бо-шим”, “то-пиб”, “со-тиб” каби сўзлардаги “о” унлиси қисқа талаффуз қилинганлиги учун қисқа ҳижо ҳисобланади:

бо	шим	то	пиб	со	тиб
V		V		V	

Қолган унлилар (и, е, у, ў, а) эса куйидаги ҳолатларда қисқа ҳижони ҳосил қилади:

- кўпинча сўзнинг боши ва ўртасида;
- ургусиз бўлганида.

Яъни бундай ҳижо кўпинча сўзнинг боши ҳамда ўртасида келади ва ургу олмайди. Масалан:

ки	тоб		жа	хон		му	хим		кў	рик		кел	ма	ди
V			V			V			V			V		

Қисқа ҳижови очик чўзик ҳижодан яхши ажратиб олиш учун унга ургу бериб, яъни бир оз чўзиб ўкиб кўриш мумкин. Агар сунъий чўзиклик пайдо бўлса, яъни шу сўзнинг талаффузи кулоғимизга нотабий эшитилса, демак, ушбу ҳижо қисқа ҳижо бўлади. Масалан, “**китоб**” сўзидаги биринчи ҳижонинг “и” харфини чўзиб ўкиб кўрсак, сунъий эшитилади (**жиитоб**). Кўриняптики, бу сўздаги биринчи ҳижо қисқа ҳижо экан. Шу тарика қолган бўғинларни ҳам аниқлаш мумкин бўлади.

Ўта чўзик ҳижо

Ўта чўзик ҳижо матнда “— V” белгиси билан ифодаланади. Мисра охирида эса “~” белгиси қўлланилади. Бундай белгининг қўйилишига сабаб, одатда, мисра қисқа ҳижо билан якунланмайди.

Маълумки, арузда чўзик ҳижо бир тўлик бўғия ҳисобланса, қисқа ҳижо ярим бўғинга тенг саналади. Шуни назарда тутган ҳолда ўта чўзик ҳижови *бир ярим ҳижо* дейиш мумкин. Бу ҳижо икки хил бўлади:

а) қатор ундош балаи тугаган ёниқ бўғин. Бунда бир бўғинда икки турли ундошнинг кетма-кет келиши назарда тутилади. Масалан, қадр, меҳр, дард, чарх, ақл каби сўзлар қатор ундошли сўзлар ҳисобланади. Бу ҳодиса ўзбек тилига хос бўлмай, араб ва форс тилларидан кирган ўзлашма сўзларда учрайди. Шунинг учун талаффузда биз биринчи ундошдан сўнг қисқа “и” унлисини кўшиб айтамыз: қад(**и**)р, меҳ(**и**)р... каби. Аслида қисқа “и” унлиси иккинчи ундошдан сўнг талаффуз қилиниши керак. Чунки мазкур сўзларни ургу асосида талаффуз қилсак, улар таркибидаги унлини чўзик айтишимиз ҳисобига бўғиннинг охирида қисқа “и” унлиси орттирилади, яъни:

Меҳр(и), қадр(и), чарх(и) ва ҳ.к.

УНУТМАНГ!

Бунда орттирилаётган “и” товуши одатий талаффуздаги “и” дан ҳам қисқа, билинар-билинимас талаффуз этилади.

Нагъжада ушбу бўғинларга сўз бошида ва сўз ўртасида икки белги қўйилади:

мех	р(и)	кад	р(и)	чар	х(и)
—	V	—	V	—	V

б) таркибида чўзиқ унлиси бўлган ёниқ бўғин. Бу бўғиннинг оддий ёниқ бўғиндан фарқи шундаки, унинг таркибида нисбатан чўзиқроқ талаффуз қилинувчи унлилар (аксарият ҳолатларда “о”, “е”, “у” товушлари) катнашади. Масалан: ҳеч, дол, вой каби сўзларни талаффуз қилаётганда бўғин охиридаги ундош товушдан кейин юқоридаги каби қисқа “и” қўшиб ўқилади: ҳеч(и), дол(и), вой(и). Бу сўзлар матнда қуйидагича белгиланади:

хе	ч(и)	до	д(и)	во	й(и)
—	V	—	V	—	V

Энди савол туғилиши табиий: биз бу сўзларни оддий чўзиқ ҳижодан қандай фарқлаймиз? Борди-ю, шоир уни оддий чўзиқ ҳижо сифатида қўлаган бўлса-чи? Бунда бизга мисра чизмаси ёрдам беради. Ўрганишнинг дастлабки босқичи учун шу нарсани ҳисобга олишимиз керакки, мисрада ҳар учта чўзиқ ҳижодан кейин битта қисқа ҳижо келади. Масалан, Навоийнинг

“Эй муганний ёр базмида...” деб бошланувчи ғазалидаги кичик бир парчанинг ҳижолар сифатини кузатсак:

эй	му	ған	ний	ёр	баз
—	V	—	—	—	—

Тактича эътибор қаратадиган бўлсак, қисқа ҳижодан кейин 4 та чўзиқ ҳижонинг келишини кўриш мумкин. Дастлабки босқич учун шунини таъкидлашимиз лозимки, анъанавий ва кенг тарқалган вазнларда одатда 3 чўзиқ ҳижодан сўнг яна қисқа ҳижо келиши керак, биз кўраётган мисолда эса қисқа ҳижодан сўнг 4 та чўзиқ ҳижо келяпти. Демак, қаердадир хатога йўл қўйилди. Мисолни қайтадан текшириб чиқамиз: “Эй” — чўзиқ ҳижо, чунки ёниқ бўғиндан иборат, “му” — қисқа, чунки сўзнинг бошида келяпти ва урғу олмаяпти, “ған” — чўзиқ, “ний” — чўзиқ, “ёр” — чўзиқ. Шу ўринда бир оз тўхтаташимизга тўғри келади, чунки қисқа ҳижодан кейин 3 та чўзиқ ҳижони аниқлаб бўлдик. Қондага кўра, энди бизга бир қисқа ҳижо керак, уни қаердан топамиз? Диққат қаратсак, учинчи чўзиқ ҳижо “ёр” сўзидан иборат. Бу сўз эса “ўта чўзиқ ҳижо”нинг иккинчи тури ҳақидаги қондага кўра бир ярим бўғин бўлиши керак. Демак, кўринияптики, бу

Ўринда бизга ҳижони тўғри аниқлашда мисра чизмасининг ўзи ёрдам берди.

Ана энди ҳижолар ҳақидаги билимларимизни мустаҳкамлаш учун Алишер Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидан олинган 105 ғазали матлаҳсини кўриб чиқсак:

Ҳажердин асру ҳазинмен, соқиё, тутқил қадаҳ,

Ҳар неча соғар улуг бўлса тўла тутқил қадаҳ.

Ҳаж	р(и)	ди	ас	ру	ҳ	зин	мен	со	қи	ё	тут	қил	қа	даҳ
—	V	—	—	—	V	—	—	—	v	—	V	—	v	—
Ҳар	н	Ча	со	ғар	у	луг	бўл	са	тў	ла	тут	қил	қа	даҳ
—	V	—	—	—	V	—	—	—	v	—	V	—	v	—

Мисралардаги ҳар бир ҳижони алоҳида ўрганиб чиқамиз:

“*Ҳажер*” — икки қатор ундош билан тутаган бўғин бўлганлиги учун ўта чўзиқ ҳижо саналади, шунинг учун ундаги иккинчи ундошдан кейин қисқа “и” унлисини қўшамиз ва ушбу ҳижони иккита белги билан ажратамиз: — V, “*дин*” — чўзиқ ҳижо, чунки ёпиқ бўғин, “*ас*” ҳам худди шундай, “*ру*” — сўзнинг охирида келганлиги ва урғу олганлиги учун чўзиқ ҳижо ҳисобланади, “*ҳа*” — қисқа ҳижо, чунки сўзнинг бошида келяпти, урғу олмаяпти ва қисқа талаффуз қилинапти, “*зин*” ва “*мен*” бўғинлари эса ундош билан тутаганлиги, яъни ёпиқ бўғин бўлганлиги учун чўзиқ ҳижо саналади, “*со*” — чўзиқ ҳижо, чунки юқорида айтганимиздек, “*о*” унлиси билан тутаган бўғинлар аксарият ҳолларда чўзиқ ҳижо ҳисобланади. “*қи*” — қисқа ҳижо, чунки сўзнинг ўртасида келяпти ва урғу олмаяпти, “*ё*” ҳам худди “*со*” сингари сўзнинг охирида келганлиги ва “*о*” унлиси билан тутаганлиги учун чўзиқ ҳижодир; “*тут*”, “*қил*” бўғинлари — чўзиқ ҳижо, чунки ёпиқ бўғиндан иборат, “*қа*” — қисқа ҳижо, чунки сўзнинг ўртасида келяпти ва урғу олмаяпти ва няхоят “*даҳ*” — чўзиқ ҳижо, чунки ундош билан туталланган.

Яна шу ўринда таъкидлаш лозимки, мисра ҳеч қачон қисқа ҳижо билан якунланмайди, демак, у асосан чўзиқ, айрим ҳолларда ўта чўзиқ ҳижо бўлиши мумкин. Иккинчи мисра ҳам шу тариқа давом этади.

Энди ушбу чизмаларни алоҳида ҳолатда кўрсак:

— V — — — V — — — V — — — V — —
— V — — — V — — — V — — — V — —

Кўринияптики, биринчи мисрадаги чизма иккинчи мисра учун ҳам мос келади. Умуман, бу ҳолат аруз вази учун хос бўлиб, иккала мисрадаги

чўзик ва қисқа ҳижолар нисбати ўзаро мутаносиб бўлиши шарт. Яна бир байтни мисол тариқасида кўрсак:

Ғаминг қаттиғлигин қилсам ҳикоят,

Энигса тош, анга айлар сироят

(“Бадойеъ ул васат”, 75 ғазал).

Ға	минг	қат	тиғ	ли	ғин	қил	сам	хи	ко	ят
V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—
Э	шит	са	тош	а	нга	ай	лар	си	ро	ят
V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—

Мазкур чизманинг умумий кўриниши қуйидагичадир:

V — — — V — — — V — —

V — — — V — — — V — —

Савол ва топшириқлар:

1. Бўғиз билан ҳижонинг қандай фарқи бор? Мисоллар билан тушунтиринг.
1. Арузда ҳижонинг нечта тури мавжуд? Уларнинг номларини айтинг.
2. Чўзиқ ҳижо қандай ҳижо? Унинг хусусиятларини тушунтиринг ва дафтарга ёзинг!
3. Дафтарингизга қуйидаги сўзларни ҳижоларга ажратиб ёзинг: *дилбар, кема, дилдор, роъно, қалъа*.
4. Қисқа ҳижо нима? Унинг чўзиқ ҳижодан фарқини тушунтиринг
5. Қуйидаги сўзларни чўзиқ ва қисқа ҳижоларга ажратиб дафтарингизга ёзинг: *китоб, ҳидоят, келмади, анбар, хастадурман, ташина, эконимга*.
6. Ўта чўзиқ ҳижо нима? Унинг хусусиятларини тушунтиринг.
7. Қуйидаги сўзларни ҳижоларга ажратинг ва дафтарингизга ёзинг: *мағнавият, дафтарларим, муносабат аржуманд, санъат, шамъ*.

РУКН ВА БАХР ТУШУНЧАЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Байтдаги ҳижоларнинг қисқа ёки чўзиқлигини ўзлаштирганимиздан сўнг, руkn ва бахр ҳақида тушунча ҳосил қилиб олишимиз керак.

Бунинг учун аввал бир байтни чўзиқ ва қисқа ҳижоларга ажратиб чиқамиз:

Латофатда юзунг ҳам гул эмиш, ҳам гулситон эрмиш,

Ҳаловатда лабинг ҳам жону ҳам оромижон эрмиш.

(“Бадойеъ ул васат”, 264-ғазал)

Ла	то	фат	да	ю	зунг	ҳам	гул	о	миш	ҳам	гул	си	гон	эр	миш
V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—
Ха	ло	ват	да	ла	бинг	ҳам	жо	ну	ҳам	О	ро	ми	жон	эр	миш
V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—

Ушбу байтнинг чизмаси куйидагича эканлигига гувоҳ бўлдик:

V — — — V — — — V — — — V — — —

V — — — V — — — V — — — V — — —

Эътибор қаратилса, байтни чўзиқ ва қисқа ҳижоларга ажратганимизда бир қисқа ҳижодан кейин учта чўзиқ ҳижонинг такрорини кўриш мумкин:

V — — — (қисқа, чўзиқ, чўзиқ, чўзиқ). Айнан мана шу бўлак байт таркибида бутунгча қайтарилиб келганини кузатамиз. Такрорланаётган мазкур бўлакни биз **руkn** деб атаймиз. Демак, мазкур байтда тўртта руkn мавжуд. Барча руknларда битта қисқа ва учта чўзиқ ҳижо бор. Руknларнинг такрори иккала мисрада ҳам бир хил. Ушбу ҳолат байтнинг оҳангдорлигини таъминлаяпти.

Кўриб ўтган мисолларимиздан келиб чиқиб руkn тушунчасига куйидагича таъриф бериш мумкин:

Руkn арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “устун” деган маънони билдиради. Аруз тизимида эса маълум бир ҳижоларнинг бирикувидан ҳосил бўладиган ритмик бўлак руkn ҳисобланади. Масалан, бир чўзиқ+бир қисқа+икки чўзиқ (— V — —) ҳижолар бирлашса, фоилотун деб аталувчи руkn вужудга келади. Фоилотун сўзи “фаала” сўзининг ўзагидан ҳосил қилинган бўлиб, алоҳида маъно англатмайди. Мазкур сўзнинг таркибидаги ҳижолар сифатига эътибор қаратсак, яъни бўғинларни чўзиқ қисқаларга ажратсак, “фо” — чўзиқ, “н” — қисқа, “ло” — чўзиқ, “тун” — чўзиқ ҳижолардан иборат эканлигига гувоҳ бўламиз. Демак,

фоилотуннинг чизмаси таркибига мос келувчи хижолат: — V — — дан ҳосил бўлган экан. Худди шу тариха мафойилун (V — — —), мустафйилун (— — V — —), фаувлун (V — — —) ва ҳ.к.рукилар ҳам айнан шу қонуният асосида вужудга келганки, биз бу ҳақда қуйироқда батафсил фикр юритамиз.

Хижолатнинг такроридан рукилар ҳосил бўлгани каби рукиларнинг муайян тарзда такрорланиб келиши баҳрлар вужудга келади. Масалан, фоилотун руки такроридан рамал деб аталувчи баҳр, мафойилун руки такроридан ҳазаж баҳри, мустафйилун руки такроридан ражаз баҳри ва ҳ.к. ҳосил бўлади.

Буни соддароқ шаклда қуйидагича тушунтириш мумкин:

Аруз деганда бирор олий ўқув юртини тушунсак, баҳр деганда ундаги йўналишлар (факультетлар)ни тасаввур қилайлик. Билямизки, факультетларнинг ўз номлари бор. Демак, баҳрлар ҳам номланади. Араб арузида 19 баҳр мавжуд. Туркий арузда эса, асосан, уларнинг 11 таси қўлланилади. Шу 11 баҳрнинг ичида 4 таси нисбатан фаол баҳрлардан саналади. Улар рамал, ҳазаж, ражаз, мутақориб баҳрларидир. Ҳар бир факультетнинг таянч фанлари бўлгани каби баҳрлар ҳам ўз устуңларига, яъни рукиларига эга. Булар аслий рукилар ҳисобланади ва таянч фанлар ўз ичида яна бўлимларга бўлингани каби ҳар бир аслий руки ҳам тармоқ рукиларга бўлинади. Бу ҳақда кейинги мавзуларда батафсилроқ суҳбатлашамиз. Ҳозирча эса юқорида айтиб ўтилган 4 баҳрнинг рукилари, яъни устуңлари қандай номланишини билиб олишимиз зарур.

Рамал баҳри рукининг чизмаси қуйидагичадир: — V — — (чўзиқ, қисқа, чўзиқ, чўзиқ). Бу руки фоилотун деб аталади. Бир нуктага эътибор беринг: фс — чўзиқ, и — қисқа, ло — чўзиқ, тун — қисқа. Демак, руки номи унинг чизмасини ўзида акс эттирар экан.

Шу тариха қолган 3 та баҳрнинг рукилари номлари билан ҳам танишиб чиқсак, қуйидагича манзара ҳосил бўлади:

1-жадвал

№	Баҳрлар номи	Аслий рукилар номи	Чизмадаги шакли
1	Рамал	Фоилотун	—V— —
2	Ҳазаж	Мафойилун	V— — —
3	Ражаз	Мустафйилун	— — —V—
4	Мутақориб	Фаувлун	V— — —

Шу ўринда савол туғилади: модомики, руки байтларда такрорланиб келадиган ритмик бўлак экан, бу қай тартибда амалга ошади? Яъни бир мисрада ёки бир байтда нечта руки келади? Улар қандай номланади?

Бу ҳақда билиб олиш учун, Навоийнинг бир байтини бўғинларга ажратиб, таҳлил қилиб оламиз:

*Ишқ солди хонумоним ичра ўт,
Лаъли оташиноки жоним ичра ўт.*

Иш	к(и)	сол	ди	хо	ну	мо	ним	ич	ра	ўт
—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—
Лаъ	ли	о	таш	но	ки	жо	ним	ич	ра	ўт
—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—

—V — — — V — — — V —

—V — — — V — — — V —

Эътибор берилса, ушбу чизма 1-жадвалдаги — V — — (фоилотун) рукаи билан мос келяпти. Фоилотун рукаи биринчи мисрада уч марта, иккинчи мисрада ҳам уч марта такрорланган, фақат учинчи рука — V — (чўзик, қисқа чўзик) шаклида бўлиб, бу ҳолатга сал кейинроқ тўхталамиз. Яна жадвалга юзлансак, фоилотун рукаи тегишли бўлган бахр номи рамал эканлигини кўриш мумкин бўлади. Демак, ушбу байт рамал баҳрида яратилган экан. Рукаларни “/” белгиси билан ажратиб кўрсатамиз:

—V — — / — V — — / — V —

—V — — / — V — — / — V —

Энди эътиборимизни байтдаги рукаларнинг миқдорига қаратамиз. Иккала мисрадаги рукалар сони олтитани ташкил этаяпти. Араб тилида бу миқдор мусаддас (олтилик) дейилади. Демак, ушбу чизма рамал бахрининг мусаддас шаклига оид вазнга тегишли экан. Ва ниҳоят энди рукаларнинг байт таркибида қай ҳолатда келишини кузатамиз, чунки бу байт вазнини аниқлаш ва номлашда жуда муҳим. Байтни таҳлил қилганимизда учинчи рука тўлик фоилотун, — V — — (чўзик, қисқа, чўзик, чўзик) эмас, балки фоилун, — V — (чўзик, қисқа, чўзик) шаклида эканлигига гувоҳ бўлдик. Бу ҳолатни охириги хижо ташлаб юборилганини учун маҳзуф (охири ташланган) деб атаيمиз. Маҳзуф ҳам рука ҳисобланади, лекин аслий рука эмас. Чунки у ўзгарилига учраган. Ўзгарилига учраган рукалар арузшуносликда тармоқ рукалар деб аталади. Манзарани умумлаштириб қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- 1) рукалар рамал баҳрига тегишли;
- 2) уларнинг байтдаги сони олтига, яъни мусаддас
- 3) охириги хижо ташлаб юборилган, яъни маҳзуф.

Энди биз таҳлил қилган байтнинг вазни қуйидаги номга эга эканлигини кўришимиз мумкин: **ҳазажи мусаддаси маҳзуф**.

Ҳазрат Навоий каламига мансуб яна бир байтни таҳлил қилиб кўрайлик:

*Жунун водийсига мойин кўрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулгон рўзоримни.*

Жу	нун	во	дий	си	ға	мо	йил	кў	рар	мен	жо	ни	зо	рим	ни
V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—
Ти	лар	мен	бир	йў	ли	буз	моқ	бу	зул	гон	рў	з(и)	го	рим	ни
V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—

Эъди чизмани алоҳида белгиласак:

V — — — V — — — V — — — V — — —

V — — — V — — — V — — — V — — —

Чизмадаги белгилар жадвалдаги мафойилун рукни билан мос келади. Демак, байт ҳазаж баҳрига тегишли. Рукнлар сони эса саккизта. Бу араб тилида мусамман (саккизлик) дейилади. Ҳар йккала мисрадаги рукнлар тўлиқ, ташлаб юборилмаган, бу ҳолат солим (соғлом) дейилади. Рукнлар сони саккизта эканлигини ҳисобга олиб, байт вазнини номласак, унинг ҳазажи мусаммани солим эканлиги маълум бўлади.

Байтлар ҳижоиярининг чизмадаги шакли тақтиъ дейилади. Тақтиъ арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “кесип” маъносини билдиради. Чунки биз ҳар бир рукнни алоҳида “қирқиб” оламиз:

V — — — / V — — — / V — — — / V — — —

V — — — / V — — — / V — — — / V — — —

Агар рукнларнинг номларини алоҳида ёзиб чиқсак ҳам, юқоридаги манзарага ҳамоҳангликни кўрамиз:

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Васл ҳодисаси

Қўшлаб ғазалларнинг вазнини аниқлашда биз васл ҳодисасига дуч келамиз. Ҳўш, аруздаги васл нима?

Васл арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “уланиш” маъносини англатади. Ғазал байтидаги ундosh ҳарф билан тутаган сўзнинг ўзидан кейин келаётган унли ҳарф билан бошланган сўзга қўшиб ўкилиши васл дейилади. Буни яхшироқ тушуниш учун бир байтни олиб таҳлил қилиб кўрайлик:

*Тун оқишом бўлдию, келмас менинг шамъи шобистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парсонадек жоним.*

Биринчи мисрадаги тун сўзини биз коида бўйича чўзик деб оламиз, шунда иккала мисрадаги қолган сўзларнинг ҳам ҳижоларини аниқласак, қуйидаги манзара пайдо бўлади:

-- -- -- / V -- -- / V -- -- / V -- --
 V -- -- / V -- -- / V -- -- / V -- --

Бир қараганда ҳазажи мусаммани солим вазнидаги шеър. Лекин биринчи мисрадаги илк ҳижо нега чўзик? У қисқа бўлиши керак эмасми? Ҳа, бу ҳижо қисқа бўлиши керак, шунинг учун тун сўзини ўзидан кейин келаётган оқшом сўзига қўшиб ўқиймиз:

Туноқшом бўлдиқо, келмас менинг шамъи шабистоним.

Бўғинга ажратсак, ту-ноқ-шом деб ажратамиз ва ўқиймиз. Айни шу ҳодисани васл деб атаймиз. Васл ҳодисаси мумтоз адабиётимиз жанрларида ёзилган жуда қўплаб шеърларда учрайди ва буни билиш шеърнинг вазинини тўғри аниқлаб, ўқишда, айниқса, муҳимдир.

Васл ҳодисаси қўпинча байтда ўта чўзик ҳижони оддий чўзик ҳижога айлантириши ҳам мумкин. Бу ҳолни қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

Ме	ни	мен	ис	та	ган	ўз	сух	ба	ти	ға	Ар	жу	манд	эт	мас
V	--	--	--	V	--	--	--	V	--	--	--	V	--V	--	--
ме	ни	ис	тар	ки	ши	нинг	сух	ба	тин	қўнг	лим	пи	санд	эт	мас
V	--	--	--	V	--	--	--	V	--	--	--	V	--V	--	--

Ушбу байт ҳижоларини чўзик ва қисқага ажратганимизда аржуманд ва писанд сўзларини ўта чўзик ҳижо деб қабул қилганлигимиз учун юқорида ўрганган ҳовдамиз бўйича аржуманди ҳамда писанди деб ўқишимиз ва шунга мос тарзда ўта чўзик қилиб белгилашимиз керак. Лекин бу тарзда белгиласак, тўртинчи руқда иккита қисқа бўғин бўлиб қолади ва руқлар орасидаги мутаносибликка путур етади, шу сабабли аржуманд ва писанд сўзларини ўзидан кейин келаётган этмас сўзига қўшиб ўқиймиз. Шунда арузга хос оҳанг ҳам, вазн ҳам тўғри сақланади:

Ме	ни	мен	ис	та	ган	ўз	сух	ба	ти	ға	Ар	жу	ман	дэт	мас
V	--	--	--	V	--	--	--	V	--	--	--	V	--	--	--
Ме	ни	ис	тар	ки	ши	нинг	сух	ба	тин	қўнг	лим	пи	сан	дэт	мас
V	--	--	--	V	--	--	--	V	--	--	--	V	--	--	--

Демак, кўриятптики, ушбу байт ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган экан.

Савол ва топшириқлар:

1. Рукн нима?
2. Баҳр нима?
3. Аруз тизимида нечта баҳр мавжуд ва уларнинг қайсилари туркий адабиётда кенг қўлланади?
4. Вазнларни қандай қоида асосида номлаймиз?
5. Маҳзуф сўзининг маъноси нима ва у қандай аҳамият касб этади?
6. Солим сўзи қандай маъно англатади?
7. Қуйидаги байтни таҳлил қиланг ва номланг:
*Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,
Не эконимдин асар зоҳир, не кўнгулмдин нишон пайдо.*
8. “Васл” сўзининг маъноси нима?
9. “Васл” ҳодисасини тушунтириб беринг.
10. Васл ҳодисаси байт вазнини аниқлашда қандай аҳамиятга эга?
11. Қуйидаги байтнинг вазнини аниқланг:
*Ки: Эй зори жафокан ошиқим, менсиз нечукурсен –
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.*

БАҲРЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Аслий руқнлар ва уларнинг тузилиши

Биз юқорида руки ҳақида умумий маълумотга эга бўлдик ва уларнинг гуртгаси билан танишдик. Аслида, аруз тизимида саккизта аслий руки мавжуд бўлиб, булар қуйидагилардир:

2-жадвал

№	Аслий руқнлар номи	Қизмаси	Ҳосил қилинадиган баҳр номи
1	Фоилотун	—V—	Рамал
2	Мафойилун	V—	Ҳазаж
3	Мустафилун	—V—	Ражаз
4	Фаувлун	V—	Мутақориб
5	Фойлун	—V—	Мутадорик
6	Мутафойлун	VV—V—	Комил
7	Мафойлатун	V—VV—	Вофир
8	Мафъувлоту	—V—	

Юқоридаги аслий руқнлардан мафъувлоту аслий руқни яхлит ҳолда бир ўзи баҳр ҳосил қилмаса-да, лекин аруз тизимида ўз ўрнига эга. Биз бу

руkning вазифаси ҳақида кейинги мавзуларда тўлиқроқ маълумот берамиз.

Баҳрларнинг таркибий тузилиши

Юқорида биз баҳрларнинг умумий моҳияти ҳақида тасаввур ҳосил килдик. Туркий шеърятда қўлланадиган 11 та баҳр қандай руқнлардан таркиб топганига кўра икки гуруҳга ажратилади:

1. Бир хил аслий руқнлардан ташкил топган баҳрлар.

2. Турли аслий руқнлар ва уларнинг тармоқларидан таркиб топган баҳрлар.

Биринчи гуруҳга фақат бир аслий руқнга эга бўлган баҳрлар кирази. Яъни рамал баҳри фақат **фоилотун** руқнининг, ҳазаж баҳри эса фақат **мафойилун** руқни ва шу каби бу гуруҳга қирган қолган баҳрлар ҳам бир аслий руқнинг такрорига асосланади. Биз юқорида туркий арузда қўланувчи шундай баҳрлардан фақат тўрттасини кўриб чиқдик. Аслида туркий арузда бундай баҳрлар сони олтитта. Юқорида келтирилган 1-жадвални энди тўлиқ ҳолда кўрамиз:

3-жадвал

№	Баҳрлар номи	Аслий руқнлар номи	Чизмаси
1	<i>Рамал</i>	Фоилотун	--V--
2	<i>Ҳазаж</i>	Мафойилун	V---
3	<i>Ражаз</i>	Мустафйилун	--V-
4	<i>Мутақориб</i>	Фаувлун	V--
5	<i>Мутадорик</i>	Фоилун	-V-
6	<i>Комил</i>	Мутафоилун	VV-V-

Турли аслий руқнлар ва уларнинг тармоқларидан таркиб топган баҳрлар эса ўзининг асл устунига, яъни руқнига эга бўлмаганлиги учун улар икки хил аслий руқнларнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Ушбу гуруҳга кирувчи баҳрлар сони 5 тадир:

1. *Музореъ* мафойилун ва фоилотун аслий руқнларининг тармоқларидан вужудга келиб, туркий шеърятда фақат мусамман кўринишида мавжуд бўлади.

2. *Мужтасс* мустафйилун ва фоилотун аслий руқнларининг тармоқларидан вужудга келиб, туркий шеърятда фақат мусамман шаклида учрайди.

3. *Мунсариҳ* мустафйилун ва мафъувлоту аслий руқнлари тармоқларининг ўзаро алмашинуvidан вужудга келиб, туркий шеърятда фақат мусамман шаклида учрайди.

4. *Сариъ* икки марта мустафъилун ва бир марта мафъувлоту аслий руқнларининг тармоқларидан вужудга келиб, туркий шеърятда фақат мусаддас шаклида учрайди.

5. *Хафиф* фоилотун аслий руқни ва тармоқлари ҳамда мустафъилун аслий руқни тармоқларидан вужудга келиб, туркий шеърятда фақат мусаддас шаклида учрайди.

4-жадвал

№	Баҳр номи	Қайси аслий руқнлардан ташкил топганлиги
1	Музореъ	мафойилун / фоилотун / мафойилун / фоилотун
2	Мужтасс	мустафъилун / фоилотун / мустафъилун / фоилотун
3	Мунсарих	мустафъилун / мафъувлоту / мустафъилун / мафъувлоту
4	Сариъ	мустафъилун / мустафъилун / мафъувлоту
5	Хафиф	фоилотун / мустафъилун / фоилотун

Савол ва топшарҳлар:

1. Аслий руқнлар сони нечта?
2. Аслий руқнларнинг қайси бири баҳр ясамайди?
3. “Аслий руқн” истилоҳининг маъносини тушунтиринг?

БИР ХИЛ АСЛИЙ РУҚНЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН БАҲРЛАР

Рамал баҳри


Рамал баҳри туркий шеърятда энг кўп қўлланилган баҳр бўлиб, деярли барча шоирлар ижодида етакчи ўринда туради. “Рамал” сўзи арабча “туянинг лўкиллави”, “бўйра тўқиш” деган маънони билдиради¹.

Маълумки, рамал баҳри фоилотун аслий руқнининг байт таркибида турли ҳолатларда тақрорланишидан ҳосил бўлади.


Рамал баҳрининг аслий руқнидан тармоқ руқнлар ясалади. Бу қандай юз беради? Тармоқ руқнлар фоилотун аслий руқнининг ҳижоларини турлича ўзгартириш: ташлаб юбориш, қисқартириш ёки чўзиш орқали пайдо бўлади. Ушбу тармоқларни бирин-кетин кўриб чиқсак.

¹ Умуман олганда, туя сўроо халқлари, хусусан араб халқи турмуш тарзининг ажралмас қисми ҳисобланганини учун арудаги кўшлаб атамалар гуя ботан боғланади.


1. Фоилийён тармоқ руки фоилотун асл рукининг охириги бўғинини ўта чўзиқ ҳижога айлантириш орқали пайдо бўлади ва фақат мисранинг охирида келади.




2. Фаилотун тармоқ руки фоилотун асл рукининг биринчи ҳижосини қисқартириш ҳисобига шаклланади.




3. Фоилоту тармоқ руки фоилотун асл рукининг охириги ҳижосини қисқартириш натижасида пайдо бўлади.




4. Фаилоту тармоқ руки фоилотун асл рукининг биринчи ва охириги ҳижоларини қисқартириш натижасида пайдо бўлади.




5. Фоилун тармоқ руки фоилотун асл рукининг охириги ҳижосини таълаб юбориш натижасида пайдо бўлади



6. Фоилотун тармоқ руқни фоилотун асл руқнининг охириги ҳижосини ташлаб юбориш ва учинчи ҳижони ўта чўзикқа айлантириш натижасида пайдо бўлади.




7. Фаилун тармоқ руқни фоилотун асл руқнининг охириги ҳижосини ташлаб юбориш ва биринчи ҳижони қисқартириш натижасида пайдо бўлади.




8. Фаилон тармоқ руқни фоилотун асл руқнининг охириги ҳижосини ташлаб юбориш, биринчи ҳижони қисқартириш, учинчи ҳижони ўта чўзикқа айлантириш натижасида пайдо бўлади.




9. Фаилун тармоқ руқни фоилотун асл руқнининг бир чўзик ва қисқа ҳижоларини ташлаб юбориш натижасида пайдо бўлади.



10. Фаилон тармоқ руқни фоилотун асл руқнининг бир чўзик ва қисқа ҳижоларини ташлаб юбориш ва охириги ҳижони ўта чўзикқа айлантириш натижасида пайдо бўлади.



Фоилотун аслини унинг тармоқ руқилари билан бирга қуйидаги чизмада кўриш мумкин:



Юқорида келтирилган тармоқ руқилар вазн таркибида келганда алоҳида номга эга бўлади. Қуйидаги жадвалда уларни вазндаги номи билан бирга кўриб чиқамиз:

5-жадвал

№	Тактиъи	Афоиин	Руқи номи
1	- V --	Фойлийён	Мусаббағ
2	V V --	Фойлотун	Махбун
3	V V -V	Фойлоту	Мапкул
4	- V -V	Фойлоту	Макфуж
5	- V --	Фойлун	Махзуж
6	- V ~	Фойлун	Максур
7	V V --	Файлун	Махбуни махзуж
8	V V ~	Файлун	Махбуни максур
9	--	Файлун	Мактуъ
10	- ~	Файлун	Мактун мусаббағ

Савол ва топшириқлар:

1. Рамал баҳрининг аслий руқни нима нима деб номланади?
2. Рамал баҳрининг аслий руқидан қандай йўл билан тармоқ руқилари ҳосил қилинади?

3. *Рамал баҳрининг тармоқ руқнларини дафтарингизга ёзинг ва ёд олинг!*

РАМАЛ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Туркий адабиётда рамал баҳри асосан мусамман ва мусаддас шаклларда учрайди. Даставвал, мусамман руқнли вазнларни кўриб чиқамиз.

Рамал баҳрининг мусамман вазнлари

1. Рамали мусаммани солим

Юқорида биз руқнларнинг бир мисрада 4, бир байтда 8 марта такрорланишидан мусамман шакли юзага келишини таъкидлаб ўтган эдик. Агар ҳар бир мисрадаги руқн тўлиқ ҳолатда такрорланса, *солим* ҳисобланиши ҳам айтиб ўтилди. Рамал баҳридаги биринчи вазн *рамали мусаммани солим* деб аталади. Яъни *фоилотун* руқни мазкур байтда 8 марта ҳеч қандай ўзгартиришларсиз, тўлиқ ҳолда такрорланади. Тақтиъи қуйидагича:

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун

— V — — / — V — — / — V — — / — V — —

Аммо бундай вазн ҳун оҳангга эга эмас, шу сабабли мумтоз адабиётимизда ушбу вазнда деярли шеър битилмаган. Ҳазрат Навоий бу вазнни тажрибадан ўтказиш мақсадида бир ғазал ёзган бўлиб, у “Наводир уш-шабоб” девонидан 199-ракам билан ўрин олган. Ғазал матлаъси қуйидагича:

Эй эсалоу раҳматингдин гар залилу, гар муаззас.

Сафҳайи кавнайн ўлуб отинг тарозидин мутарраз...

Эй	жа	ло	лу	рах	ма	тинг	дин	гар	за	ли	лу	гар	му	аз	зас
—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—
Саф	ҳа	йи	кав	най	нў	луб	о	тинг	та	ро	зи	дин	му	тар	раз
—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—

2. Рамали мусаммани маҳзуф

Мазкур вазн дастлабки уч руқннинг *фоилотун*, сўнгги тўртинчи руқннинг *фоилун* тарзида келишидан вужудга келади. Яъни, вазннинг тақтиъ:

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

— V — — / — V — — / — V — — / — V —

ЭСЛАТМА!

Муайян баҳрга доир вазнини аниқлашда вази таркибида асл руки иштирок этса-да, номланишда фақат ўзгаришга учраган (тармок) рукилар эътиборга олинади. Масалан, “*Рамали мусаммани маҳзуф*” вазнида дастлабки рукиларда фоилотун айнаи ўзгаришсиз, яъни солим тарзида такрорланади, тўртинчи рукининг охириги бўғини ташлаб юборилган, яъни маҳзуф. Лекин вазини номлашда “солим” сўзи қўлланилмасдан, фақат ўзгаришга учраган руки “маҳзуф”га эътибор қаратилади, солим эса хотирада сақланади.

Рамали мусаммани маҳзуф вазни туркий шеърятда энг кўп истифода этилган бўлиб, “Хазойин ул-маоний”даги 2600 ғазалдан 1101 таси ушбу ўлчовда битилган.

*Оразин ёпқач кўзумдин сочишур ҳар лаҳза ёш,
Уйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 249-ғазал)

О	ра	зин	ёп	қач	кў	зим	дин	со	чи	лур	ҳар	лаҳ	за	ёш
—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—
Уй	ла	ким	пай	до	бў	лур	юл	дуз	ни	ҳон	бўл	ғач	қу	ёш
—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—

Мисоллар:

*Ҳар гадоким, бўрётин фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳоҷат эмас хилъат анга...*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 8-ғазал)

*Кўнглум ичра дарду ғам аввалзиларга ўхшамас
Ким, ул ойнинг ҳажри ҳам аввалзиларга ўхшамас.*

(“Наводир уш-шабоб”, 238-ғазал)

*Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.*

(“Бадойеъ ул-васат”, 140-ғазал)

*Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо бўлмаса,
Найлайин саҳбони, бир гул мажлисаро бўлмаса.*

(“Фавойид ул-кибар”, 24-ғазал)

3. Рамали мусаммани мақсур

Мазкур вазнда фоилотун руқни 3 маротаба такрорланиб, 4-руқн фоилон шаклида келади. Айнан охириги руқн – фоилоннинг вазндаги номи мақсур бўлганлиги учун вазн рамали мусаммани мақсур деб аталади. Тақтиъи қуйидагичадир:

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

– V – – / – V – – / – V – – / – V –

*Озғининг сирри манга маълум агар эрмас не айб,
Ҳеч кимга заррае чун бермамини ҳақ шми зайб...*

Оғ	зи	нинг	сир	ри	ма	нга	маъ	лум	а	гар	эр	мас	не	айб
–	V	–	–	–	V	–	–	–	V	–	–	–	V	~
Ҳеч	(и)	ким	га	зар	ра	е	чун	бер	ма	миш	ҳақ	ил	ми	Ғайб
–	V	–	–	–	V	–	–	–	V	–	–	–	V	~

Мисоллар:

*Субҳ эрур соқию мен маҳмурмен, сен майпараст,
Тут қуёшдек жомни, монъ недур бўлмоққа маст...*

*Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,
Жавҳар олмоқга ғаний қилган кеби динор харж...*

4. Рамали мусаммани машқул

Ушбу вазннинг 1- ва 3-руқни фаилоту (VV – V), 2- ва 4-руқнлари фоилотун(– V –) тарзида келади. Бир байтда руқнларнинг умумий сони 8 тани ташкил этиб, 1- ва 3-руқнлар – фаилоту (VV – V)нинг номи машқул эканлигини ҳисобга олсак, вазини рамали мусаммани машқул деб атаймиз. Тақтиъи:

Фаилоту фоилотун фаилоту фоилотун

V V – V / – V – – / V V – V / – V – –

Мазкур вазн ўқилиши жиҳатидан оғир оҳангга эга бўлганлиги учун туркий шеърят, хусусан ҳазрат Навоий ижодида кенг ўринга эга эмас. Саккизта қисқа ва саккизта чўзиқ ҳижоннинг гуруҳлавиб такрорланиши муайян мураккабликни вужудга келтиради. “Ҳазойин ул-маоний”да бу вазнда ёзилган битта ғазал мавжуд.

*Яна шуълалиқ қўнғулни ғаминг этти пора-пора,
Буки бутрашур, эрур поралари эмас шарора.*

(“Бадоеъ ул-васаъ”, 523-ғазал)

Я	на	шуъ	ла	лиқ	қў	нгул	ни	ға	ми	нгэг	ти	по	ра	по	ра
V	V	—	V	—	V	—	—	V	V	—	V	—	V	—	—
Бу	ки	бут	ра	шур	э	рур	по	ра	ла	ри	э	мас	ша	ро	ра
V	V	—	V	—	V	—	—	V	V	—	V	—	V	—	—

5. Рамали мусаммани махбун

Мазкур вазн тақтибида даставвал *фоилотун* рукни, сўнг 3 марта *фаилотун* рукни келади. *Фаилотун* рукни эса махбун деб аталади. Шу сабаб вазн номи рамали мусаммани махбундир.

Тақтиби қуйидагича:

Фоилотун фаилотун фаилотун фаилотун

— V — — | V V — — | V V — — | V V — —

Ҳар тарафким борур азёр ила жонон талашурмен,

Чун ажсал қасд қилур ўлмакима, жон талашурмен.

(“Бадойеъ ул-васат”, 471-газал)

Ҳар	та	раф	ким	бо	ру	рағ	ёр	и	ла	жо	нон	та	ла	шур	мен
—	V	—	—	V	V	—	—	—	V	—	—	V	V	—	—
Чун	а	жал	қас	д(и)	ки	лур	ўл	ма	ки	ма	жон	та	ла	шур	мен
—	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—

Мисоллар :

Эй, қўнгул ичра майи васлинг учун ком таманно,

Жонга ҳам фуrqатинг ўти аро бу хом таманно.

(“Фавойид ул-кибар”, 5-газал)

Котиби сунъ чу ҳар кимга бир ишни рақам айлаб,

Сабз хатлар ғамига бизни қазо муттаҳам айлаб.

(“Фавойид ул-кибар”, 57-газал)

Ҳар тарафким борур азёр ила жонон талашурмен,

Чун ажсал қасд қилур ўлмакима, жон талашурмен.

(“Бадоеъ ул-васат”, 471 гагал)

6. Рамали мусаммани махбуни махзуф

Ушбу вазнда илк рукн *фоилотун* шаклида келади. Кейинги 2- ва 3-рукнлар *фаилотун* бўлиб, бу махбун деб аталиши маълум. Охиrги 4-рукн

эса фаилун бўлиб, бу махбун махсуфдир. Шу асосда унинг тақтибини чизадиган бўлсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

Фойлотун фаилотун фойлотун фаилун

— V — — | V V — — | V V — — | V V —

Энди вазини номлаймиз: баҳр номи рамал, бир байтда 8 та рукн, демак, мусамман, биринчи рукн солам, қолганлари махбун, охирги рукн эса махбуни махсуф, буларнинг ҳаммаси эса *рамали мусаммани махбуни махсуф* номида акс этар экан.

ЭСЛАТМА!

Ушбу вазининг биринчи руки баъзан “файлотун” тарзида ҳам келиши мумкин, яъни биринчи мисра фойлотун билан бошланса, кейинги мисра фойлотун билан бошланган (ёки аксинча) мумкин ва бу ҳолат рамал баҳрининг махбун тармоғидаги барча вазиларга тегишлидир.

Бўлмайин ҳусн кўнгул топмади шиқ ичра тараб,

Анга ҳаҳдин талаби шиқдурур ҳусн талаб.

(“Бадойсь ул-васат”, 46- ғазал)

Бул	ма	йин	Хус	н(и)	кў	нгул	топ	ма	ди	иш	кич	ра	та	раб
—	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—
Анг	а	ҳак	дин	та	ла	би	иш	к(и)	ду	рур	ҳус	н(и)	та	лаб
—	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—

Мисоллар:

Қилди юз пора кўнгул бўлгани афғор санга,

Юз кўнгул бирла мени шиқ гирифтор санга.

(“Наводир уш-шабоб”, 16- ғазал)

Қоши ёсинму дейин, кўзи қоросинму дейин,

Кўнгулма ҳар бирининг дарду балосинму дейин?

(“Наводир уш-шабоб”, 483- ғазал)

Қош санчилса ики кўзума кўюнг тикани,

Қиртиқинг ипаси бирла чиқарур бўлса ани.

(“Наводир уш-шабоб”, 585- ғазал)

8. Рамали мусаммани махбуни мақсур

Ушбу вазни ҳосил қилиш учун юқоридаги вазннинг охириги рукнини *махбуни маҳзуф*, яъни *фаилун* (VV–) дан *махбуни мақсур* – *фаилон* (V V~)га ўзгартирамиз. Шунда куйидаги манзара ҳосил бўлади:

Фоилотун фаилотун фаилотун фаилон
– V – – | V V – – | V V – – | V V ~

Демак, бу вазн юқорисидайдиган бор-йўғи охириги рукннинг ўзгариши билан фарқланмоқда.

*Ваҳки, ул музбача, ҳар дамки чекар бодаи ноб,
Қўзгалур арбадасидин бу қўҳан дайри хароб.*

(“Бадойеъ ул-васат”, 42- ғазал)

Ваҳ	ки	ул	муғ	ба	ча	ҳар	дам	ки	че	кар	бо	да	и	ноб
–	V	–	–	V	V	–	–	V	V	–	–	V	V	~
Қўз	ға	лур	ар	ба	да	си	дин	бу	қў	ҳан	дай	ри	ха	роб
–	V	–	–	V	V	–	–	V	V	–	–	V	V	~

*Ишқ тобидин ўлубмен мени бемор заиф,
Тоб кўп кўрса анингдекки бўлур тор заиф.*

(“Бадойеъ ул-васат”, 306- ғазал)

*Ишқ аро нофиъ эмас оқилу фарзонага панд,
Қайда бас нафъ етургай мени девонага панд.*

(“Фавойид ул-қибар”, 116-ғазал)

9. Рамали мусаммани солими махбуни мақтуъ

Ушбу вазн юқорида келтирилган *рамали мусаммани махбуни маҳзуф* ҳамда *рамали мусаммани махбуни мақсур*дан фақат охириги рукннинг ўзгариши билан фарқланади, яъни охириги рукн *фаълун* (– –) тарзида келади. Бу рукн, биламизки, *мақтуъ* дейилади. Тактиъ эса куйидаги шаклда намоён бўлади:

Фоилотун фаилотун фаилотун фаълун
– V – – | V V – – | V V – – | – –

*Неча бўлғай манга ҳажер ичра тазаллум, ё Раб?
Айла бу зулм аро ҳолимга тараҳхум, ё Раб.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 47-ғазал)

Не	ча	бұл	ғай	ма	яға	хаж	рич	ра	та	зал	лұм	ё	Раб
—	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	—	—
Ай	ла	бу	зул	ма	ро	қо	лим	ға	та	рах	хум	ё	Раб
—	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	—	—

Мисоллар:

*Назбаҳор ўрдию мен ҳажрида, соқий, май тут,
Токи йиғлай қилибон арбада андоққи булут.*

(“Наводир уш-шабоб”, 71-ғазал)

*Ишқ аро мен кеби йўқ бесару сомон бўлган,
Хонумон бузган алохону аломон бўлган.*

(“Наводир уш-шабоб”, 488- ғазал)

10. Рамали мусаммани махбуви мактуъи мусаббағ

Ушбу вазн биз юқорида ўрганган вазнлардан оқирғи руқиянинг **фаълон** (— ~) га алмашиши натижасида юзага келади, тактиъи эса куйидагичадир:

Файлотун файлотун файлотун фаълон

— V — — | V V — — | V V — — | — ~

Фаълон(— ~) руқия **мактуъи мусаббағ** деб аталади. Шунинг учун ушбу вазннинг биринчи руқия **солим**, ўртадаги 2- ва 3-руқиялари **махбун**, оқирғиси **мактуъи мусаббағ** эканлигини ҳисобга олсак, унинг аталиши **рамали мусаммани махбуви мактуъи мусаббағ**дир.

*Манга ул кўзи қора деди чучук чандин сўз,
Не ажаб оти қорақўз десаму ширин сўз.*

(“Наводир уш-шабоб”, 219- ғазал)

Ма	яға	ул	кў	зи	қо	ра	де	ди	чу	чук	чан	дин	сўз
—	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	—	~
Не	а	жаб	о	ни	қо	ра	кўз	де	са	му	ши	рин	сўз
—	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	—	~

Мисоллар

*Қотилеким, анга эрмас киши асло густох,
Тулди қонимки, бўлубмен мени шайдо густох.*

“Ғавойид ул-кибар”, 108-ғазал

*Эй юзунг боғи насимида ҳавойи наврўз,
Лайли толжинг бўлуб ул боғда бўстонафрўз.*

“Бадоеъ ул-васат”, 215-ғазал

Савол ва топшириқлар:

1. *Рамали мусаммани солим* вазни қандай ҳосил бўлади?
2. Навойнинг *рамали мусаммани солим*да ёзилган ғазалини “Наводир уш-шабоб” девонидан топинг, дафтарингизга кўчиринг ва барча байтларнинг тақтиъини чизинг.
3. *Рамали мусаммани машқул* вазнининг биринчи ва учинчи руқнлари қандай номланади?
4. Нима сабабдан туркий шеърятда мазкур вазн кенг истифода этилмаган?
5. Рамал баҳридаги махбун ва махбуни маҳзуф руқнлари ўртасида қандай фарқ бор?
6. Рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазни ва рамали мусаммани махбун вазни ўртасидаги фарқни айтинг.
7. Рамал баҳридаги мактуъи мусаббағ ҳамда мактуъ руқнларининг афоилларини айтинг. Улар ўртасидаги фарқни тушунтиринг.
8. Мисол тарқасида келтирилган байтларнинг тақтиъини аниқланг.

РАМАЛ БАҲРИНИНГ МУСАДДАС ВАЗНЛАРИ

Рамал баҳрининг мусаддас руқнли вазнлари худди мусамман вазнлар сингари тузилишга эга бўлиб, фақатгина мисра таркибида бир руқннинг кам эканлиги билан фарқланади.

Шу сабабли ушбу вазнларга таъриф беришда уларнинг номлари, тақтиъи ва мисоллар келтириш билан чекланамиз.

1. Рамали мусаддаси маҳзуф.

Тақтиъи:

Фошлотун фошлотун фошлун

— V — — | — V — — | — V —

2. Рамали мусаддаси максур.

Тақтиъи:

Фошлотун фошлотун фошлон

— V — — | — V — — | — V ~

3. Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф.

Тақтиъи:

Фошлотун фашлотун фаилун

— V — — | V V — — | V V —

4. Рамали мусаддаси махбуни максур.

Тақтиъи:

Фошлотун фашлотун фашлон

— V — — | V V — — | V V ~

5. Рамали мусаддаси махбуви мактуъ.

Тактиби:

Фошлотун фашлотун фаълон

- V - - | V V - - | - -

6. Рамали мусаддаси махбуви мактуъи мусаббаъ.

Тактиби:

Фошлотун фашлотун фаълон

- V - - | V V - - | - ~


ҲАЗАЖ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Ҳазаж баҳри туркий шеърятда қўлланилиши жиҳатдан рамал баҳридан кейин иккинчи ўринда бўлиб, **мафойилун** (V - - -) руки такроридан ташкил топади. “Ҳазаж” сўзи арабча бўлиб, “ёкимли овоз”, “хушоханг куй” деган маънони автлатади.


Маълумки, ҳазаж баҳри **мафойилун** аслий рукининг байт таркибида турли ҳолатларда такрорланишидан ҳосил бўлади.

Ҳазаж баҳрининг аслий рукидан тармоқ руқлар ясалади. Бу қандай юз беради? Тармоқ руқлар **мафойилун** аслий рукининг ҳижоларини турлича ўзгартириш: таълаб юбориш, қисқартириш ёки чўзиш орқали пайдо бўлади. Ушбу тармоқларни бирин-кетин кўриб чиқсак.


1. **Мафойилон** тармоқ руки **мафойилун** асл рукининг охириги бўғинини ўта чўзиқ ҳижога айлантириш орқали пайдо бўлади ва фақат мисранинг охирида келади.




2. **Мафойилун** тармоқ руки **мафойилун** асл рукининг учинчи ҳижосини қисқартириш ҳисобига шаклланади.




3. **Мафойилу** тармоқ руки **мафойилун** асл рукининг охириги ҳижосини қисқартириш натижасида пайдо бўлади.




4. Фаувлу тармоқ руки мафоййлу асл рукининг охирги ҳижосини ташлаб юбориш натижасида пайдо бўлади.




5. Мафойй тармоқ руки мафоййлу асл рукининг охирги ҳижосини ташлаб юбориш ва учинчи ҳижони ўта чўзиққа айлантириш натижасида пайдо бўлади.




6. Мафъулу тармоқ руки мафоййлу асл рукининг биринчи, яъни қисқа ҳижоси туширилиб, охирги чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилиши орқали вужудга келади. Ҳосил қилинган фойлу руки ўзига тенг мафъулу билан алмаштирилади.



7. Мафъулун тармоқ руки мафоййлу асл рукининг биринчи, яъни қисқа ҳижоси туширилиши натижасида пайдо бўлади. Вужудга келтирилган фойлу руки ўзига тенг мафъулун билан алмаштирилади.




8. Фоиллун тармоқ руқни мафоййлун асл руқнининг биринчи хижосини ташлаб юбориб, учинчи хижосини қисқартириш натижасида пайдо бўлади.




9. Фаал тармоқ руқни мафоййлун асл руқнининг учинчи ва тўртинчи, яъни чўзиқ хижоларини ташлаб юбориш натижасида пайдо бўлади. Ҳосил қилинган мафо руқни ўзига тенг фаал руқни билан алмаштирилади.



10. Фаулл тармоқ руқни мафоййлун асл руқнининг учинчи ва тўртинчи, яъни чўзиқ хижоларини ташлаб юбориш ҳамда иккинчи хижосини ўта чўзиқ хижога айлантириш натижасида пайдо бўлади. Ҳосил қилинган мафол руқни ўзига тенг фаулл руқни билан алмаштирилади.




11. Фаъ тармоқ руқни мафоййлун асл руқнининг аввалги уч хижосини ташлаб юбориш орқали вужудга келади. Ҳосил қилинган лун руқни ўзига тенг фаъ руқни билан алмаштирилади.



12. Фол тармоқ руқни мафоййлун асл руқнининг аввалги биринчи, учинчи ва тўртинчи хижоларини ташлаб юбориб иккинчи хижони ўта чўзиққа айлантириш орқали вужудга келади.




13. Фоъ тармоқ руки мафойилун асл рукининг аввалги биринчи, учинчи ва тўртинчи ҳижолярига ташлаб юбориб иккинчи ҳижонни ўта чузиққа айлантириш орқали вужудга келади.



РУКИЛАРИ

№	Рукилар	Чизмаси	Аталиши	Келиш ўрни
1	Мафойилон	V --- ~	Мусаббағ	Сўнгги рукида
2	Мафойилун	V - V -	Макбуз	Ўрта рукиларда
3	Мафойилу	V - - V	Макфуф	Ўрта рукиларда
4	Фаувлун	V ---	Махзуф	Сўнгги рукида
5	Мафойил	V - ~	Мақсур	Сўнгги рукида
6	Мафъувлу	-- V	Ахраб	Биринчи ва ўрта рукиларда
7	Мафъувлун	-- --	Ахрам	Биринчи ва ўрта рукиларда
8	Фойилун	- V -	Аштар	Биринчи ва ўрта рукиларда
9	Фаал	V --	Ажабб	Сўнгги рукиларда
10	Фауыл	V ~	Ахтам	Сўнгги рукиларда
11	Фаъ	-	Абтар	Сўнгги рукиларда
12	Фоъ	~	Азалл	Сўнгги рукиларда



ҲАЗАЖ БАҲРИНИНГ МУСАММАН ВАЗНЛАРИ

1. Ҳазажи мусаммани солим

Ҳазаж баҳрининг мусамман вазнларининг дастлабкися *ҳазажи мусаммани солим* бўлиб, биз бу вазн билан илк мавзуларда ҳам гаплашган эдик. Унинг тақтиби куйидагича эди:

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

V - - - / V - - - - / V - - - - / V - - - -

*Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,
Не жонимдин асар зоҳир, не кўнглумдин нияон пайдо.*

(“Фавойид ул-кибар”, 34-ғазал)

Ма	нга	не	ман	зи	лу	маъ	во	а	ён	не	хо	ну	мон	пай	до
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-	-
Не	жо	ним	лин	а	сар	зо	хир	не	кўг	лум	дин	ни	шон	пай	до
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-	-

Мисоллар:

1. Ҳазажи мусаммани мусаббағ

Бу вазн ҳазажи мусаммани солимдан фақатгина охириги руқн ўзгариши билан фаркланади. Шу сабабли икки вазн ҳам бир шеърда алмашилиб қўлланавериши мумкин. Тактиби қуйидагича:

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

V — — — / V — — — / V — — — / V — — ~

Демак, 4-руқннинг охириги ҳижосини ўта чўзикқа айлантириш натижасида янги вазн пайдо бўляпти. Биз мазкур руқн номини мусаббағ деб атаймиз, вазини эса ҳазажи мусаммани мусаббағ тарзида номлаймиз.

Ғадоийи фақр ила сўз айта олмас подшо густох,

Шаҳ оллинда нечуким, дам ура олмас гадо густох.

“Ғаройиб ус-сияр”, 107-ғазал

Ға	до	йи	фақ	ри	ла	сўз	ай	та	ол	мас	под	(и)	шо	гус	тох
V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	~
Шаҳ	ол	лин	да	не	чук	ким	дам	у	ра	ол	мас	га	до	гус	тох
V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	—	V	—	—	~

Мисоллар:

2. Ҳазажи мусаммани аҳраб

Мазкур вазини ҳосил қилишда мусамман шаклидаги мафойилун руқнларининг 1- ҳамда 3-ўринлари мафъуълуга алмаштирилади ва қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

Мафъуълугу мафойилун мафъуълугу мафойилун

— — V / V — — — / — — V / V — — —

Маълумки, мафъуълугу руқни аҳраб деб аталади. Демак, ушбу вазини ҳазажи мусаммани аҳраб деб номлаймиз. Бу вазн мумтоз адабиётимиздаги оҳанги ёқимли бўлган вазнлардан ҳисобланади.

То тушта юзин кўрдум бўлмиш манга ком уйқу,

Лекин ғамидин бўлмиш кўзумга ҳаром уйқу.

“Бадойеъ ул-васат”, 514-ғазал

То	туш	та	ю	зин	кўр	дум	бўл	миш	ма	нга	ком	уй	қу
—	—	V	V	—	—	—	—	—	V	V	—	—	—
Ле	кин	ға	ми	дин	бўл	миш	кў	зум	ға	ҳа	ром	уй	қу
—	—	V	V	—	—	—	—	—	V	V	—	—	—

Мисоллар:

3. Ҳазажии мусаммани аҳраби мусаббағ

Ушбу вазнининг вужудга келиши охириги рукнининг *мафойилонга*, яъни *мусаббағ* шаклига ўзгариши билан боғлиқ. 4-рукиннинг сўнгги кижоси ўта чўзиқ бўлгани учун биз бу вазини *ҳазажии мусаммани аҳраби мусаббағ* деб атаймиз.

Тактиъи:

Мафъулу мафойилун мафъулу мафойилун

— — V / V — — — / — — V / V — — —

Туркий адабиётда ушбу вазнда биргина ғазал ёзилган бўлиб, ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб:

Бог ичра санга сочти гул оқу қизил яфрок,

Шаҳ бошига андоқким эл оқу қизил ёрмоқ.

(“Бадойеъ ул-васат”, 317 - ғазал)

Бог	ич	ра	са	гна	соч	миш	гул	о	ку	ки	зил	яф	рок
—	—	V	V	—	—	—	—	—	V	V	—	—	~
Шаҳ	бо	ши	ға	ан	доқ	ким	эл	о	ку	ки	зил	ёр	Моқ
—	—	V	V	—	—	—	—	—	V	V	—	—	~

4. Ҳазажии мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф

Мазкур вазв туркий арузнинг энг хушоҳанг ва ўйноқи ритмга эга бўлган мусикий вазияларидан бири ҳисобланади. Бунда 1-рукин *мафъулу* (*аҳраб*), 2- ва 3-рукинлар *мафойилу* (*макфуф*), 4-рукин *фаулун* (*маҳзуф*) тарзида келиб, унинг тактиъи қуйидагичадир:

Мафъулу мафойилу мафойилу фаулун

— — V / V — — V / V — — V / V — —

Вазини ташкил этаётган рукинларнинг номларидан келиб чиқиб, уни *ҳазажии мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф* деб атаймиз.

ЭСЛАТМА!

Гарчи тактиъда икки марта *мафойилу* рукин қатнашаётган бўлса-да, вазини номлашда улардан фақат биттаси ҳисобга олинган.

Ёр бордию кўнглумда анинг номи қолитур,

Андоқки қулозим тўла овози қолитур.

(“Наводир уш-шабоб”, 187-ғазал)

Ёр	бор	ди	ю	кўнг	лим	да	а	нинг	но	зи	қо	лип	тур
—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—
Ан	доқ	ки	ку	ло	ғам	тў	ла	о	во	зи	қо	лип	тур
—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—

Мисоллар:

5. Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи мақсур

Юкоридаги вазнининг 4-рукни *фауълун* (маҳзуф)нинг охирги чўзиқ хижосини ўта чўзиқ хижога айлантириб, руkning *мафойил* (мақсур)га ўзгартирсак, *ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи мақсур* вазни ҳосил бўлади. Унинг таътиъи қуйидагичадир:

Мафъулу мафойилу мафойилу мафойил

— — V/V — — V/V — — V/V — —

Ул турки хитонинг эрур андоқ кўзи қиймоч

Ким, ноздин ўлмас демак оллиндаки, кўз оч

(“Наводир ул-шабоб”, 100-ғазал)

Ул	тур	ки	хи	то	нин	э	ру	ран	доқ	кў	зи	кий	мо
—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	~
Ким	но	з(и)	ди	нўл	мас	де	ма	кол	лин	да	ки	кўз	оч
—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	~

Мисоллар:

6. Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуфи мустазод

Мумтоз адабиётимизда мустазод деб аталган лирик жаир биз қуйида ўрганадиган вазндагина ёзилади. Унинг таътиъи аслида биз юкорида ўрганган *ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф* вазни билан деярли бир хил бўлиб, фақат сўнгги руkning сўнг яна икки руkning: *мафъулу* ҳамда *фауълун* орттирилади. Аслида мустазод сўзининг ўзи ҳам луғавий жиҳатдан “орттирилган, зиёда қилинган” деган маъноларни ифодалайди. Айнан шу сабабли ҳам мазкур вазн *ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуфи мустазод* деб номланади. Унинг таътиъи қуйидагичадир:

Мафъулу мафойилу мафойилу фауълун

— — V/V — — V/V — — V/V — —

мафъулу фауълун

— — V/V —

ЭСЛАТМА!

Юқоридаги вазвларда кузатилгани каби асосий мисрадаги 4-руки ёки қўшимча мисрадаги сўнгги *фиуалун* (маҳзүф) руки *мафойил* (мақсур)га ўзгариши ҳам мумкин. Бунда вази номга мақсур сўзи қўшиб айтилади.

Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллийети тўрт девонининг ҳар бирига биттадан мустақод киритилган бўлиб, улардан бирини келтириб ўтамиз:

*Эй хуснунга зарроқи жаҳон ичра тажалли,
мазҳар санга шиё,
Сен лутф била кавну макон ичида мавли,
олам санга маело.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”)

Эй	хус	ни	нга	зар	ро	ти	жа	ҳон	ич	ра	та	жал	ли
—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—
								маз	ҳар	са	нга	аш	ё
								—	—	V	V	—	—
Сен	лут	ф(и)	би	ла	кав	ну	ма	кон	и	чи	да	маз	ло
—	—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	V	—	—
								о	лам	са	нга	мав	ло
								—	—	V	V	—	—

Мисоллар:

*Дин офати бир муғбачи моҳлиқодур,
майҳораву бебок
Ким ғайқидин онинг сатанам дайри факодур,
сармасту яқом чок*

(“Навоиди уш-шабоб”)

*Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой,
не ғамзан жоду,
Машиқта санга золи фалақдур магар, эй ой,
хуришид анга кўзгу.*

(“Балоеъ ул-васаг”)

*Бордим бу саҳар дайри фано сори уруб гом,
маҳмури шабона,
Тортар эди ҳар лаҳза сабуҳ аҳли ичиб жом,
ноқуси музона.*

(“Фавойид ул-кибар”)

ҲАЗАЖ БАҲРИНИНГ МУСАДДАС ВАЗНЛАРИ

1. Ҳазажи мусаддаси маҳзуф.

Тактиби:

Мафойилун мафойилун фауълун

V - - - / V - - - / V - -

Мазкур вазнда жуда кўпиаб шеърлар ёзилган бўлиб, бу унинг хушхоанглиги билан боғлиқ. Ушбу вазнда шеър ўқиб ҳам осон. Мумтоз адабиётимизда ишқий мавзудаги дostonлар, хусусан Сайфи Саройининг “Сухайл ва Гулдурсун”, Ҳайдар Хоразмийнинг “Тул ва Навруз”, Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonлари ва барча номалар ҳам шу вазнда ёзилган.

Ҳазрат Навоий қаламига мансуб бир байтни таҳлил қилсак:

Фироқинг дўзахи ичра вужудум

Бўлубтур ўт, нафаслар анда дудум.

(“Фавойид ул-кибар”, 400-ғазал)

Фи	ро	қинг	дў	за	хинг	ич	ра	ву	жу	дум
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-
Бў	луп	тур	ўт	на	фас	лар	ан	да	ду	дум
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-

Мисоллар:

Фироқинг тизидин юз пора жоним,

Не жоним, балки жисми нотавоним.

(“Фарҳод ва Ширин”)

2. Ҳазажи мусаддаси мақсур.

Мазкур вазн юқорида келтирилган ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнидан охириги рукнда содир бўлган ўзгариш билан фарқланади:

Мафойилун мафойилун мафойил

V - - - / V - - - / V - ~

Ушбу вазн юқорида келтирилган ўлчов билан биргаликда бир шеърй асарнинг ўзида ўзаро алмашиниб келавериши мумкин. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonида мазкур ўлчов ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни билан биргаликда алмашиниб қўлланган.

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,

Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Жа	хон	да	қол	ма	ди	ул	ет	ма	ган	илм
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	~
Би	ляб	таҳ	қи	қи	ни	кас	бэт	ма	ган	илм
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	~

(“Фарҳод ва Ширин”)

Мисоллар:

*Кунгулнинг хонумонин берди барбод,
Ғамм ишқингки, хонумони обод.*

3. Ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи солим

Мазкур вазннинг 1-рукни *мафъулу* (– –V) бўлиб, *мафойлун* асл руkningинг ўзгаришидан ҳосил қилиниб, *ахраб* дея номланади. 2-рукн *мафойлун* (V– V–) бўлиб, уни *макбуз* деб атаймиз. Сўнгги 3-рукн (V– V–) *мафойлун* (V– –) асл руки *солим* шаклида келиб, таътиъи куйидагичадир:

Мафъулу мафойлун мафойлун

– – V / V – V – / V – – –

Руқналарнинг бир байтдаги сони (6 та) ҳамда руқна номларини ҳисобга олаб, вазни *ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи солим* деб атаймиз. Алишер Навоийнинг бу вазнда ёзилган биргина ғазали мавжуд:

*Бог ичри чу гарм бўлди бозоринг,
Юз ваҳж ила бўлди гул харидоринг.*

Бог	ич	ра	чу	гар	м(и)	бўл	ди	бо	зо	ринг
–	–	V	V	–	V	–	V	–	–	–
Юз	важ	ҳи	ла	бўл	ди	гул	ха	ри	до	ринг
–	–	V	V	–	V	–	V	–	–	–

4. Ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи маҳзуф

Мазкур вазннинг илк руқна *мафъулу* (– – V) бўлиб, у бизга маълумки, *ахраб* деб номланади. Иккинчи руқна эса *мафойлун* (V– V–) тарзида бўлиб, у *макбуз*дир. Учинчи руқна эса *фауълун* (V– –) *маҳзуф* деб аталишини биласиз. Шунга биноан вазннинг таътиъи куйидагича:

Мафъулу мафойлун фауълун

– – V / V – V – / V – –

Руқналар кетма кетлигини сақлаб қолиб, вазн номини *ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи маҳзуф* деб номлаймиз. Мазкур вазн мусикқий ра ёқимли оҳангга эга бўлиб, мумтоз адабиётимизда кенг қўлланялган. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони ҳам айнан шу вазнда ёзилган.

Достондан олинган бир байтни таҳлил қиламиз:

*Эй ақл сенинг йўлунда гофил
Қим, телба сенинг йўлунда оқил.*

Эй	ак	л(и)	се	нинг	йў	лунг	да	ғо	фил
—	—	V	V	—	V	—	V	—	—
Ким	тел	ба	се	нинг	йў	лунг	да	о	қил
—	—	V	V	—	V	—	V	—	—

5. Ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи мақсур

Мазкур вазн биз юқорида кўриб ўтган ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи маҳзуфдан 3-рукидаги охириги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланишини кузатиш мумкин:

Мафъуелу мафоишун мафойил

— — V / V — V — / V — ~

Шунинг учун бу иккала вазн асарлар таркибида алмашиниб қўлланадир. Масалан, “Лайли ва Мажнун”дан олинган қуйидаги байтларни таҳлил қилсак:

Гулга берибон зумуррадий тахт,

Ғунча киби айладинг жавонбахт.

...Чун кўкни хусуфзод қилдинг,

Ойнинг қумушин савод қилдинг.

Гул	га	бе	ри	бон	зу	мур	ра	дий	тахт
—	—	V	V	—	V	—	V	—	~
Ғун	ча	ки	би	ай	ла	динг	жа	вон	бахт
—	—	V	V	—	V	—	V	—	~
Чун	кўк	ни	ху	суф	(и)	зод	(и)	қил	динг
—	—	V	V	—	V	—	V	—	—
Ой	нинг	ку	му	шин	са	вод	(я)	қил	Динг
—	—	V	V	—	V	—	V	—	—

Мисоллар:

Гоҳики касофат этти маҳтоб,

Меҳр олтуни айладинг сияҳтоб.

Ҳазажи мусаддаси аҳрами ашғари маҳзүф

Мазкур вазнининг 1-рукни *мифъувалун* (— — —, номи аҳрам), 2-рукни *фошлун* (—V—, номи аштар), 3-рукни *фауалун* (V— —, номи маҳзүф) бўлиб, тақтиғи қуйидагичадир:

Мафъувалун мафошлун фауалун

— — — / V — V — / V — —

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги 240 мисра айнан мана шу вазнда битилган.

Кеча анга бўлмасун дебон бийм,

Бердинг наргисга машъали сийм...

...Кўрсанг ул ён дури ягона,

Сен қилгунг кўз ёшини дона...

Лайли ишқин танимда эсон қил,

Лайли шавқин рағимда қон қил...

Ке	ча	а	яга	бўл	ма	сун	де	бон	бийм
—	—	V	V	—	V	—	V	—	~
<i>Бер</i>	<i>динг</i>	<i>нар</i>	<i>(и)</i>	<i>сис</i>	<i>га</i>	<i>машъ</i>	<i>а</i>	<i>ли</i>	<i>сийм</i>
—	—	—	V	—	V	—	V	—	~
<i>Кўр</i>	<i>санг</i>	<i>ул</i>	<i>(и)</i>	<i>ён</i>	<i>ду</i>	<i>ри</i>	<i>я</i>	<i>го</i>	<i>на</i>
—	—	—	V	—	V	—	V	—	—
<i>Сен</i>	<i>қил</i>	<i>гунг</i>	<i>(и)</i>	<i>кўз</i>	<i>ё</i>	<i>ши</i>	<i>ни</i>	<i>до</i>	<i>на</i>
—	—	—	V	—	V	—	V	—	—
<i>Лай</i>	<i>ли</i>	<i>иш</i>	<i>(и)</i>	<i>қин</i>	<i>та</i>	<i>ним</i>	<i>да</i>	<i>эсон</i>	<i>қил</i>
—	—	—	V	—	V	—	V	—	—
<i>Лай</i>	<i>ли</i>	<i>шав</i>	<i>(и)</i>	<i>қин</i>	<i>ра</i>	<i>гим</i>	<i>да</i>	<i>қон</i>	<i>қил</i>
—	—	V	V	—	V	—	V	—	—

РУБОИЙ ВАЗНЛАРИ

Мумтоз адабиётимизда рубойий жанри алоҳида ўрин тутиб, унинг ўзига хос шартлари мавжуд. Шулардан бири мазкур жанрнинг ўзига хос махсус вазнда ёзилишидир. Бу ҳазаж бахрининг аҳраб ва аҳрам шажараси бўлиб, бу ҳақда Навоий “Мезону-л-авзон” асарида шундай ёзади:

“Рубойий вазниким, они “дубайтий” ва “тарона” ҳам дерлар, ҳазаж бахрининг “аҳрам” ва “аҳраб”идин истихрож қилибдурлар ва ул вазнедур асру хушоянда ва вазнедур бағоят рабоянда”. Ҳазаж бахрининг аҳраб шажараси 12 вазни, аҳрам шажараси яна 12 вазни ўз ичига олади ва ушбу жами 24 вазн рубойий вазнлари ҳисобланади. Рубойийнинг шеърӣй ўлчови билан боғлиқ муҳим хусусият шундаки, бошқа шеърӣй

жанрлардан фаркли ўлароқ рубойининг тўрт мисраси мазкур шажараларга мансуб 4 вазнда ёзилиши мумкин.

Ҳазаж баҳри вазнларини ўрганиш жараёнида рубой вазнларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим топилди.

Даставвал ҳазажнинг асли ҳисобланган *мафойилун* рукнидан ҳосил бўлган ҳамда рубой вазнларини шакллантирадиган гармоқ рукнлар билан танишиб олсак:

№	Рукн номи	Тақтиби	Чизмаси
1	Мақбуз	Мафойилун	V – V –
2	Мақфуф	Мафойилу	V – – – V
3	Ахрам	Мафъувлун	– – – –
4	Ахраб	Мафъувлу	– – V
5	Аштар	Фойилун	– V –
6	Ажабб	Фаал	V –
7	Ахтам	Фаувл	V ~
8	Абтар	Фаъ	–
9	Азали	Фоъ	~

Демак, рубой жанридаги шеърлар айнан мана шу рукнлар иштирокида ҳосил бўлган вазнларда ёзилади. Хўш, бу вазнлар қандай шакллантирилади?

Юқорида айтилдики, рубой ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараси вазиларида ёзилади. Биз буни қандай тасаввур қиламиз?


Қуйидаги шаклга эътибор қаратинг:



Бу ҳазаж баҳридан ҳосил бўлган икки шажара: ахраб ва ахрамнинг бошланишидир. Энди ҳар бир шажарани алоҳида ўрганиб чиқамиз. Даставвал ахраб шажарасига диққат қаратсак.

РУБОИЙ ВАЗНИНИНГ АХРАБ ШАЖАРАСИ

Биз бу ўринда ахрабнинг тактиъ *мафъулу* (— — V)ни келтирамиз. Биламизки, шажара сўзи арабча бўлиб, “даракт” маъносини билдиради. Айнан *мафъулу*ни дарактнинг илдизи сифатида тасаввур қиламиз. Ундан икки учта йирик шох чиқади ва уларнинг номи *мафойлун* (мақбуз), *мафойлу* (мақфуф), *мафсийлун* (солим)дир:




Кўриб турибмизки, ахраб (*мафъулу*)дан учта шох “усиб” чиқди. Ва қуйида ана шу “шох”ларнинг ҳар бири иккита, бу иккиталиклар ҳам яна иккитадан шохга эга эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Яъни мақбуз (*мафойлун*)дан солим (*мафойлун*) ва мақфуф (*мафойлу*) шохчалари пайдо бўлади:



Ўз ўрнида бу икки шохчадан ҳам яна икки шох шаклланади. Бу ҳолат ахрабдан пайдо бўлган қолган икки “шох”га тегишли бўлиб, уларнинг барчасини умумлаштирсак, қуйидаги шакл намоён бўлади:



Айнан мазкур аҳраб шажарасида рубоий вазиларининг 12 таси муҷассам бўлган.

Биз энди Алишер Навоий шеъриятида фойдаланилган мана шу аҳраб шажараси (“дарах”и) асосида рубоий вазиларини санаб чиқамиз.

ЭСЛАТМА!

Рубоий вазилари, одатда, мусамман шаклда келиб, миярадаги тўртинчи руки бевосита учинчи рукига боғлиқ. Яъни учинчи рукининг охириги ҳижоси чўзиқ бўлса, тўртинчи руки ҳам чўзиқ билан, қисқа бўлса, қисқа билан бошланади.

Шу ўринда Сиздан юқоридаги аҳраб шажарасига назар солишингизни сўрамоқчимиз. Демак, рубоий ҳазаж баҳрида, мусамман шаклда ёзилади. Бу ҳазаж баҳрининг *аҳраб* шажараси. Айнан *аҳрабдан* “ўсиб” чиққан биринчи шохча бу – “мақбуз”, яъни *мафоилун* (V – V–)дир. Биз шу мақбуз шохчасидан ҳосил бўладиган вазилар билан танишиб оламиз. Кейин ўз навбати билан бошқа шохчалардан ҳосил бўладиган вазиларни ҳам ўрганамиз.

I. Рубоийнинг аҳраб шаҳобчасидаги мақбуз шохчаси вазилари

1. Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими абтар

Аҳрабдан сўнг *мақбуз* (мафоилун, V–V–), ундан сўнг эса *солим* (мафойилун, V – – –), охириги руки сифатида *абтар* (фаъ, –) келмоқда. Бу эса чизмада куйидагича намоён бўлади.

Мафъузулу мафоилун мафойилун фаъ

– – V / V – V – / V – – – / –

Вазни ҳосил қилаётган руки номларини ҳисобга оляб, уни *ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими абтар* деб номлаймиз.

Мисол:

*Жонимга етибтурур хумор, эй соқий,
Май тутқилу берма интизор, эй соқий.
Аввал ўзунг айла ихтиёр, эй соқий,
Тутқил менга сўнгга зинҳор, эй соқий.*

Алишер Навоий.

2. Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими азалл

Мазкур вазн *ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими абтар* вазнидан охириги ҳижонинг ўта чўзиклиги билан фарқланади. Ўта чўзик ҳижонинг якка ўзи келили *фоъ(азалл)* деб аталади. Шу боис ушбу вазни *ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими азалл* деб атаймиз. Тақтиъи куйидагичадир:

Мафъуелу мафоишун мафойилун фоъ

— — V / V — V — / V — — — / ~

Мисол:

Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,

Маъни гули нутқининг баҳорида дурур.

Сўз ким десун улки ихтиёрида дурур,

Сўз яхшилиги чу ихтисорида дурур.

Алишер Навоий

3. Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ахтам

Мазкур вазннинг биринчи рукни *мафъуелу(аҳраб)*, иккинчи рукни *мафоишун (мақбуз)*, учинчи рукни *мафойилу (макфуф)* бўлиб, охириги рукни *фаал (ахтам)* тарзида келади. Рукнларнинг аталишидан келиб чиқиб, вазни *ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ахтам* деб номлаймиз.

Тақтиъи куйидагичадир:

Мафъуелу мафоишун мафойилу фаал

— — V / V — V — / V — — V / V —

Мисол:

Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,

Маъни гули нутқининг баҳорида дурур.

Сўз ким десун улки ихтиёрида дурур,

Сўз яхшилиги чу ихтисорида дурур.

4. Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ажабб

Мазкур вазн юқорида биз ўрганган ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ажабб вазнидан охириги рукннинг ўзгариши билан фарқланади. Яъни *фаал(ахтам)* ни *фауел (ажабб)* билан (қисқа ва ўта чўзик) рукни билан алмаштирамиз ва уни *ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ажабб* деб номлаймиз.

Тақтиъи куйидагичадир:

Мафъуелу мафоишун мафойилу фауел

— — V / V — V — / V — — V / V ~

Мисол:

*Ул дурри саминки, бор эди кўзума ёш,
Айларда ажас анга жафо расмини фоти.
Ғам тирноғидин қилиб қарогимни харош.
Ёшурғой эдим они кўзим уйида қош.*

II. Рубсийнинг ахраб шаҳобчасидаги макфуф шохчаси вазилари

1. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар

Мазкур вазннинг биринчи руки, одатдагидек, *мафъулу (ахраб)*, иккинчи руки эса *мафойилу (макфуф)*, учинчи руки *мафойилун (солим)*, сўнгги руки *фаъ (абтар)*дан иборатдир. Рукиларнинг номларидан келиб чиқиб, вазни *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар* деб атаёмиз.

Тактиби куйидагичадир:

Мафъулу мафойилу мафойилун фаъ

-- V / V --- V / V --- / --

Мисол:

*Жонимга қилур жавру жафо ёр асру,
Ким ёр ичида жавру жафо бор асру.
Бўлдум чекибон жавру жафо зор асру,
Мен жаврқашу ёр жафокор асру.*

2. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азали

Мазкур ўлчов биз юкорида ўрганган ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар вазнидан охириги руки *фаъ (абтар)*ни, яъни оддий чўзиқни *фаъ (азали)*га, яъни ўта чўзиққа алмашганлиги билан фарқланади. Номланишда ҳам худди шундай: *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азали*.

Тактиби куйидагичадир:

Мафъулу мафойилу мафойилун фоъ

-- -- V / V --- V / V --- / ~

Мисол:

*Ёшимга бағир қони чу эрди монанд,
Кўз асради ёшдек бўлуб андин хурсанд.
Турмоди кўзумда етқач ул сарви баланд
Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд.*

3. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ахтам

Рубойининг мазкур вазни куйидагича ҳосил қилинади: биринчи рукн, одатдагидек, *мафъулу* (*ахраб*), иккинчи ва учинчи рукнлар *мафойилу* (*макфуф*), тўртинчи рукн эса *фаал* (*ахтам*)дир. Тақтиъи куйидагичадир:

Мафъулу мафойилу мафойилу фаал

— — V / V — — V / V — — V / V —

Мисол:

Жоҳилки ҳасад бўлсай анинг жаҳлига зам,

Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам.

Кўзларни алтимоққа чекиб тиги ситам,

Эл кўзини ҳам ўйга-ю ўз кўзини ҳам.

4. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб

Мазкур вазн юқорида биз кўриб чиккан ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб вазнидан охириги рукн — *фаал*(*ахтам*)нинг *фаул* (*ажабб*)га ўзгариши билан фарқ қилади. Тақтиъи куйидагичадир:

Мафъулу мафойилу мафойилу фаул

— — V / V — — V / V — — V / V ~

Мисол:

Нодонлиг иши элда малолатга далил,

Доно улус оллида хижолатга далил.

Беасл иши бўлмади адолатга далил,

Донолиг эрур элда асоятга далил.

III. Рубойининг ахраб шаҳобчасидаги солим шохчаси вазнлари

1. Ҳазажи мусаммани ахраби солими ахрами абтар

Ушбу вазн руқшлари куйидаги тартибда ташкил топади:

1-рукн: *мафъулу* (*ахраб*).

2-рукн: *мафойилун* (*солим*).

3-рукн: *мафъулун* (*ахрам*).

4-рукн: *фаъ* (*абтар*).

Рукнлар тартибидан келиб чиқиб ҳазажи мусаммани ахраби солими ахрами абтар деб номлаймиз.

Тақтиъи куйидагичадир:

Мафъулу мафойилун мафъулун фаъ

— — V / V — — — / — — — / —

2. Ҳазажи мусаммани аҳраби солими аҳрами азалл

Ушбу вазн рукнлари куйидаги тартибда ташкил топади:

1-руkn: мафъулу (аҳраб).

2-руkn: мафойилун (солим).

3-руkn: мафъулун (аҳрам).

4-руkn: фoъ (азалл).

Кўрииб турибдики, мазкур вазн юқоридагисидан охириги рукннинг ўта чўзиқ эканлиги билан фарқланади.

Руknлар тартибидан келиб чиқиб ҳазажи мусаммани аҳраби солими аҳрами азалл деб номлаймиз.

Тактиъи куйидагичадир:

Мафъулу мафойилун мафъулун фoъ

— — V / V — — — / — — — / ~

3. Ҳазажи мусаммани аҳраби солими аҳраби аҳтам

Ушбу вазн рукнлари куйидаги тартибда ташкил топади:

1-руkn: мафъулу (аҳраб).

2-руkn: мафойилун (солим).

3-руkn: мафъулу (аҳраб).

4-руkn: фаал (аҳтам).

Руknлар тартибидан келиб чиқиб ҳазажи мусаммани аҳраби солими аҳраби аҳтам деб номлаймиз.

Тактиъи куйидагичадир:

Мафъулу мафойилун мафъулу фаал

— — V / V — — — / — — — V / V —

4. Ҳазажи мусаммани аҳраби солими аҳраби ажабб

Ушбу вазн рукнлари куйидаги тартибда ташкил топади:

1-руkn: мафъулу (аҳраб).

2-руkn: мафойилун (солим).

3-руkn: мафъулу (аҳраб).

4-руkn: фауел (ажабб).

Кўрииб турибдики, мазкур вазн юқоридагисидан охириги рукннинг ўта чўзиқ эканлиги билан фарқланади.

Руknлар тартибидан келиб чиқиб ҳазажи мусаммани аҳраби солими аҳраби ажабб деб номлаймиз.

Тактиён куйидагичадир:


Мафъуелу мафсийлун мафъуелу фауел

— — V / V — — — / — — V / V —

РУБОИЙ ВАЗНИНИНГ АХРАМ ШАЖАРАСИ

Ахрам шажараси ҳазажнинг *солим* (мафойилун) аслидан ҳосил қилинган бўлиб, луғавий жиҳатдан “бурни кесик” маъносини билдиради. Ахрам руқни учун *мафъуелун* (----) афоили олинган.

Рубоийнинг мазкур ахрам шажараси ахраб шажарасидан биринчи ва иккинчи руқларнинг ўзгариши билан фарқланади. Яъни бу шажарада биринчи руқ *ахрам* (мафъуелун) деб аталиб, ундан кейинги руқлар эса *аштар* (фоилун), *мафъуелу* (ахраб), *мафъуелун* (ахрам) афоилларидан бири бўлиши мумкин. Қолган учинчи ва тўртинчи руқлар эса ахраб шажарасидан фарқланмайди. Куйида биз ахраб шажарасининг чизмаси билан танишамиз.



Энди Алишер Навоий шеърятда қўлланган рубоий вазнининг аҳрам шажарасига кирувчи вазнларни ўргатиб чиқамиз.

1. Рубоийнинг аҳрам шаҳобчасидаги аштар шохчаси вазнлари

1. Ҳазажи мусаммани аҳрами аштари солими абтар

Аҳрам шажарасининг ушбу вазни қуйидагича ҳосил бўлади: дастлабки руkn *мафъулун* (аҳрам), иккинчи руkn *фошун* (аштар), учинчи руkn *мафойлун* (солим) ва сўнгги руkn *фоъ* (абтар) келиб, қуйидагича номлаймиз: *ҳазажи мусаммани аҳрами аштари солими абтар*.

Тактиби қуйидагичадир:

Мафъулун фошун мафойлун фоъ

- - - / - V - / V - - - / -

Мисол тарзида келтирилган қуйидаги рубоийнинг тўртинчи мисраси айнан ҳазажи мусаммани аштари солими абтар вазнида ёзилган:

Ҳажрингда менинг сабрима жуз нуқсон йўқ,

Кўнгулм аро зайри нолау афзон йўқ.

Жонимга ҳаёт умиди худ имкон йўқ.

Йўқ, йўқ, йўқ, сабр йўқ, кўнгул йўқ, жон йўқ.

2. Ҳазажи мусаммани аҳрами аштари солими азали

Аҳрам шажарасининг ушбу вазни қуйидагича ҳосил бўлади: дастлабки руkn *мафъулун* (аҳрам), иккинчи руkn *фошун* (аштар), учинчи руkn *мафойлун* (солим) ва сўнгги руkn *фоъ* (азали) келиб, қуйидагича номлаймиз: *ҳазажи мусаммани аҳрами аштари солими азали*.

Тактиби қуйидагичадир:

Мафъулун фошун мафойлун фоъ

- - - / - V - / V - - - / ~

Навсий қаламига мансуб қуйидаги рубоийнинг иккинчи мисраси айнан ҳазажи мусаммани аҳрами аштари солими азали вазнида ёзилган:

Ёш улгайса тоқи муқарнасдур дард,

Балки мамлу сипехри атласдур дард.

Қари кишига балки кам эрмасдур дард,

Юз сихҳати бўлса, қарилик басдур дард.

3. Ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ахтам

Ахрам шажарасининг ушбу вазни куйидагича ҳосил бўлади:

Биринчи руқ: *мафувълун* (ахрам).

Иккинчи руқ: *фоилун* (аштар).

Учинчи руқ: *мафойилу* (макфуф).

Тўртинчи руқ: *фаал* (ахтам).

Руқларнинг аталишидан келиб чиқиб, вазни *ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ахтам* деб номлаймиз.

Тақтиъи куйидагичадир:

Мафувълун фоилун мафойилу фаал

— — — / — V — / V — — V / V —

Мисол сифатида келтирилган Алишер Навоийнинг куйидаги рубойининг биринчи мисраси айнан ушбу вазнда битилган:

Хуштур бўлсоқ икковла ҳамдам сену мен,

Бир-бирига десак етушса ҳар гам сену мен.

Бўлсоқ бор эсак ҳарамга маҳрам сену мен.

Муз دائири аро бўлса ватан ҳам сену мен.

4. Ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ажабб

Ахрам шажарасининг ушбу вазни куйидагича ҳосил бўлади:

Биринчи руқ: *мафувълун* (ахрам).

Иккинчи руқ: *фоилун* (аштар).

Учинчи руқ: *мафойилу* (макфуф).

Тўртинчи руқ: *фауъл* (ажабб).

Руқларнинг аталишидан келиб чиқиб, вазни *ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ажабб* деб номлаймиз.

Тақтиъи куйидагичадир:

Мафувълун фоилун мафойилу фауъл

— — — / — V — / V — — V / V ~

II. Рубойининг ахрам шаҳобчасидаги ахраб шөҳчаси вазнлари

1. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими абтар

Ахрам шажарасига тегишли бўлган ушбу вазн куйидагича ҳосил қилинади:

Биринчи рукн: *мафъувлун* (ахрам).

Иккинчи рукн: *мафъувлу* (ахраб).

Учинчи рукн: *мафойилун* (солим).

Тўртинчи рукн: *фаъ* (абтар).

Рукнларнинг номларидан келиб чиқиб, вазни *ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими абтар* деб атаймиз.

Тактиби куйидагичадир:

Мафъувлун мафъувлу мафойилун фаъ

— — — / — — V / V — — — / —

Мисол сифагида келтирилган Алишер Навоий қаламига куйидаги рубойининг иккинчи ва тўртинчи мисралари айнан ушбу вазнда ёзилган:

*Олам тарки кишига ҳиммати́дин эрур,
Ким қўл шиддат ул сори рағбатидин эрур.
Нафсингга қаю аламки шиддатидин эрур,
Махфий тупмоқ охи мурувватидин эрур.*

2. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими азали

Ахрам шажарасига тегишли бўлган ушбу вазн куйидагича ҳосил қилинади:

Биринчи рукн: *мафъувлун* (ахрам).

Иккинчи рукн: *мафъувлу* (ахраб).

Учинчи рукн: *мафойилун* (солим).

Тўртинчи рукн: *фоъ* (азали).

Рукнларнинг номларидан келиб чиқиб, вазни *ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими азали* деб атаймиз.

Мазкур вазн биз юкорида кўриб ўтган ҳазажии мусаммани ахрами ахраби солими абтар вазнидан сўнгги рукнининг ўта чўзиқ, яъни *фoъ* (*изалл*) эканлиги билан фарқланади.

Рукнларнинг номларидан келиб чиқиб, вазни ҳазажии мусаммани ахрами ахраби солими *азалл* деб атаймиз.

Тактиъи қуйидагичадир:

Мафъувлун мафъувлу мафойилун фoъ
- - - / - - V / V - - - / ~

Мясол сифатида келтирилган ҳазрат Навоий қаламига мансуб қуйидаги рубойининг иккинчи мисраси айван мазкур вазьда ёзилган:

*Эй жони ҳабибу кўнгли аҳбобқа лол,
Мен ҳам қилдим жону кўнгулни ирсол.
Кўнглимга бер аҳбоб бида жоми висол,
Жонимни ҳабиб аёги туфроғига сол.*

3. Ҳазажии мусаммани ахрами ахраби макфуфи ахтам

Ахрам тармоғига тегишчи бўлган мазкур вазн қуйидаги тартибда ҳосил қилинади:

Биринчи рукн: *мафъувлун* (*ахрам*).

Иккинчи рукн: *мафъувлу* (*ахраб*).

Учинчи рукн: *мафойилу* (*макфуф*).

Тўртинчи рукн: *фаал* (*ахтам*).

Рукнларнинг номларидан келиб чиқиб, вазни ҳазажии мусаммани ахрами ахраби макфуфи ахтам деб атаймиз.

Тактиъи қуйидагичадир:

Мафъувлун мафъувлу мафойилу фаал
- - - / - - V / V - - V / V -

Мисол сифатида танланган Алишер Навоий қаламига мансуб қуйидаги рубойининг учинчи мисраси айван ушбу вазнида битилган:

*Ҳар кимки тамасъдурур гирифторлиги,
Не суд ажа аҳли саҳо ёрлиги.*

*Иъзат бермас нақду дирам борлиги,
Ким бўлди тамасъдин кишининг хорлиги.*

4. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб

Мазкур вазн биз юқорида ўрганган ҳазажи мусаммани ахрами махраби макфуфи ажабб вазнидан сўнгги руkning қисқа ва ўта чўзиқ, яъни *ажабб* (фаувл) эканлиги билан фарқланади.

Тактиъи куйидагичадир:

Мафъувлун мафъувлу мафойилу фаувл
— — — / — — V / V — — V / V ~

Мисол тариқасида келтирилган ҳазрат Навоий қаламига мансуб куйидаги рубойининг учинчи мисраси айнан мазкур вазнда битилган:

*Ул дамки қуёш айлади мағрибқа ружуъ,
Гар суҳбат ўшул қуёш била тонса вужуъ,
Хуштур қилмоқ жом қуёшига шуруъ,
Ул дамзачаким, қилур қуёш жоми тулуъ.*

III. Рубойининг ахрам шахобчасидаги ахрам шохчаси вазилари

1. Ҳазажи мусаммани ахрами абтар

Ахрам шажарасига тегишли бўлган ушбу вазн куйидагича ҳосил қилинади:

Биринчи рукн: *мафъувлун* (ахрам).

Иккинчи рукн: *мафъувлун* (ахрам).

Учинчи рукн: *мафъувлун* (ахрам).

Тўртинчи рукн: *фаъ* (абтар).

Руқнларнинг номларидан келиб чиқиб, вазнни *ҳазажи мусаммини ахрами абтар* деб атаймиз.

Тактиъи куйидагичадир:

Мафъувлун мафъувлун мафъувлун фаъ
— — — / — — — / — — — / —

2. Ҳазажи мусаммани ахрами азалл

Ахрам шажарасига тегишли бўлган ушбу вазн куйидагича ҳосил қилинади:

Биринчи руқн: мафъуелун (ахрам).

Иккинчи руқн: мафъуелун (ахрам).

Учинчи руқн: мафъуелун (ахрам).

Тўртинчи руқн: фoъ (азалл).

Руқнларнинг номларидан келиб чиқиб, вазнни *ҳазажи мусаммани ахрами азалл* деб атаймиз.

Мазкур вазн биз юқорида кўриб ўтган вазндан сўнгги руқннинг ўта чузук, яъни фoъ (азалл) эканлиги билан фарқланади.

Тактиъи куйидагичадир:

Мафъуелун мафъуелун мафъуелун фoъ

— — — / — — — / — — — / ~

3. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби ахтам

Ахрам шажарасига тегишли бўлган ушбу вазн куйидагича ҳосил қилинади:

Биринчи руқн: мафъуелун (ахрам).

Иккинчи руқн: мафъуелун (ахрам).

Учинчи руқн: мафъуелу (ахраб).

Тўртинчи руқн: фаал (ахтам).

Руқнларнинг номларидан келиб чиқиб, вазнни *ҳазажи мусаммани ахрами ахраби ахтам* деб атаймиз.

Тактиъи куйидагичадир:

Мафъуелун мафъуелун мафъуелу фаал

— — — / — — — / — — V / V —

4. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби ажэбб

Ахрам шажарасига тегишли бўлган ушбу вазн куйидагича ҳосил қилинади:

Биринчи руқн: мафъуелун (ахрам).

Иккинчи руқн: мафъуелун (ахрам).

Учинчи руқн: мафъуелу (ахраб).

Тўртинчи руқн: *фауъл* (ажабб).

Руқнларнинг номларидан келиб чиқиб, вазни ҳазажи мусаммани ахрами ахраби ажабб деб атаймиз.

Тактиби қуйидагичадир:


Мафъуълун мафъуълун мафъуълун фауъл

— — — / — — — / — — — V / V ~

РАЖАЗ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Ражаз арабча сўз бўлиб, “тезлик”, “шитоб”, “изтироб” маъноларини билиди. Мазкур баҳр *мустафъилун* асли ва унинг такроридан ҳосил бўлади. Мустафъилун аслий руқнидан ҳосил бўладиган тармоқларни кўриб чиқамиз:


1. *Мустафъилун* тармоқ руқни *мустафъилун* асл руқнининг охириги бўғинини ўта чўзиқ ҳижога айлантириш орқали пайдо бўлади ва фақат мисранинг охирида келади.





2. *Муфтаилун* тармоқ руқни *мустафъилун* асл руқнининг иккинчи ҳижосини қискартириш ҳисобига шаклланади. Ҳосил бўлган *муштаилун* руқни ўзига тенг *муфтаилунга* алмаштирилади.



3. *Мафоилун* тармоқ руқни *мустафъилун* асл руқнининг биринчи, яъни чўзиқ ҳижони қискартириш орқали ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган *мутафъилун* руқни ўзига тенг *мафоилунга* алмаштирилади.



4. Мафойлон тармоқ рукии мустафъилун асл рукининг биринчи, яъни чўзик ҳижоини қисқартириш орқали ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган *мустафъилун* рукининг эса охириги рукии ўта чўзикқа айлантирилиб, ўзига тенг *мафойлон*га алмаштирилади.



Мустафъилун аслининг қуйидаги тармоклари мавжуд:

№	Руки номи	Тақдир	Чизмаси
1	Музол	Мустафъилон	-- V ~
2	Матвий	Муфъаилун	-V V --
3	Махбун	Мафойлун	V - V -
4	Махбун музол	Мафойлон	V - V ~

Биз раказ баҳрининг барча вазнларига тўхталиб ўтирмаймиз. Балки Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган вазнларнигина ўрганамиз.

1. Ражази мусаммани солим

Мазкур вазн *мустафъилун* (солим) аслий руkningнинг ҳар бир мисрада тўрт марта, бир байтда саккиз марта такрорланишидан ҳосил бўлади.

Тақтиъи куйидагичадир:

Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун

-- V - / -- V - / -- V - / -- V -

Ер узра тим-тим қон ёшим зўёки томмас дам-бадам,

Ким, нақди васлинг байъига кўзлар санар бир-бир дирам.

Ер	уз	ра	тим	тим	қон	ё	шпим	гў	ё	ки	том	мас	дам	ба	дам
-	-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	-
Ким	нақ	ди	вас	линг	байъ	и	ға	кўз	лар	са	пар	бир	бир	ди	рам
-	-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	-

2. Ражази мусаммани музол

Мазкур вазн ражази мусаммани солим вазнидан охириги рукидаги сўнгги ҳижонинг ўта чўзиқ, яъни *мустафъилон* (*музол*) эканлиги билан фарқланади. Шунга кўра вазни *ҳазажии мусаммани музол* деб атаймиз.

Тақтиъи куйидагичадир:

Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилон

-- V - / -- V - / -- V - / -- V ~

3. Ражази мусаммани матвийи махбун

Мазкур вазн биринчи ва учинчи руқларнинг *муфтаилун* (*матвий*), иккинчи ва тўртинчи руқларнинг *мафоилун* (*махбун*) тарзида такрорланиб келишидан ҳосил бўлади. Руқларнинг номларидан келиб чиқиб, вазни *ражази мусаммани матвийи махбун* деб номлаймиз.

Эслатма!

Мустафъилун аслий руқнидан ҳосил қилинадиган мафоилун тармоқ руқининг мафойилунининг тармоқ руқини бўлган мафоилун билан адаштирмаг!

Тақтиъи куйидагичадир:

Муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун

-- V V - / V - V - / - V V - / V - V -

Сувда юзунгму акси ё чашма аро париймудур,

Чашмаи меҳр ичинда ё ламъаи муштариймудур?

Сув	да	ю	зунг	му	акс	си	ё	чаш	ма	а	ро	па	рий	му	дур
—	V	V	—	V	—	V	—	—	V	V	—	V	—	V	—
Чаш	ма	и	мех	ри	чин	да	ё	ламъ	а	и	маш	та	рий	му	дур
—	V	V	—	V	—	V	—	—	V	V	—	V	—	V	—

МУТАҚОРИБ БАҲРИ


“Мутақориб” сўзи арабча бўлиб, “бир-биринга яқинлашувчи” деган маънони билдиради. Туркий шеърятда аруз тизимининг илк бор қўлланилиши айнан шу баҳр номи билан боғлиқ бўлиб, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билим” достони мазкур баҳрда яратилган. Шеърятимизда мутақориб баҳрининг фақат мусамман шакли қўлланилган. Мазкур вазн *фауълун* рукнининг такрори асосида юзага келади.

ЭСЛАТМА!

Мутақориб баҳрининг аслий руки ҳисобланмиш *фауълун*ни ҳазак баҳрининг тармоқ руки *фауълун* билан адаштирманг!

Фауълун аслидан ҳосил бўладиган тармоқ руқларни кўриб чиқамиз:


1. Фауълун тармоқ руки *фауълун* асл руқининг охириги бўғинини ўта чўзиқ ҳижога айлантириш орқали пайдо бўлади ва фақат масраининг охирида келади.




2. Фауълун тармоқ руки *фауълун* асл руқининг охириги ҳижосини қисқартириш ҳисобида шаклланади.




3. Фаул тармоқ руки *фауълун* асл руқининг сўнгги ташлаб юбориш орқали ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган *фаул* руки ўзига тенг *фаалга* алмаштиради.




4. Фаувл тармоқ руки **фаувлун** асл рукининг охири ҳиссасини ташлаб юбориш ва иккинчи ҳиссани ўга чўзиққа айлантириш натижасида пайдо бўлади.



5. Фаълун тармоқ руки **фаувлун** асл рукининг биринчи, яъни қисқа ҳиссасини ташлаб юбориш ва охири чўзиқ ҳиссани қисқа ҳиссого айлантириш натижасида пайдо бўлади. Ҳосил қилинган руки ўзига тенг **фаълун**га алмаштирилади.



6. Фаълун тармоқ руки **фаувлун** асл рукининг биринчи, яъни қисқа ҳиссасини ташлаб юбориш орқали вужудга келади. Ҳосил қилинган **увлун** руки ўзига тенг **фаълун**га алмаштирилади.



Мутакориб баҳри вазнлари **фаувлун** асли ва унинг куйидаги тармоқ руклари такроридан ҳосил бўлади:


№	Рука номи	Тақтиъи	Чизмаси	Келиш ури
1	Мусаббағ	Фаувлон	V -- ~	
2	Макбуз	Фаувлу	V -- V	
3	Махзуф	Фаал	V --	
4	Максур	Фаувл	V ~	
5	Асрам	Фаълу	-V	
6	Аслам	Фаълун	--	

Энди ҳазрат Навоӣ шеъриятида учрайдиган мутақориб баҳри вазнлари билан танишамиз.

1. Мутақорибии мусаммани солим

Мазкурвазн *фауълун* (солим) аслининг байтда саккиз марта такрор келишидан ҳосил бўлади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, вазини *мутақорибии мусаммани солим* деб номлаймиз.

Тақтиъи қуйидагичадир:



Фауълун фауълун фауълун фауълун

V -- -- / V -- -- / V -- -- / V -- --

*Лабингким ўлук тиргузур эсонму эркин,
Агар эсон эмас, оби ҳайвонму эркин?*

Ла	бинг	ким	ў	лук	тир	гу	зур	жон	му	эр	кин
V	—	—	V	—	—	V	—	—	V	—	—
A	гар	жон	э	мас	о	би	хай	вон	му	эр	кин
V	—	—	V	—	—	V	—	—	V	—	—

2. Мутақориб мусаммани маҳзуф

Мазкур вазн мутақориб мусаммани солимдан охириг руkning *фаал (маҳзуф)* эканлиги билан фаркланади. Шу нуқтаи назардан келиб чикиб, вазни *мутақориб мусаммани маҳзуф* деб номлаймиз.

Туркий адабиётда Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” дostonининг асосий қисми, Аҳмад Ютнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ” дostonи, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonлари шу вазнда ёзилган.

Тактиғи қуйидагичадир:

Фаулун фаулун фаулун фаал

V — — / V — — / V — — / V —

Лабинг сори токим назардур манго,

Ёш ўрнида хуни жигардур манго.

Ла	бинг	со	ри	то	ким	на	зар	дур	ма	нго
V	—	—	V	—	—	V	—	—	V	—
Ё	пур	ни	да	ху	ни	жи	гар	дур	ма	нго
V	—	—	V	—	—	V	—	—	V	—

3. Мутақориб мусаммани мақсур

Мазкур вазн мутақориб мусаммани маҳзуф вазнидан тўртинчи руkning охириг ҳижоси ўта чўзиқ, яъни *фаул (мақсур)* эканлиги билан фаркланади. Шу нуқтаи назардан келиб чикиб, вазни *мутақориб мусаммани мақсур* деб номлаймиз.

Тактиғи қуйидагичадир:

Фаулун фаулун фаулун фаул

V — — / V — — / V — — / V ~

Баҳор элга айшу манга изтироб,

Кулуб ҳолима барқу йиглаб саҳоб.

Ба	ҳор	эл	га	ай	шв	ма	ига	из	ти	роб
V	—	—	V	—	—	V	—	—	V	~
Ку	луб	ҳо	ли	ма	бар	ку	йиг	лаб	са	ҳоб
V	—	—	V	—	—	V	—	—	V	~

4. Мутақориб мусаммани аслам

Мазкур вазн биринчи ва учинчи руқнларнинг *фаълун* (аслам), иккинчи ва тўртинчи руқнларнинг *фауълун* (солим) тарзида келишидан ҳосил бўлади. Шу нуктаи назардан вазни *мутақориб мусаммани аслам* деб номлаймиз.

Тақтиъи куйидагичадир:

Фаълун фауълун фаълун фауълун

— / V — — / — — / V — —

*Қон айладинг кўнглумни нҳони,
Кўргил ики қўзумда нҳони.*

Қон	ай	ла	динг	кўнг	лум	ни	ни	ҳо	ни
—	—	V	—	—	—	—	V	—	—
Кўр	гил	и	ки	кў	зум	да	ни	шо	ни
—	—	V	—	—	—	—	V	—	—

5. Мутақориб мусаммани асрами маҳзүф

Мазкур вазннинг биринчи ва учинчи руқнлари *фаълун* (асрам), иккинчи руқни *фауълун* (солим), тўртинчи руқни *фаал* (маҳзүф) кўринишида бўлиб, *мутақориб мусаммани асрам маҳзүф* деб номланади.

Тақтиъи куйидагичадир:

Фаълун фауълун фаълун фаал

— V / V — — / — V / V —

*Базм аро гар йўқ май била даф,
Ҳам ёмон эрмас ун била каф.*

Баз	ма	ро	гар	йўқ	май	би	ла	даф
—	V	V	—	—	—	V	V	—
Ҳам	ё	мон	эр	мас	ун	би	ла	каф
—	V	V	—	—	—	V	V	—

6. Ён олти руқнли мутақориб маҳзүзи аслам

Мазкур вазнда ёзилган шеърнинг ҳар мисрасида саккизта руқн иштирок этиб, бир байт жами ён олти руқндан иборат бўлади. Ушбу вазнда ёзилган шеърлар у қадар кўп эмас.

Биринчи руки *фаулу* (мақбуз), иккинчи руки *фаълун* (аслам) тарзида келиб, айни шу кўриниш бир мисрада тўрт марта қайтарилади ва мутақориб баҳрининг ўн олти рукли мутақориби мақбузи аслам вазни ҳосил бўлади.

Тақтиъи қуйидагичадир:

Фаулу фаълун фаулу фаълун фаулу фаълун фаулу фаълун

V – V / – – / V – V / – – / V – V / – – / V – V / – –

Ситехр боғин нуҷум варди чу қилди ул навъиким хаварнақ,

Юзидин ул шамъ анҷуман ичра солди юз минг сафоу равнақ.

Си	пех	р(и)	бо	ғин	ну	жум	вар	ди	чу	кил	ди	ул	навъ	и	ким
V	–	V	–	–	V	–	–	V	V	–	V	–	–	V	–
													ха	вар	нақ
													V	–	–
Ю	зи	дин	ул	шамъ	ан	жу	ман	ич	ра	сол	ди	юз	минг	са	фо
V	–	V	–	–	V	–	–	V	V	–	V	–	–	V	–
													у	рав	нақ
													V	–	–

МУТАДОРИК БАҲРИ


Мутадорик сўзи арабча бўлиб, луғавий жиҳатдан “бир-бирига уланувчи” деган маънони англаглади. Мутадорик баҳри вазнлари *фоилун* асли ва ундан ҳосил бўладиган тармоқ руқнларнинг такроридан ҳосил бўлади.

ЭСЛАТМА!


Мутадорик баҳрининг аслий руқни ҳисобланмиш *фоилунни* рамал баҳрининг тармоқ руқни *фоилун* билан адаштирманг!

Фоилун аслидан ҳосил бўладиган тармоқ руқнларни кўриб чиқамиз:

1. **Фоилон** тармоқ руқни *фоилун* асл руқнининг охириги бўғинини ўта чўзиқ ҳижога айлантириш орқали пайдо бўлади ва фақат мисранинг охирида келади.




2. **Фаилун** тармоқ руқни **фоилун** асл руқнининг биринчи чўзиқ ҳижосини қисқартириш ҳисобига шаклланади.




3. **Фаълун** тармоқ руқни **фоилун** асл руқнининг сўнгги чўзиқ ҳижоси ташлаб юборилади ва ҳосил бўлган **фоил** руқни ўзига тенг **фаълунга** алмаштирилади.



4. **Фаълон** тармоқ руқни **фоилун** асл руқнининг сўнгги чўзиқ ҳижоси ташлаб юборилади ва ҳосил бўлган **фоил** руқни ўзига тенг **фаълунга** алмаштирилади.





Мазкур *фоиЛУН* аслидан қуйидаги тармоқ руқнлар ҳосил бўлади:

№	Руқн номи	Тақтиғи	Чизмаси	Келиш ўрни
1	Максур	ФоиЛУН	—V~	
2	Махбун	Фаилун	V V—	
3	Мақтуъ	Фаълун	— —	
4	Мақтуъи мусаббағ	Фаълон	— ~	

Ушбу баҳр шеърятимизга Алишер Навоий томонидан олиб кирилган. Энди мутадорик баҳридаги вазнлар билан танишамиз.

1. Мутадорик мусамман солим

Мазкур вазн бошқа баҳрларнинг солим вазнлари каби *фоиЛУН* руқнининг бир мисрада тўрт марта такрорланиб келишидан бошланади.

Тақтиғи қуйидагичадир:

ФоиЛУН фоиЛУН фоиЛУН фоиЛУН

— V — / — V — / — V — / — V —

Жонга лаълинг майи жомидур мултамас,

Не Хизр суйи не Жоми Жамдур ҳавас.

Жон	ға	лаъ	линг	ма	йи	жо	ми	дур	мул	та	мас
—	V	—	—	V	—	—	V	—	—	V	—
Не	Хиз	р(и)	су	йи	не	Жо	ми	Жам	дур	ха	вас
—	V	—	—	V	—	—	V	—	—	V	—

2. Мутадорик мусамман мактуъ

Бу вазнда Алишер Навоий биргина газал ёзган. Навоийдан сўнг Огаҳий, Муқимий, Увайсий каби шоирлар ушбу вазнда газал яратдилар. Мазкур вазнда барча хижола¹р фақат чўзик ҳисобланади. Яъни *фоилун* аслидан ҳосил бўлган *фаълун* (мақтўъ)нинг бир мисрада тўрт марта такрорланиши ушбу вазнини шакллантиради.

Тақтиъи куйидагичадир:

Фаълун фаълун фаълун фаълун

— — / — — / — — / — —

Бореш, эй ҳамдам, ҳар ёни,

Кўнгул ишмиши, топсил они.

Бор	ғил	эй	ҳам	дам	ҳар	ё	ни
—	—	—	—	—	—	—	—
Кўнг	ул	ит	миш	топ	ғил	о	ни
—	—	—	—	—	—	—	—

КОМИЛ БАҲРИ

Комил сўзи арабча бўлиб, луғавий жиҳатдан “етук”, “камчилиги йўқ” маъноларини англатади. Мазкур вазн *мутафоилун* аслий рукни такроридан ҳосил бўлади. Навоий шеъриятида фақат *комили мусаммани солил* вазни истифода этилган бўлиб, ушбу вазн *мутафоилун* (*солим*)нинг бир мисрада тўрт марта такрорланиб келиши билан пайдо бўлади.

Тақтиъи куйидагичадир:

Мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун

V V — V — / V V — V — / V V — V — / V V — V —

*Не ҳаёл эди янаким кўнгул қуши сайидини ҳавас айладиңг,
Баданимга ҳар сиридин ҳаданг отибсон анга қарас айладиңг.*

Не	ха	ёл	э	ди	я	на	ким	кў	нгул	қу	ши	сай	ди	ни	ха	ла
V	V	—	V	—	V	V	—	V	—	V	V	—	V	—	V	V
														сай	ла	динг
														—	V	—
Ба	да	ним	га	ҳар	са	ри	дин	ха	данг	о	ти	бон	а	нга	ка	фа
V	V	—	V	—	V	V	—	V	—	V	V	—	V	—	V	V
														сай	ла	динг
														—	V	—

ТУРЛИ АСЛИЙ РУКНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРМОҚЛАРИДАН ТАРКИБ ТОПГАН БАХРЛАР

Биз юқорида бир хил аслий руқнлар ҳосил бўлувчи бахрлар ва уларнинг вазнлари билан танишдик.

Яна шундай бахрлар борки, улар биз ўрганиб чиққан бахрлардан бир оз фарқ қилади, яъни уларнинг таркибида иккита аслий руқн иштирок этади. Масалан, *мустафъилун* ва *мафъуълоту* деган икки аслий руқн биргаликда бир мисрада келади ва янги бахр ҳосил бўлади. Демак, бир бахр таркибида икки аслий руқн келяпти. Биз танишган рамал, ҳазаж ёки ражаз бахрлари фақатгина бир аслий руқн ҳамда шу руқн асосида ҳосил бўлган тармоқ руқнларидан шаклланар эди. Эндиликда кўриб чиқишни режа қилаётганимиз — навбатдаги бахрлар эса турли хил аслий руқнлардан ташкил топади. Туркий адабиёт, хусусан Навоий шеъриятида истифода этилган, яъни фойдаланилган бундай бахрлар эса қуйидагилардир: **сарий**, **хафиф**, **муҷтасс**, **музореъ**, **мунсарих**.

САРИЪ БАХРИ

Сарий сўзи арабча бўлиб, луғавий жиҳатдан “шитоб билан юрувчи”, “тез” деган маъноларни англатади. Туркий шеърятда мазкур бахрнинг фақат *мусаддас* руқнли вазнларидан фойдаланилган. Сарий бахрининг солим шакли қуйидагича ҳосил қилинади:

- 1) Биринчи ва иккинчи руқнларга *мустафъилун* асли жойлаштирилади;
- 2) Учинчи руқнда эса *мафъуълоту* асли келтирилади.

Шу тарика қуйидаги тактиъ юзага келади:

Мустафъилун мустафъилун мафъуълоту

— — V — / — — V — / — — — V

ЭСЛАТМА!

Мафъуълоту аслий руқни алоҳида олинганда бахр ҳосил қила олмайди, унинг мустафъилун аслий руқни билан биргаликдаги бирикувида **сарий** ва **мунсарих** бахрлари вужудга келади. Туркий шеърятда ушбу бахрларнинг солим шакли қўлланилмаган.

Куйидаги жадвалда сариъ баҳрини ҳосил қилувчи тармоқ рукиларни келтирамыз:

№	Тармоқ руки номи	Вазндаги аталисини	Чизмаси	Қайси аслий рукидан ҳосил қилинганлиги
1	Муфтаилун	Матвий	– VV –	Мустафъилун
2	Фоиълун	Матвийи макшуф	– V –	Мафъувлоту
3	Фоиълун	Матвийи мавкуф	– V ~	Мафъувлоту

Шеърятимизда сариъ баҳрининг икки вазндан фойдаланилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Сариъи мусаддаси матвийи макшуф

Бу вазнда Алишер Навоийнинг икки ғазали, бир фарди ҳамда “Ҳайрат ул-аброр” достони ёзилган. Вазн қуйидагича ҳосил қилинади:

- 1) Даставвал биринчи ва иккинчи руки ўрнида *мустафъилун* аслининг тармоқ руки ҳисобланган *муфтаилун* келтирилади. Биламизки, бу тармоқ руки *матвий* деб номланади. Биз бу ҳақда ражаз баҳри билан танилганимизда ҳам маълумот ҳосил қилган эдик. Демак, биринчи ва иккинчи рукилар: *муфтаилун муфтаилун* кўринишида бўлади;
- 2) Учинчи руки эса *мафъувлоту* аслининг тармоқ руки ҳисобланган *фоилун* келиши билан шаклланади. Бу ўринда *фоилун* рукини *матвийи макшуф* деб аталади.

Мазкур ҳолатни умумлаштирсак, қуйидаги тақтиъ пайдо бўлади:

Муфтаилун муфтаилун фоилун
– V V – / – V V – / – V –

ЭСЛАТМА!

Мафъувлоту аслий рукини вазн таркибида солим шаклида қўлланилмайди, шеърятимизда унинг икки тармони: матвийи макшуф (фоилун) ва матвийи мавкуф (фоилон)дангина фойдаланилган. Ушбу тармоқ рукиларни *фоилотун* аслий рукининг *фоилун* ва *фоилон* тармоқлари билан адаштирманг.

“Алишер Навоий қаламига мансуб ғазал матлаъсини таҳлил қилиб кўрамыз:

*Ёр лаби акси тушуб жом аро,
Бодаза эгон таъми берур ком аро.*

Ёр	(и)	ла	би	ак	си	ту	шуб	жом	а	ро
—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	—
Бо	да	ға	жон	таъ	ми	бе	рур	ком	а	ро
—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	—

Мисоллар:

*Оҳки ишиқ айлади шайдо мени,
Солди жунун кўйига савдо мени.*

(“Бадоеъ ул-васат”, 639-газал)

*Гарчи гунаҳнинг ҳаду поёни йўқ,
Айламасанг афв ҳам имкони йўқ...*

*...Бўлса наво бирла бўлса бари муҳтарам,
Айлама маҳрум Навоийни ҳам.*

(“Хайрат ул-аброр”)

2. Сарийи мусаддаси матвийи маккуф

Мазкур вазн юкоридаги ўлчовдан охириги ҳижонинг ўта чузиқ бўгин эканлиги билан фарқланади. Ушбу ўлчов “Хайрат ул-аброр” достониди сарийи мусаддаси матвийи маккуф вазни билан биргаликда қўлланилган.

Тақийи куйидагича:

Муфташун муфташун фошлон

— V V — / — V V — / — V ~

*Ўз ишинга ҳар неча кўп бўлса майл,
Тенгри ишига ани қилгил туфайл.*

Ўз	и	ши	нга	ҳар	не	ча	кўп	бўл	са	майл
—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	~
Тенг	ри	я	ши	ға	а	ни	кил	ғил	гу	файл
—	V	V	—	—	V	V	—	—	V	~

ХАФИФ БАҲРИ

Хафиф сўзи арабча бўлиб, луғавий жиҳатдан “енгил” деган маънони билдиради. Мумтоз шеърятимизда хафиф баҳрининг фақат мусаддас шаклидан фойдаланилганлиги, куйидагича ҳосил килинади:

- 1) Биринчи ва учинчи рукнларда *фошлотун* асли келтирилади;
- 2) Иккинчи руқ эса *мустифилун* асладан тақкил тонади.

Шундан сўнг куйидаги манзара ҳосил бўлади:

Фоилотун мустафйилун фоилотун

- V - - / - - V - / - V - -

ЭСЛАТМА!

Хафиф баҳри ҳам турасий шеърингда сарий баҳри сингари солтии шаклларда учрамайдн.

Қуйидаги жадвалда хафиф баҳрини ҳосил қилувчи тармок руқналарни келтираммз:

№	Тармок руқи номи	Вазндаги аталиши	Чизмаси	Қайси аслий руқидан ҳосил қилинганлиги
1	Мафоилотун	Махбун	V - V -	Мустафйилун
2	Фаилотун	Махбун	V V - -	Фоилотун
3	Фаилун	Махбуни махзуф	V V -	Фоилотун
4	Фаилон	Махбуни максур	V V ~	Фоилотун
5	Фаълун	Мактуъ	- -	Фоилотун
6	Фаълон	Мактуъи мусаббаг	- ~	Фоилотун

Ушбу баҳрга ҳос муҳим хусусиятлардан бири қўп вазнлилик бўлиб, биринчи руқи *фоилотун* (- V - -) ёки *фаилотун* (VV - -) ва учинчи руқи *фаилун* (VV -), *фаилон* (VV ~), *фаълун* (- -), *фаълон* (- ~) тарзида бир шеъринг асарда ўзаро алмашиниб қўлланзверади ва бу ҳолат бир шеърнинг бир неча вазнда ёзилиш имконига эга бўлишини таъминлайди. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Сабъан сайёр” достони мазкур баҳрда ёзилган бўлиб, хафиф баҳрига ҳос қўпвазнлилик хусусияти ушбу дostonдаги воқеалар, қахрамонларнинг руҳий ҳолати, бир ҳикоятдан бошқасига ўтиш пайтлари, сюжет чизиқларининг ўзгаришига ниҳоятда қўл келган. Шеърингимизда хафиф баҳрининг қуйидаги вазнларидан фойдаланилган.

1. Хафифи мусаддаси махбуни махзуф

Мазкур вазн қуйидагича ўқил қилинади:

1) Биринчи руқид *фоилотун* (баъзан унинг тармоғи *фаилотун*) қўлланилади;

2) Иккинчи руқига *мустафйилун* аслидан пайдо бўладиган *мафоилун* тармок руқни жойлашади. Биз *мафоилун*ни *махбун* деб атаммз. Бу ҳақда ражаз баҳри ҳақида маълумот берганимизда айтиб ўтган эдик.

3) Учинчи рух *фоилотун* аслидан ҳосил бўлган *фаилун*, яъни *махбун* *махзуф* тармоқ рухнидан ташкил топади. Биз бу ҳақда рамал баҳри ҳақида фикр юритганимизда айтиб ўтган эдик.

Мазкур ҳолатни умумлаштирганда, қуйидаги манзарани кўрамыз:

Фоилотун мафоилун фаилун

- V - - / V - V - / VV -

Рухларнинг номларидан келиб чиқиб, вазний *хафифи мусаддаси махбун* *махзуф* деб атаемиз.

Келмай ул қотили замона менга,

Бўлди ҳажр ўлғали баҳона менга.

(“Наводир уш-шабоб”, 13-ғазал)

Кел	ма	йул	қо	ти	ли	за	мо	на	ме	нга
-	V	-	-	V	-	V	-	V	V	-
Бул	ди	ҳаж	рул	га	ли	ба	ҳо	на	ме	нга
-	V	-	-	V	-	V	-	V	V	-

Шунингдек, мазкур вазн Алишер Навоийнинг “Сабъан сайёр” достонида қўлланилган асосий шеърӣ ўлчовлардан бири ҳисобланади:

2. Хафифи мусаддаси солими махбун мақсур

Мазкур вазн биз юқорида кўриб ўтган *ҳазаж* *мусаддаси махбун* *махзуф* вазнидан охириги рухнинг сўнги ҳажоси ўта сўзиклиги билангина фарқланади:

Фоилотун мафоилун фаилун

- V - - / V - V - / VV~

Мазкур вазнда Алишер Навоийнинг бир ғазали яратилган:

Ҳар нечаким санга жафода русух,

Мен жафокангадур вафода русух.

“Бадойеъ ул -васат”, 112-ғазал

Ҳар	не	ча	ким	са	нга	жа	фо	да	ру	сух
-	V	-	-	V	-	V	-	V	V	~
Мен	жа	фо	кан	га	дур	ва	фо	да	ру	сух
-	V	-	-	V	-	V	-	V	V	~

Шунингдек, ушбу вазн “Сабъан сайёр” достонида қўлланилган шеърӣ ўлчовлардан биридир:

3. Хафифи мусаддаси махбуни мактуъ

Мазкур вазн куйидагича ҳосил қилинади:

- 1) биринчи рукнда *фоилотун* ёки *фаилотун*;
- 2) иккинчи рукнда *мафоилун* (*махбун*);
- 3) учинчи рукнда *фатълун* (*мактуъ*) тармоқ рукнлари шиғирок этади. Уларни умумлаштирсак, куйидаги манзара ҳосил бўлади:

Фоилотун мафоилун фатълун

— V — — / V — V — / — —

Рукнларнинг номланишини ҳисобга олиб, вазнни *хафифи мусаддаси махбуни мактуъ* деб атаيمиз.

Лаб уза хатти анбар олуди

Оташин лаълининг эрур дуди.

(“Фавойид ул-кибар”, 602-ғазал)

Лаб	а	за	хат	ти	ан	ба	ро	лу	ди
—	V	—	—	V	—	V	—	—	—
О	та	шин	лаъ	ли	нинг	э	рур	ду	ди
—	V	—	—	V	—	V	—	—	—

Шунингдек, ушбу вазн ҳам “Сабъи сайёр” дostonида қўлланилган шеърӣ ўлчовлардан биридир :

Мисоллар:

Ҳар неча жавр қилса ноз аҳли,

Тортмай найлағай ниёз аҳли!

Ҳалаб аҳли қўн эрди зоятсиз,

Йўлда сув оз эди ниҳоятсиз.

...Ҳаракатдин қалур тани зори,

Ўзини чекти бир бузуғ сори.

4. Хафифи мусаддаси махбуни мактуъи мусаббағ

Мазкур биз юкорида кўриб ўтган вазндан охириги рукнинг сўнги ҳижоси ўта чўзикқа айланиши билан фарқланади. Шунда тактиъ куйидагича кўриниши олади:

Фоилотун мафоилун фатълун

— V — — / V — V — / — ~

Мазкур вазнда Алишер Навоийнинг бир ғазали яратилган:

Фақр аҳлига подшо муҳтож,
Ўилаким шоҳга гадо муҳтож.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 100-газал)

Фақ	р(и)	аҳ	ли	га	под	(и)	шо	муҳ	тож
—	V	—	—	V	—	V	—	—	~
Ўй	ла	ким	шоҳ	(и)	ға	га	до	муҳ	тож
—	V	—	—	V	—	V	—	—	~

Шунингдек, ушбу вазн ҳам “Сабъан сайёр” достонида қўлланилган шеърӣй ўлчовлардан биридир.

МУЖТАСС БАҲРИ

Мужтасс сўз арабча бўлиб, “илдизи билан юлиб олинган” деган маънони билдиради. Мазкур баҳр мустафӣйлун ҳамда фоӣлотун аслларининг алмашиниб келишидан ҳосил бўлади ва туркий шеърӣятда фақат мусамман кўринишида учрайди:

Мустафӣйлун фоӣлотун мустафӣйлун фоӣлстун

— — V — / — V — — / — — V — / — V — —

ЭСЛАТМА!

Туркий шеърӣятда мужтасс баҳрининг солим шакли қўлланилмаган.

Мужтасс баҳри вазнлари мазкур икки аслнинг тармоқ руқнлари тақриридан шаклланади. Қуйидаги жадвалда мужтасс баҳрини ҳосил қилувчи тармоқ руқнларни келтирамыз:

№	Тармоқ руқн номи	Вазндаги аталиши	Чизмаси	Қайси аслий руқндан ҳосил қилингани
1	Мафоӣлун	Маҳбун	V — V —	Мустафӣйлун
2	Фаӣлотун	Маҳбун	V V — —	Фоӣлотун
3	Фаӣлун	Маҳбуни маҳзуф	V V —	Фоӣлотун
4	Фаӣлон	Маҳбуни мақсур	V V ~	Фоӣлотун
5	Фаълун	Мақтуъ	— — —	Фоӣлотун
6	Фаълон	Мақтуъи мусаббағ	— ~	Фоӣлотун

Энди мужтасс баҳри вазнлари билан танишиб чиқамиз.
Шеърятимизда мазкур баҳрга оид қуйидаги 5 вазндан фойдаланилган:

1. Мужтасси мусаммани махбун

Биринчи ва учинчи руқнларнинг *мафоилун (махбун)*, иккинчи ва тўртинчи руқнларнинг *фаилотун (махбун)* тарзида келиши натижасида *мужтасси мусаммани махбун* вазни ҳосил бўлади. Тактиъи қуйидагичадар:

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун

V – V – / V V – – / V – V – / V V – –

Руқнлар номадан келиб чиқиб вазини *мужтасси мусаммани махбун* деб атаймиз.

Лабингни сўргали муҳри сукут оғзима тушимин

Ки, ул шақсар била эрим бири бирига ёпишмиш.

(“Наводир ул-шабоб”, 261-ғазал)

Ла	бинг	ни	сўр	ға	ли	муҳ	ри	су	кут	(и)	оғ	зи	ма	туш	миш
V	–	V	–	V	V	–	–	V	–	V	–	V	V	–	–
Ки	ул	шақ	кар	би	ла	эр	ним	би	ри	би	ри	ға	ё	пуш	миш
V	–	V	–	V	V	–	–	V	–	V	–	V	V	–	–

2. Мужтасси мусаммани махбун маҳзүф

Мазкур вазн қуйидагича шаклланади:

- 1) биринчи ва учинчи руқнлар *мафоилун(махбун)* тарзида;
- 2) иккинчи руқн эса *фаилотун (махбун)* тарзида;
- 3) тўртинчи руқн *фаилун (махзүф)* тарзида келади ва руқнлар номадан келиб чиқиб вазн номини *мужтасси мусаммани маҳзүф* деб атаймиз.

Тактиъи қуйидагичадир:

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун

V – V – / V V – – / V – V – / V V –

Не маҳласим бор анинг ишқидин канора қилиб,

Не тўймоғим бор снинг ҳуснига назора қилиб.

(“Ғаройиб ус-сияр”, 64-ғазал)

Не	маҳ	ла	сим	бор	а	нинг	иш	қи	дин	ка	но	ра	қи	либ
V	–	V	–	V	V	–	–	V	–	V	–	V	V	–
Не	тўй	мо	гим	бо	ра	нинг	ҳас	ни	ға	на	зо	ра	қи	либ
V	–	V	–	V	V	–	–	V	–	V	–	V	V	–

3. Мужтасси мусаммани махбуни максур

Мазкур вазн юқорида биз ўрганган мужтасси мусаммани махбуни маҳзүфдан охирги руки *фаилун* (маҳзүф)нинг *фаилон* (максур)га ўзгариши билан фарқланади.

Тақтиби куйидагичадир:

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилон

V – V – / V V – – / V – V – / V V ~

Баданга келмади то азма кўюнг айлади руҳ

Ки, руҳ шахсини ул замза айлади мажруҳ.

(“Ғаройиб ус-сигар”, 102-ғазал)

Ба	дан	ға	кел	ма	ди	то	аз	ми	кў	юнг	ай	ла	ди	руҳ
V	–	V	–	V	V	–	–	V	–	V	–	V	V	~
Ки	руҳ	(и)	шах	си	ни	ул	ғам	за	ай	ла	ди	маж	(и)	руҳ
V	–	V	–	V	V	–	–	V	–	V	–	–	V	~

Мисоллар:

Начукки дард қироғи аёғинг остида дол,

Ўзор нуқтаси янглиз ўзор устида хол.

4. Мужтасси мусаммани махбуни мактуъ

Ушбу вазн куйидагича ҳосил қилинади:

1) биринчи ва учинчи руқнлар *мафоилун* (маҳбун);

2) иккинчи руқн *фаилотун* (маҳбун);

3) тўртинчи руқн *фаълун* (мактуъ) тарзида келади ҳамда бу ҳолат тақтибда куйидагича намоён бўлади:

Мафоилун фаилотун мафоилун фаълун

V – V – / V V – – / V – V – / – –

Тилаб юзунгни кўнгул ҳажрдин фароғ истар,

Қоронғу тунда начукким қили чароғ истар.

(“Бадойеъ ул васат”, 167 ғазал)

Ти	лаб	ю	зунг	ни	кў	нгул	ҳаж	р(и)	дин	фи	роғ	ис	тар
V	–	V	–	V	V	–	–	V	–	V	–	–	–
Қо	рон	гу	тун	да	на	чук	ким	ки	ғзи	ча	роғ	ис	тар
V	–	V	–	V	V	–	–	V	–	V	–	–	–

Мисоллар:

*Қаро қўзум, келу мардуммиг эмди фан қилгил,
Қўзум қаросида мардум киби батан қилгил.*

5. Мужтасси мусаммани махбуни мактуъи мусаббағ

Мазкур вазн биз юқорида ўрганиб чиққан мужтасси мусаммани махбуни мактуъдан охириги руқн *фаълун* (мактуъ)нинг *фаълон* (мактуъи мусаббағ)га ўзгариши билан фарқланади. Бу тақтида куйидаги кўринишда намоён бўлади:

Мафошлун фаилотун мафошлун фаълон

V - V - / V V - - / V - V - / - ~

*Зиҳи висолингга толиб тутуб ўзин матлуб,
Муҳаббатидин отингни ҳабиб атаб маҳбуб.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 40-ғазал)

Зи	Ҳя	ви	со	ли	нга	то	либ	ту	туб	ў	зин	мат	буб
V	-	V	-	V	V	-	-	V	-	V	-	-	~
Му	хаб	ба	ти	ди	но	тинг	ни	ха	биб	а	таб	мах	буб
V	-	V	-	V	V	-	-	V	-	V	-	-	~

Мисоллар:

*Бошига май чиқибон бўлди ул ситамгар маст,
Йўқ ахли ҳусн аро бир уйла қотили сармаст.*

МУЗОРИЪ БАҲРИ

Музориъ сўзи арабча бўлиб, “ўхлаш”, “моянд” деган маънони билдиради. Адабиётимизда, хусусан, Навоий шеъриятида мазкур баҳрининг фақат мусамман шаклларида фойдаланилган. Музориъ баҳри биринчи ва учинчи руқнларда *мафошлун* ҳамда иккинчи ва тўртинчи руқнларда *фоилотун* аслларининг такроридан ҳосил бўлади:

Мафошлун фоилотун мафошлун фоилотун

V - - - / - V - - / V - - - / - V - -

ЭСЛАТМА!

Музориъ баҳрининг солим шакли шеъриятимизда истифода этилмаган.

Мафойилун ва фоилотун асларнинг қуйидаги тармоқ руқлари музореъ баҳрини ҳосил қилишда иштирак этади:

№	Тармоқ руқи нома	Вазндаги аталиши	Чизмаси	Қайси аслий руқдан ҳосил қилинганлиги
1	Мафъувлу	Ахраб	-- V	Мафойилун
2	Мафойилу	Макфуф	V-- V	Мафойилун
3	Фоилотун	Солим	- V--	Фоилотун
4	Фоилоту	Макфуф	- V- V	Фоилотун
5	Фоилиён	Мусаббағ	- V-~	Фоилотун
6	Фойлун	Махзуф	- V-	Фоилотун
7	Фойлон	Максур	- V~	Фоилотун

Энди бевосита Алишер Навоий шеъротида қўлланган музореъ баҳри вазилари билан танишиб чиқсак.

1. Музореъи мусаммани ахраб

Мазкур вазн қуйидагича ҳосил қилинади:

- 1) биринчи ва учинчи руқлар *мафъувлу* (*ахраб*);
- 2) иккинчи ва тўртинчи руқлар *фоилотун* (*солим*) тарзида келади.

Тактиъи қуйидагичади:

Мафъувлу фоилотун мафъувлу фоилотун

-- V / - V -- / -- V / - V --

Дилбар юзин кўрарга бўлди ниқоб монёъ,

Ул навъким, қуёшқа бўлғай саҳоб монёъ.

(“Фавойид ул-кибар”, 291-ғазал)

Дил	бар	ю	зин	кў	рар	га	бўл	ди	ни	қоб	(и)	мо	веъ
-	-	V	-	V	-	-	-	-	V	-	V	-	-
Ул	навъ	(и)	ким	ку	ёш	қа	бўл	ғай	са	хоб	(и)	мо	веъ
-	-	V	-	V	-	-	-	-	V	-	V	-	-

Мисоллар:

Қулбамга баски гардун тоши ёздурубдур,

Сабрим уйидек ул ҳам емрулғали турубтур.

2. Музореъи мусаммани ахраби мусаббағ

Мазкур вазн юқорида биз кўриб ўтган музореъи мусаммани ахрабдан тўртинчи руқнинг *фоилотун* (*солим*)дан *фоилиён*

(мусаббаъ)га алмашини билан ҳосил бўлади. Вазнининг тақтиъи куйидагичадир:

Мафъуелу фоилотун мафъуелу фоилыйён

— — V/ — V — — / — — V/ — V — ~

Мазкур вазнда Алишер Навоийнинг биргина газали яратилган бўлиб, “Наводир ул -шабоб” дезонидан 126-рақам остида ўрин олган:

*Рухсори жонибида ул холи анбаролуд,
Ўт гушасида гўё анбар тушиб қилур дуд.*

Рух	со	ри	жо	ни	би	да	ул	хо	ли	ан	ба	ро	луд
—	—	V	—	V	—	—	—	—	V	—	V	—	~
Ўт	гў	ша	си	да	гў	ё	ан	бар	ту	шуб	ки	лур	дуд
—	—	V	—	V	—	—	—	—	V	—	V	—	~

3. Музореъи мусаммани аҳраби макфуфи махзуф

Ушбу вазн куйидагича ҳосил қилинади:

- 1) биринчи руkn *мафъуелу* (аҳраб);
- 2) иккинчи руkn *фоилоту* (макфуф);
- 3) учинчи руkn *мафойилу* (макфуф);
- 4) тўртинчи руkn *фоилун* (махзуф) тарзида келади.

Тақтиъи куйидагича:

Мафъуелу фоилоту мафойилу фоилун

— — V/ — V — V/V — — V/ — V —

Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга,

Андоқки, қурб тақвоу тоат билан санга.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 4-ғазал)

Эй	хам	дў	луб	ма	ҳол	(и)	фа	со	хат	би	лан	са	нга
—	—	V	—	V	—	V	V	—	—	V	—	V	—
Ан	доқ	ки	кур	б(и)	тақ	во	ву	то	ат	би	лан	са	нга
—	—	V	—	V	—	V	V	—	—	V	—	V	—

Мисоллар:

Кўнелум ҳарими ичра қилур жилае ул парн,

Андоқки, каъба ичра ҳарамнинг кабутари.

4. Музореъи мусаммани аҳраби макфуфи максур

Мазкур баҳр юқорида биз кўриб ўтган музореъи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуддан сўнги рукнийи максур (фоилон) га алмашиниши билан ҳосил бўлади. Тақтиъи қуйидагичадир:

Мафъулу фоилоту мафойилу фоилон

— — V/ — V — V / V — — V / — V ~

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулғузср,

Гоҳе кўзумга хол тушунтур, гоҳе ғубор.

(“Ғаройиб ус-сияҳар”, 171-ғазал)

Хо	лу	ха	тинг	ха	ё	ли	ди	нэй	сар	ви	гуль	у	зор
—	—	V	—	V	—	V	V	—	—	V	—	V	~
Го	хе	кў	зум	га	хол	(и)	ту	шуп	тур	га	хе	ғу	бор
—	—	V	—	V	—	V	V	—	—	V	—	V	~

Мисоллар:

Юз сеҳр қилса кимгаки эллиқдин ўтти ёш,

Атфол саҳроси қилур строфидек маош.

5. Музореъи мусаммани аҳраби макфуфи солим

Туркий адабиётда фақатгина Алишер Навоий шеърятда қўлланилган мазкур вази қуйидагича ҳосил қилинади:

- 1) биринчи рукн мафъулу (аҳраб);
- 2) иккинчи рукн фоилоту (макфуф);
- 3) учинчи рукн мафойилу (макфуф);
- 4) тўртинчи рукн фоилотун (солим) тарзида.

Тақтиъи қуйидагичадир:

Мафъулу фоилоту мафойилу фоилотун

— — V/ — V — V / V — — V / — V — —

Кофиргун либос аро ул сарвиноз экинму?

Ё шамъи ҳажр дафъига шамъи тироз экинму?

(НШ, 512)

К	Фир	(и	гун	ли	бос	а	р	ул	са	в	но	э	ки	м
о	—	)	—	—	—	о	о	—	р	и	з	—	н	у
—	—	V	—	V	—	V	V	—	—	V	—	V	—	—
Ё	Шам	и	ха	р(и	даф	и	га	шам	и	т	ро	э	ки	м
—	ъ	—	ж	)	ъ	—	ъ	—	и	и	з	—	н	у
—	—	V	—	V	—	V	V	—	—	V	—	V	—	—

МУНСАРИХ БАХРИ

Мунсариҳ сузи арабча бўлиб, “осон ва равои қилинган”, “эркин” деган маъноларни билдиради. Адабиётимизда, хусусан, Навоий шеъриятида мазкур бахрининг фақат мусамман шаклларида фойдаланилган. Мунсариҳ бахри мисрадаги биринчи ва учинчи руkning *мустафъилун*, иккинчи ва тўртинчи руkning *мафъулоту* тарзида келишидан ҳосил бўлади:

Мустафъилун мафъулоту мустафъилун мафъулоту
 – – V – / – – – V / – – V – / – – – V

ЭСЛАТМА!

Туркий шеърятда мунсариҳ бахрининг солим шакли қўлланилмаган.

Қуйидаги жадвалда мунсариҳ бахрини ҳосил қилувчи тармоқ руқвларни келтирамыз:

№	Тармоқ руқв номи	Вазидаги аталиши	Чизмаси	Қайси аслий руқвдан ҳосил қилинганлиги
1	Муфтаилун	Матвий	– VV –	Мустафъилун
2	Фоиун	Матвий макшуф	– V –	Мафъулоту
3	Фоиюн	Матвий мавқуф	– V ~	Мафъулоту
4	Фоилоту	Матвий	– V –V	Мафъулоту
5	Фаъ	Манхур	–	Мафъулоту

Эслатма!

Мафъулоту аслий руқвдан ҳосил қилинувчи фоилоту ва фаъ тармоқ руқвларини фоилотун асидан вужудга келадиган тармоқ руқвлар билан адаштирмаган!

Мумтоз адабиётимизда мунсариҳ бахрининг қуйидаги икки вазни қўлланилган:

1. Мунсариҳи мусамман матвий макшуф

Мазкур вазн қуйидагича шакллантирилади:

- 1) биринчи ҳамда учинчи руқвларга *муфтаилун* (*матвий*) тармоқ руқви қўйилади;
- 2) иккинчи ва тўртинчи руқвлар *фоиун* (*макшуф*) тармоқ руқвининг ўзаро такроридан ҳосил бўлади.

Тактиъи куйидагичадир:

Муфташун фошун муфташун фошун

— VV — / — V — / — VV — / — V —

Бўлди аёгинг қора зийнату пероядин,

Уйлаки бўлзай қора шамъ туби соядин.

Бўл	ди	а	ё	гинг	қо	ра	зий	на	ту	пе	ро	я	дин
—	V	V	—	—	V	—	—	V	V	—	—	V	—
Уй	ла	ки	бўл	гай	қо	ра	шамъ	(и)	ту	би	со	я	дин
—	V	V	—	—	V	—	—	V	V	—	—	V	—

Мисоллар:

Ваҳки чамандин яна эсди шамол ўзгача,

Хар дам ўлур атридин кўнгулма ҳол ўзгача.

2. Мунсариҳи мусаммани матвийи мавкуф

Ушбу вазн мунсариҳи мусаммани матвийи мақшур теърий ўлчовидан охири ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фаркланади. Тактиъи куйидагича:

Муфташун фошун муфташун фошун

— VV — / — V — / — VV — / — V —

Мазкур вазнда Алишер Навоийнинг биргина ғазали яратилган бўлиб, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан 274-рақам остида ўрин олган:

Бода мени айлади зухду риёдин халос,

Зухду риё йўқки, минг ранжу анодин халос.

Бо	да	ме	ни	ай	ла	ди	зук	ду	ри	ё	дин	ха	лос
—	V	V	—	—	V	—	—	V	V	—	—	V	~
Зук	ду	ри	ё	қўй	ки	минг	ран	жу	а	но	дин	ха	лос
—	V	V	—	—	V	—	—	V	V	—	—	V	~

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да “*Ҷинга*” деб аталувчи халк қўшигининг оҳанги шу вазнга мос тушулини айғиб ўтади.

3. Мунсариҳи мусаммани матвийи манхур

Мазкур вазн куйидагича шакллантирилади:

1) биринчи ва учинчи рукн *муфташун* (матвий);

2) иккинчи рукн *фошун* (матвий);

3) тўртинчи рукн *фаъ* (манхур) тарзида келади.

Тактиъи қуйидагичадир:

Муфташун фошоту муфташун фаъ

— VV — / — V — V / — VV — / —

Ушбу вазн туркий шеърятда илк марта Алишер Навоий томонидан қўлланилган:

Кўнғлум аро бир ажаб муҳол ҳавастур,

Лабафисинким ҳусули мумкин эмастур.

(“Фавойид ул-кибар”, 198-ғазал)

Кўнғ	лу	ма	ро	бир	а	жаб	му	ҳол	(и)	ҳа	вас	тур
—	V	V	—	—	V	—	V	—	V	V	—	—
Лаб	ла	рн	дин	ким	ху	су	ли	мум	ки	нэ	мас	тур
—	V	V	—	—	V	—	V	—	V	V	—	—

ТАВИЛ БАҲРИ

Тавил сузи арабча бўлиб, “узун” деган маъноларни билдиради. Тавил баҳри ҳам махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *фаъълун* (V—), *мафойилун* (V— —), *фауълун* (V— —), *мафойилун* (V— — —) бўлиб, шеърятда тавилнинг фақат мусамман рукнли вазнларидан фойдаланилган. “Ҳазойян ул-маъний” қуллиятида тавил баҳрининг фақат бир вазни истифода этилган бўлиб, Алишер Навоийнинг 3 ғазали ушбу ўлчов асосида яратилган:

Тавили мусаммани солим

Ушбу вазн туркий шеърятда илк марта Алишер Навоий томонидан истифода этилган бўлиб, тактиъи қуйидагичадир:

Фауълун мафойилун фауълун мафойилун

V— — / V— — — / V— — / V— — —

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур,

Шажар бўлса ҳам анда, лабингдек самар йўқтур.

(“Наводир ул-шабоб”, 166-ғазал)

Ю	зинг	дек	ка	мар	йўқ	тур	ка	динг	дек	ша	жар	йўқ	тур
V	—	—	V	—	—	—	V	—	—	V	—	—	—
Ша	жар	бўл	са	ҳам	ан	да	ла	бинг	дек	са	мар	йўқ	тур
V	—	—	V	—	—	—	V	—	—	V	—	—	—

Мисоллар:

Зиҳи нахли қаддингдин хижош сарв бўстони,

Хат ичра лабингдин мунфашл роҳи райҳони.

(“Бадоеъ ул-васат”, 593-ғазал)

*Лабинг чаишман ҳайвон, қадинг руҳи инсони,
Бу обу ҳаво бирла бирининг йўқ имкони.*

(“Фавоид ул-кибар”, 640-ғазал)

АРИЗ БАҲРИ

Ариз сўзи арабча бўлиб, “кенг”, “энли” деган маъноларни билдиради. Ушбу баҳр аруз илмининг ихтирочиси Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшунослари томонидан кашф қилинган.

Ариз баҳри ҳам юқоридаги баҳрлар сингари махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим руқилари *мафойилун* (V – – –) *фауълун* (V – –) *мафойилун* (V – – –) *фауълун* (V – –) бўлиб, шеърятда ариз баҳрининг асосан *мусамман* руқли вазиларидан фойдаланилган. “Хазойин ул-маоний” куллиётида Аризнинг фақат бир вазни истифода этилган бўлиб, Алишер Навоийнинг 1 ғазали ушбу ўлчов асосида яратилган:

Аризи мусаммани мусаббағ

Туркий шеърятда илк марта Алишер Навоий томонидан истифода этилган вазн бўлиб, тақтиъи қуйидагича:

Мафойилун фауълун мафойилун фауълун
V – – – / V – – / V – – – – / V – ~)

Алишер Навоийнинг мазкур вазнда ёзилган ягона ғазали “Хазойин ул-маоний” куллиётининг “Наводир уш-шабоб” девонига 322-рақам билан киритилган:

*Санойи зотинг ичра топиб ажз, аҳли идрок,
Ғаҳи лоухси айтиб замоне мо арафнок.*

Са	но	йн	зо	ти	нгич	ра	то	пиб	аж	заҳ	ли	ид	рок
V	–	–	–	V	–	–	V	–	–	–	V	–	–
Ға	хи	ло	ух	си	ай	тиб	за	мо	не	мо	а	раф	нок
V	–	–	–	V	–	–	V	–	–	–	V	–	–

Арузшунослик тарихи. Аруз шеърӣ тизимининг назарий асослари

VIII асрда яшаб ижод қилган араб адабиётшунос, мусикашунос олими Халил ибн Аҳмад томонидан асос солинган “Аруз” шеърӣ ўлчов тизими қарийб бир минг уч юз йилдан бери араб, форсий ва туркий халқлар адабиётининг асосий шеърӣ мезони сифатида қўлланиб келади. Унинг бунчалик кенг кўлами, умрбоқийлиги арузга хос латиф мусикийлик, оҳанглар ранг-баранглиги, ҳаёт воқелиги ва инсоний ҳиссиётлар оламини сержило мисралар воситасида таъсирчан, жозибадор ифодалаш имкониятларининг бениҳоялиги билан белгиланади.

Араб шеърлятига VIII асрдан татбиқ этилган мазкур ўлчов тизими IX аср бошлариданоқ форс-тожик адабиётида ҳам қўллана бошлади ҳамда Рудакий, Фирдавсий, Дақикий, кейинроқ Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз Шейрозий, Жомий каби буюк шоирлар ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Арузнинг туркий шеърлятга кириб келишини ҳам шу даврга нисбатан бериш мумкин.

IX-X асрларда туркий халқлар орасидан етишиб чиққан кўплаб шоирлар ўша давр анъаналарига мувофиқ ўз асарларини араб тилида бйтар эканлар, аруз ўлчовига асосландилар, хилма-хил мусикий ва жезбадор вазнлар замирида ғоявий ва бадий жихатдан баркамол қасида ва ғазаллар, рубоий ва китъалар яратдилар. IX асрнинг машхур адабиётшунос олими Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Ятимат-уд-даҳр” китобида бундай ижодкорлардан кўларининг номлари ва асарлари зикр қилинган. Бу даврда туркий тилда ҳам арузнинг енгил ва ўйноқи ўлчовларида кўшлаб лирик шеърлар ёзилганлиги шубҳасиз. Зеро, бу хил тажрибаларсиз XI асрда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”дек йирик достонининг мазкур вазндаги мукаммал дурдона асар сифатида майдонга келиши маҳол эди.

XII аср туркий адабиётнинг намунаси сифатида бизгача етиб келган “Ҳабагул -хақойиқ” достони аруз назарияси ва амалиётини ўзлаштириб, вафис бадий асарлар яратиш анъанаси бу даврда ҳам давом этиб, ривожланиб борганидан далолат беради. XIII-XIV асрлар давомида аруз ўлчови Паҳлавон Маҳмуд, Бадриддин Чочий каби мутаффақкир шоирларнинг форсий шеърлятида ҳам, Носириддин Рабғузий, Хоразмий, Қутб, Сайфи Саройи каби соҳиби каломларнинг туркий асарларида ҳам кенг қўлланди ва ўзбек адабиётининг асосий шеърй мезони бўлиб қолди. Бу ижодкорлар томонидан кўплаб лирик шеърлар, “Қиссаи Рабғузий” китоби, “Муҳаббатнома”, “Хисрав ва Ширин”, “Тулистон” таржималари каби ўлмас асарларни битишда моҳирона фойдаланилган, ўтгиздан ортиқ вазн аруз ўлчовларининг адабиётимизга тобора чуқурроқ кириб кириб боргани, шоирларимиз ушбу мураккаб ўлчов тизими назариясини тобора пухтароқ эгаллаб, хилма-хил вазнлар асосида гўзал шеърй бадиалар яратили маҳоратини ҳам изчиллик билан ўрганиб бораётганларини кўрсатиб турибди.

Аруз тизими асрлар давомида араб, форс-тожик ва туркий халқлар шеърлятида амалий жихатдан қўлланиб келиши билан бир вақтда ушбу адабиётшуносликларда назарий жихатдан ҳам такомиллашиб борди, аруз махсус илм сифатида мактаб ва мадрасаларда муттасили ўргатилди, мазкур шеърй мезон назарияси ва амалиётига доир кўплаб илмий тадқиқотлар яратилди, рисоалар битилди. Халил ибн Аҳмаддан сўнг Ибн Усмон Мазиний, Имом Аҳмад ибн Абдурафик, Ибн ал-Ҳатиб, ат-Термизий,

Зиёвуддин Абул Жайш, ал-Ҳазраний каби араб олимлари ушбу илмга доир асарлар яратиб, аруз тараққиётига ҳисса қўшдилар.

Туркий арузнинг назарий ва амалий жиҳатдан шаклланиши ва изчил ривожланиб боришида Алишер Навийнинг илк бор туркий тилда яратилган “Мезонул авзон” («Вазнлар ўлчови») асари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Улуғ мутафаккир шоир аруз қоидаларини, хилма-хил баҳрлари ҳамда вазнларини туркий тилда муфасссал баён қилиш билан чекланиб қолмай, туркий халқларнинг оғзаки шеърияти мезони билан аруз вазнлари ҳамоханглигини атрофлича далиллади ҳамда туркий тил хусусиятларини назарда тутган ҳолда арузнинг туркий адабиётларда, хусусан, ўзбек шеъриятида кенг қўлланиши мумкин бўлган қўлаб ўлчовларини ҳам белгилаб берди.

Аруз илми ривожига туркий халқлар орасидан етишиб чиққан адабиётшунос олимлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Махсус файласуф Абу Наср Форобий (X аср), Абулқосим Замахшарий (X-XII асрлар), Абу Яъқуб Юсуф ибн Абубакр Саккокий (XII-XIII асрлар) ўзларининг араб ва форсий тилда битган илмий асарлари билан фақат араб ва форсий арузларга эмас, айна вақтда туркий аруз тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатдилар.

Ўзбек арузининг назарий ва амалий жиҳатдан янада камол топишида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мухтасар” деб номланган йирик илмий асарининг аҳамияти бекиёсдир.

XIX аср охириларида Зокиржон Фуркат ҳам аруз илмига доир рисола битган эди. Ҳалигача нашр қилинмаган бу асарни профессор Ғулом Каримов Остроумов фондидан топган эди. 16 бетлик бу кичик рисолада шоир арузнинг шеъриятимизда кенг қўлланган 55 вазни ҳақида маълумот берган, ҳар қайси ўлчовга форсий ва туркий адабиётлардан мисоллар келтирилган. Аслида аруз шеърий ўлчов тизими сифатида араб ва форс-тожик адабиёти поэзиясига хос жами 19 баҳр, уларнинг жами 200 дан ортик вазнларини ўрганиб, ўзлаштириб келган. Аруз илмига бағишланган рисоаларнинг ҳар бирида шу ҳолатни кўрамыз.

Халил ибн Аҳмад ўзи асос солган илмни “Аруз” номи билан атаган эди. Бу сўзнинг маъносини арузшунослар турлича изоҳлаб келганлар. Алишер Навоий ўзининг “Мезонул-авзон” асарида бу сўз маъносиини қуйидагича шарҳлаган эди: “Халил ибн Аҳмад” Раҳматуллоҳки, бу фаннинг воқидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишки, ани “Аруз” дерлар эмиш ва ул водийда аъроб уйларин тикиб, жилва бериб баҳога кияурлар эрмиш. Ва уйни араб “байт” дер. Чун байтларни бу фан ила мезон қилиб мавзунини номавзунидин ажурлар, гуёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат билан “аруз” деб турлар”. Кўрянадики, улуғ шоир “аруз” истилоҳи Халил ибн Аҳмад яшаган манзилга яқин

бўлган водий номини билдиради, деган фикрни таъкидлашги, бу водийда араблар чодир уйларни тикиб, уларни безатиб, баҳосини аниқлаб сотар эдилар.

Аруз вазнида хижола турлича қисқа-чўзиқликка эга бўлади. Қисқа талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тутаган очик бўғинлар қисқа хижола деб аталади. У вазн чизмасида V белгиси билан ифодаланади. Чўзиқ талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тутаган очик бўғинлар, шунингдек, таркибида қисқа унли бўлган ёпиқ бўғинлар чўзиқ хижо саналади. Бундай бўғинлар вазн чизмасида – (чўзиқча) белгиси билан ифодаланади. Шеър мисраларидаги бўғинларнинг чўзиқ ёки қисқалиги уларнинг ёзилишига қараб эмас, вазнга мувофиқ ўқилишига кўра аниқланади. Масалан, Машраб газалидан қуйидаги парчанни кўздан кечирайлик:

Кўрсат жамолинг масоналарга,

Ишқинда куйган парвоналарга.

Мисраларни вазнга мувофиқ ўқиб туриб бўғинларга ажратсак, қуйидаги чизма ҳосил бўлади:

Кўр-сат жа-мо-линг мас-то-на-лар-га

Иш-қинг-да куй-ган пар-во-на-лар-га

Яъни кўр, сат, линг, мас, лар, иш, қинг, куй, ган, пар, лар бўғинлари таркибида қисқа унли бўлган ёпиқ бўғин, мо, то, га, во, га бўғинлари эса чўзиқ унли билан тутаган очик бўғин сифатида чўзиқ бўғин деб белгиланади. Жа, на, да, на бўғинларидаги “а” унлиси қисқа ўқилади ва шу туфайли қисқа бўғин саналади. Хижолаарнинг ўзаро бирикувидан жузвлар ҳосил бўлади. Жузвнинг уч тури мавжуд бўлиб, улар қуйидаги тасниф асосида ўрганилади.

Сабаб		Ватад		Фосила	
Сабаби хафиф	Сабаби саккийл	Ватади мажмуъ	Ватади мафрук	Фосилаи сугро	Фосилаи кубро
-	VV	V -	-V	VV-	VVV-

Сабаб, ватад ва фосилаларнинг бирикувидан шеърый мисралар ҳосил қилувчи йирик бўлак – руки майдонга келади. Бир сабаби хафиф билан ватади мажмуъ бирикувидан “Фаулун” ва “Фоилун” руқлари ҳосил бўлади. Агар ватаддан сўнг сабаб келса, “Фаулун”, руқни аксинча сабабдан сўнг ватад келса, “фоилун” руқни тузилади. Фаулун руқни чизмаси V --- тарзида, фоилун руқни эса -V- тарзида ифодаланади. Икки сабаб билан бир ватаддан гўртта тўрт бўғинли руқ тузилади. Булар мафойилун, фоилотун, мустафйилун ва мафъуълоту руқларидир.

Ватади мажмудан сўнг икки сабаб келса, мафойилун руқни (чизмаси: V --- -), ватади мажмуъ икки сабаб ўртасида келса фоилотун руқни

(чизмаси: – V – –), ватади мажмуъ икки сабадан сўнг келса, мафъулоти руки (чизмаси: – – –) ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, сабаб, ватад, фосилалар бирикувидан аруз вазнининг асллар деб аталувчи қуйидаги руқналари ҳосил бўлади:

Руқн номи	Чизмаси	Руқн номи	Чизмаси
Фаувлун	V – –	Мустафйилун	– – – V –
Фойлун	– V –	Мафъувлоту	– – – V
Мафойилун	V – – –	Мутафойилун	VV – V –
Фойлотун	– V – –	Мафойлатун	V – VV –

Аруз вазнидаги шеър ўлчовларининг асосий турлари – бахрлар юқоридаги 8 руқннинг турли тартибда бирикиб такрорланишидан ҳосил бўлади. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Бир руқннинг айнан такроридан тузилган бахрлар. Бундай бахрлар 7 та бўлиб, мафъувлоту руқнидан бўлак, юқоридаги 7 руқннинг айнан такроридан ҳосил бўлади. Яъни фаувлун руқни такроридан мутақориб, фойлун руқни такроридан мутадорик, мафойилун руқнидан ҳазаж баҳри, фойлотундан рамал, мутафойилундан комил ҳамда мафойлатун руқни такроридан вофир баҳри ҳосил бўлади.

2. Мушокил баҳри. Бу баҳр икки мафойилун ва битта фойлотун руқни такроридан тузилади. Солим руқналарининг ҳар бир байтда:

Фойлотун мафойилун мафойилун

Фойлотун мафойилун мафойилун

тарзида такрорланишидан мушокил баҳрининг мушокили мусаддаси солим вазни ҳосил бўлади.

3. Ғариб баҳри. Бу баҳр икки фойлотун ва битта мустафйилун руқни такроридан тузилади. Бу руқналар ҳар қайси байтда солим ҳолда:

фойлотун фойлотун мустафйилун

фойлотун фойлотун мустафйилун

тарзида такрорланишидан ғариби мусаддаси солим вазни ҳосил бўлади.

4. Сареъ баҳри. Бу баҳр икки мустафйилун ва бир мафъувлоту руқни такроридан тузилади. Бу руқналарнинг шеър байтларида:

мустафйилун мустафйилун мафъувлоту

мустафйилун мустафйилун мафъувлоту

тарзида такрорланишидан сареъ мусаддаси солим вазни ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, содда ва мураккаб бахрлар билан танишдик. Ҳазаж, рамал, ражаз мутақориб, сареъ, хафиф, музореъ, мунсарех, комил бахрлари туркий арузда қўлланади. Вофир, тавил, муқтазаб, ғариб (жадид), мадид, басит, қариб, мушокил туркий арузда қўлланмайдиган бахрлар ҳисобланади.

ХII-ХIII асрлар манбаларида ўн бешта баҳр қайд этилган бўлса, Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асарида ўн тўққизта, Бобурнинг "Мухтасар"ида эса "ариз" ва "амиқ" баҳрлари ҳам қўшилган ҳолда уларнинг сони йигирма биттага етган. Баҳрлар ва уларнинг таркиби, тақтеби куйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

№	Баҳр номи	Руки ва афойллари	Парадигмаси
1	Мутақориб	Фаувлун фаувлун	v - - / v - -
2	Мутадорик	Фоилун фоилун	- v - / - v -
3	Ҳазак	Мафойилун мафойилун	v - - - / v - - -
4	Рамал	Фойлотун фойлотун	- v - - / - v - -
5	Ражаз	Мустафйилун мустафйилун	- - v - / - - v -
6	Комил	Мутафойилун мутафойилун	vv - v - / vv - v -
7	Вофир	Мафойлатун мафойлатун	v - vv - / v - vv -
8	Тавил	Фаувлун мафойилун	v - - / v - - -
9	Мадид	Фойлотун фоилун	- v - - / - v -
10	Ариз	Мафойилун фаувлун	v - - - / v - -
11	Басит	Мустафйилун фоилун	- - v - / - v -
12	Амиқ	Фойлотун фаувлун	- v - - / v - -
13	Мунсарих	Мустафйилун мафъувлоту	- - v - / - - - v
14	Музорей	Мафойилун фойлотун	v - - - / - v - -
15	Муқтазаб	Мафъувлоту мустафйилун	- - - v / - - v -
16	Мужтасс	Мустафйилун фойлотун	- - v - / - v - -
17	Сариъ	Мустафйилун мустафйилун мафъувлоту	---v- / ---v- / ---v
18	Жадид (Ғариб)	Фойлотун фойлотун мустафйилун	--v--- / --v--- / --v--
19	Қариб	Мафойилун мафойилун фойлотун	v---- / v---- / -v---
20	Хафиф	Фойлотун мустафйилун фойлотун	-v--- / ---v- / -v---
21	Мушоқил	Фойлотун мафойилун мафойилун	--v--- / v---- / v----

Жадвалда келтирилган бахрлар орасида сариъ, жаид, қариб, хафиф ва мушокил бахрлари бошқаларидан фаркли ўлароқ фақат мусаддас яъни олгилик (бир мисрада учта, байтда олтига руки) шаклда қўлланади. Аниқроғи, фақат мусаддас шаклда улар айнан шу бахр ҳисобланади. Гарчанд, Бобур уларнинг мураббаъ шакллариға ҳам мисол келтирган бўлса-да, мураббаъ шаклда улар бошқа бахрга ўтиб кетади.

Аруз методикасида бахрларни яхши тушуниш ва эслаб қолиш учун доиралардан фойдаланишади. Бунда бир-бирига яқин бўлган рукнлар ва бахрлар бир доираға жойлаштирилиб, уларнинг афоили ҳамда мисол тариқасида бир мисра киритилади. Мисрани қайси сўздан бошлаб ўқишға кўра турли бахрлар ҳосил бўлади ва бу бахрлар доира ичида ўрганилади. Доира аруз илмини ўрганишни осонлаштириш мақсадида арузшунослар томонидан ишлаб чиқилган метод ҳисобланади. А.Навоийнинг “Мезон-ул авзон”ида еттига доира, Бобурнинг “Мухтасар”ида эса тўққизта доира келтирилган.

ЛУГАТ

Аруз I. Туркий адабиётда, жумладан, ўзбек шеъриятида тахминан IX асрлардан бери қўлланиб келинаётган шеърӣй ўлчов тизими номи бўлиб, ҳазрат Навоийнинг таъкидича, ушбу илм асосчиси Ҳалил ибн Аҳмад яшаган жой яқинидаги воҳа номидан олинган.

Аруз (II). Аруз ўлчов тизими асосида яратилган шеърӣй асар байтларидаги биринчи мисранинг охириги рукни ўрни номи. Мисрадаги шу рукн ўқилгандан сўнггиша шеърнинг қайси баҳр ҳамда вазн асосида яратилганлиги, мисранинг тавланган ўлчовга мувофиқлиги, шоирнинг вазн танлаш, оҳанг яратилиш маҳоратини аниқлаш мумкин бўлади.

Асл рукнлар. Аруз шеърӣй ўлчов тизими асосини ташкил қилувчи саккиз асосий рукн мажмуъи. Асллар фауълун, фоилун, мафойилун, фоилотун, мустафълун, мафъувлоту, мутафоилун ва мафоилатун арконларидан иборат. Арузшунос оламлар ушбу аслларни “**афойилу тафойил**” деб ҳам атайдилар.

“Афойилу тафойил”. Аруз шеърӣй ўлчов тизимининг асоси бўлган саккиз асосий аслий рукн. Улар кўпинча “асллар” деб юритилади.

Аркон рукннинг кўпилиги.

Байт (арабча “уй”) аруз илмига кўра ҳар бири бир неча рукндан ташкил топган қофияли ёки қофиясиз икки мисра шеър демакдир.

Басит баҳри (“басит” арабча сўз бўлиб, “ёзиқ” маъносини ифодалайди) арузнинг асосий ўлчов турларидан бири бўлиб, унинг асосини мустафълун ва фоилун аслларининг кетма-кет такрори ташкил қилади.

Баҳр (арабча “денгиз” демакдир.) Аруз атамаларидан бири бўлиб, ушбу тизимни ташкил қилувчи асосий, йирик ўлчов турини ифодалайди. Баҳрлар асллар ёки афойилу тафойил деб аталувчи саккиз рукннинг турлича таркибда такрорланишидан ҳосил қилинади.

Вазн шеърӣй асарнинг ритм-оҳанг хусусиятларини уларнинг таркибидаги рукнлар сони ва турига кўра ифодаловчи ўлчов.

Васл (арабча “уланиш”) аруз тизими асосида яратилган шеърӣй асарларни ифодали ўқиш жараёнида вазн талаби билан айрим ёпиқ ҳижола охиридаги ундонини ундан кейин турган ҳамда унли билан бошланган ҳижога қўшиб талаффуз этиш ҳодисаси. Ана шу қондага амал қилинмаса, ҳижола тартиби бузилиб, оҳангга ва асар вазнига жиддий путур етади.

Васли “ҳо” Аруз тизимида яратилган шеърӣй мисралардаги айрим ёпиқ ҳижоларнинг охириги ундонини вазн тақозоси билан ўзидан кейин турган ва “ҳ” ундонини билан бошланувчи ҳижога қўшиб ўқиш ҳодисаси. Бу жараёнда, одатда “ҳ” ундонини тушиб қолади. Ушбу ҳодиса кам бўлса-

да, ўзбек адабиётида, хусусан, халқ оғзаки ижоди таъсирида ижод қилган ва “гуркона” деб аталувчи сода услубга роя килувчи шоирларнинг асарларида учрайди.

Вофир (арабча “мўл” маъносини ифодаловчи аруз атамаси) арузнинг асосий ўлчовларидан бўлиб, мутафоилатун аслининг такрорига асосланадиган баҳр ҳисобланади.

Имола аруз атамаларидан бўлиб, вазн тақозоси билан таркибида чўзиқ унли бўлган айрим ёпиқ ҳижоларни, унлини чўзиб талаффуз қилиш ҳисобига, ўта чўзиқ ҳижо қилиб ўқишни ифодалайди. Масалан, Бобурнинг

Ёр фасли, ёр васли, дўстларнинг сўхбати,

Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти

байтидаги *ёз, ёр, шеър, дўст*, ишқ сўзлари таъкибидаги *о, ў, э, и* унлилари анча чўзиқ талаффуз қилинади. Булар тақтиъ чоғида, шунингдек, шеър чизмасида икки ҳижо белгиси, яъни бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижо ҳисобига ўтади.

Истихлоф аруз атамаларидан бўлиб, жонли тилда қисқа талаффуз қилинувчи баъзи унлиларни шеърни ўқиш чоғида чўзиқ унли сифатида талаффуз қилишни ифодалайди

Комил баҳри (“комил сўзи арабча бўлиб, “мукамал” маъносини ифодалайди) шеърятимизда жуда кам қўлланган, айрим йирик ижодкорларнинг асарларидагина қўлланган баҳр бўлиб, мутафоилун аслининг такрорига асосланади.

Мадид (“мадил” сўзи арабча бўлиб, “чўзиқ” маъносини ифодалайди) Мадид баҳри фоилотун ҳамда фоилун аслларининг кетма-кет такрорланишига асосланади.

Матбуъ “Ёқимли” деган маънони ифодаловчи арабча сўз бўлиб, вазнларга нисбатан қўлланилади: аруз тизимига мансуб вазнларнинг энг ёқимлилари шундай аталади.

Мужтасс (“мужтасс” сўзи арабча “юлиниш” маъносини ифодалайди) баҳри арузнинг шеърятимизда кенг қўлланилган турларидан бўлиб, унинг асосини мустафъилун ва фоилотун аслларининг кетма-кет такрори ташкил қилади.

Музориъ (арабча “ўхшаш” маъносини ифодалайди) баҳри шеърятимизда кенг қўлланган ўлчов турларидан бўлиб, унинг асосини мафойилун ва фоилотун аслларининг алмашиниб такрорланиши ташкил қилади.

Мураббаъ. Арабча “тўртлик” маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, аруз илмида “тўрт рукнли” тушунчасини билдиради: ҳар қайси байтида тўрт рукн иштирак этувчи вазн тури шу ном билан юритилади.

Мураккаб зихоф. Асл рукннинг бир вақтнинг ўзида икки хил ўзгаришига дуч келиши.

Мусаддас арабча “олтилик” маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, аруз илмида “олти рукни” тушунчасини билдиради.

Мусаммая арабча “саккизлик” маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, аруз илмида “саккиз рукни” тушунчасини билдиради.

Мутадорик бахри (“мутадорик” арабча сўз бўлиб, “бир-бирига уланувчи” деган маънони ифодалайди) шеърятимизда жуда кам қўлланган бахрлардан саналади. Унинг асоси **фойлун** аслининг айнан такрори саналади.

Мугалаввун арабча сўз бўлиб, “ранг-баранг, ўзгарувчи, тобланувчи” каби маъноларни ифодалайди. Аруз илмида бир неча вазнда ўқилиши мумкин бўлган байтларни шундай деб атайдилар. Гап шундаки, айрим байтларни икки ё ундан ортиқ вазнга солиб ўқиш мумкин. Байт таркибидаги унлиларни чўзиб ёки қисқа талаффуз этиш, ҳижоларни ажратиб ёки қўшиб ўқиш билан вазнни ҳам ўзгартириши мумкин.

Мустаъмал вазн – шеърятимизда қўлланган вазн демакдир. Аруз тизимида мансуб вазнларнинг аксарияти форс-тожик ва туркий адабиётларда қўлланилиб келган – мустаъмал ўлчовлар саналади. Айни вақтда баъзи арузшуносликка оид асарларда тавсифланган бир қатор вазнлар у ёки бу олим ёки шоир томонидан ихтиро қилинган бўлиб, шеърятда турли сабабларга кўра қўлланмаган.

Мустаъмали матбуъ вазн – шеърятимизда фойдаланилган ёкимли ўлчов демакдир. Чунки шоирлар ижодида қўлланган барча вазнларни ҳам ёкимли – матбуъ деб бўлмади. “Мухтасар”да ҳам таъкидланган 248 мустаъмал вазннинг 104 тасвигина мустаъмали матбуъ ўлчов ҳисобланади.

Мутатаввал – арабча “узуз”, “чўзиқ” маъноларини билдирувчи ушбу сўз аруз илмида “кўп рукни” тушунчани ифодалайди. Аруз тизими асосида яратилган шеърый асарларнинг байтлари ҳажми 4 рукндан 36 рукнгача бўлиши мумкин. Байт тўрт рукни бўлса, “мураббаъ” (тўртлик), олти рукни бўлса, “мусаддас” (олтилик), саккиз рукни бўлса “мусамман” (саккизлик) деб юритилади. 12 ва ундан ортиқ рукндан ташкил топган байтлар мутатаввал деб аталади.

Мутақориб бахри (“мутақориб” арабча “бир-бирига яқинлашувчи” деган маънони ифодалайди) ўзбек шеърятига анча кенг қўлланиб келган ўлчов турларидан бўлиб, фаушлун аслининг айнан такрорига асосланади.

Муфрад зихоф (“муфрад”, “якка” маъносини ифодалайди) ашларнинг биргина ўзгаришга дуч келишини назарда тутувчи зихоф демакдир.

Мухтараъ вазн – ихтиро қилинган, лекин ҳали шеърятда қўлланмаган шеърый ўлчов. Айрим арузшунослар адабиётда қўлланиб келган вазнлардан ташқари, ўзлари ҳам янги ўлчовларни яратадилар. Ана шундай вазнлар мухтараъ вазн саналади.

Ражаз (“ражаз” арабча “тезлик”, “изтироб” маъносини ифодалайди) баҳри арузнинг асосий ўлчов турларидан бири бўлиб, унинг асосини **мустафйилун** аслининг айнан такрори ташкил этади.

Рамал (“рамал” арабча “туянинг лўқиллаши” маъносини ифодалайди) баҳри шеърятимизда жуда кенг қўлланган ўлчов тури бўлиб, унинг асосини **фойлотун** аслининг айнан такрори ташкил қилади.

Руқв арабча “устун” маъносини билдириб, аруз ўлчов тизими асосидаги шеърин байтларни ташкил қилувчи кичик ритмик бўлак ҳисобланади.

Сария (арабча “тез”) баҳри арузнинг асосий ўлчов турларидан бўлиб, унинг асосини **мустафйилун** аслининг икки марта **мафъуелоту** аслининг бир марта такрори ташкил қилади.

Солим (арабча “соғлом, ўзгармаган” деган маъноларидаги сўз) аруз тизими асоси бўлган руқвлар сифати, ҳолатини ифодалаш учун қўлланади, вазнларни ташкил қилувчи асллар ўзгаришга дуч келмаган бўлса, солим саналади.

Тавил баҳри (“тавил” сўзи арабча бўлиб, “узун” деган маънони ифодалайди) арузнинг асосий ўлчовларидан бири бўлиб, **фаувлун** ҳамда **мафойилун** аслларининг кетма-кет такрорига асосланади.

Тақтиъ (“кесиш” маъносини ифодаловчи сўз) аруз илмида шеър вазнини аниқлаш учун байтни ритмик бўлақларга – руқвларга ажратиш демакдир. Мумтоз арузшуносликда буни вазнин белгилашнинг ягона усули деб ҳисоблашган.

Туюқ вазилари. Туркий шеърятга хос бўлган туюқ жанридаги лирик шеърлар **рамал** баҳрига мансуб фақат икки вазн асосида яратилган бўлиб, уларнинг биринчиси **рамали мусадаси махзуф**, иккинчиси **рамали мусаддаси мақсурдир**.

Фуруъ аруз атамаларидан бўлиб, “шаҳобчалар” “тармоқлар” маъноларини ифодалайди. Мумтоз аруз илмида асл руқвларни турлича ўзгартириш билан ҳосил қилинган тармоқ руқвлар **фуруълар** деб аталган. Ҳозирги арузшуносликда “тармоқ руқв” атамаси кўпроқ қўлланади.

Хафиф (арабча “енгил”) баҳри шеърятимизда кенг қўлланган ўлчов турларидан бўлиб, унинг асосини **фойлотун** ва **мустафйилун** аслларининг кетма-кет такрори ташкил қилади.

Қариб баҳри (“қариб” арабча “яқин”) арузнинг асосий ўлчовларидан бўлиб **мафойилун** икки марта ҳамда **фойлотун** аслининг бир марта такрорига асосланади ва олти руқвли шеърлар яратишдагина фойдаланилади.

Ғариб (ёки **жадид**) баҳри (арабча “ғариб” сўзи “ажойиб”, “камёб” маъноларини, “жадид” сўзи эса “янги” деган маънони ифодалайди) арузнинг асосий ўлчов турларидан бири бўлиб, унинг асосини **фойлотун**

аслининг икки марта ва **мустафйилун** аслининг бир марта такрорланиб келиши ташкил этади.

Ҳазаж (арабча “овозни ёқимли қилиш”) баҳри шеърятимизда қўлланилиш жиҳатидан рамал баҳридан сўнг иккинчи ўринда турувчи ўлчов туридир. Унинг асосини **мафғейлун** аслининг айнан такрори ташкил қилади.

Ҳижо (арабча “бўгин” демакдир) аруз вазнида ёзилган шеърий асар мисраларини ташкил қилувчи ва бир овоз билан талаффуз этилувчи энг кичик ритмик бўлак бўлиб, бир унлидан ёхуд бир унли билан бир ёки бир неча ундош ҳарф бирикмасидан ташкил топади. Мумтоз арузшунослигимизда мисрани ташкил этувчи энг кичик ритмик бўлак сифатида ҳарф олинган, араб алифбоси қўлланмагани туфайли ҳозирги ўзбек арузшунослигида энг кичик ритмик бўлак **ҳижо** саналади. Ҳижолар бўгиндан фарқланади, бўгинлар ёзилишига кўра ажратилса, ҳижолар вазнга мувофиқ ўқилишига кўра ажратилади. Бўгиннинг икки тури, ҳижонинг эса уч тури мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. “Танкидий тахлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиш керак”. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. –104 б.
2. Ш. Мирзиёев. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз”. –Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017. –488 б.
3. Абдуллаев В. “Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб, 3-нашри. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1980. –346 б.
4. “Адабий турлар ва жанрлар”. У Тўйчиев ёзган. Уч жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: “Фан”, 1992. –224 б.
5. А.Навоий. “Ғазаллар, шарҳлар”. –Тошкент. “Камалак”, 1991. –176 б.
6. Бобур З.М. “Мухтасар”. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. –Тошкент: Фан, 1971. –180 б.
7. Бобоев М. “Адабиётшунослик асослари”. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 2001. –560 б.
8. Boboyev T. “Aruz vaznini o‘rganish”. – T.: 1991.
9. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. –Тошкент: “Ўзбек адабий нашри”, 1961. –264 б.
10. Зуннунов А., Ҳотамов Н. “Адабиёт назариясидан қўлланма”. –Тошкент, “Ўқитувчи”, 1978. –160 б.
11. Валихўжаев Б. “Ўзбек эпик поэзияси тарихидан”. –Тошкент: “Фан”, 1974. –150б.
12. Валихўжаев Б. “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи”. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1993. –191 б.
13. Исоқов Ё. “Навоий поэтикаси”. –Тошкент: “Фан”, 1983. –168 б.
14. Каримов Ғ. “Ўзбек адабиёти тарихи”. 3/3-Тошкент: “Ўқитувчи”, 1987. –320б.
15. Маллаев Н. “Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожига Навоийнинг роли ҳақида” \ \ Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –1961. №13. –Б. 11-13.
16. Маматқулов М. “Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси”. “НАР”. –Тошкент, 2004. –25 б.
17. “Навоий асарлари лугати”, Тузувчилар: П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1979. –784 б.
18. “Навоийга армуғон”. Илмий тўплам. –Тошкент: “Фан”, 1968. –206 б.
19. “Навоий ва адабий таъсир масалалари”. Илмий тўплам. –Тошкент: “Фан”, 1968. –353 б.
20. Носиров О., Жамалов С., Зиёвиддинов М. “Ўзбек классик шеърини жанрлари”. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1979. –182 б.
21. Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. 9-том. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1974. –362 б.

22. Раҳмонов В. "Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат". –Тошкент: "Ўқитувчи", 1983. –200 б.
23. Султон, Издат. "Адабиёт назарияси". 2-нашри. –Тошкент: "Ўзбекистон", 1986. –408 б.
24. Нусратулло Жумаҳўжа. "Сатрлар силсиласидаги сеҳр". –Тошкент: "Ўқитувчи", 1996. –222 б.
25. Фитрат А. "Адабиёт қондалари". –Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
26. Худойбердиев Э. "Адабиётшуносликка кириш". –Тошкент: "ЎАЖБНТ" Маркази, 2003. –316 б.
27. Чўлпон. "Адабиёт надир". –Тошкент: "Чўлпон", 1994. –240 б.
28. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. 4-том. –Тошкент: "Адабиёт ва санъат" нашриёти, 1972. –372 б.
29. Шукуров Н., Холматов Ш. "Адабиётшуносликка кириш". – "Самарқанд", 1974. –182 б.
30. Шукуров Н., Ҳотамов Н., Ҳолматов Ш. ва бошқалар. "Адабиётшуносликка кириш". 2-нашри. –Тошкент: "Ўқитувчи", 1984.
31. "Ўзбек насри тарихидан". –Тошкент: "Фан", 1982. –196 б.
32. Ҳайитметов А. "Навоий лирикаси". –Тошкент: "Фан", 1961. –215 б.
33. Ҳомидов Ҳ. Абдуллаева Ш., Иброҳимов С. "Адабиётшунослик терминлари лугати". –Тошкент: "Ўқитувчи", 1967. –280 б.
34. Ҳотамов Н. "Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик лугат". –Тошкент: "Ўқитувчи", 1969. –214 б.
35. Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. "Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати". –Тошкент: "Ўқитувчи", 1979. –364 б.
36. Ҳаққулов И. "Қамол эт касбки" -Тошкент: "Чўлпон", 1990. –240 б.
37. Ҳайитметов А. "Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари". –Тошкент: "Фан", 1959. –196 б.
38. Ҳайитметов А. "Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан". – Тошкент: "Фан", 1970. –331 б.
39. Ҳайитметов А. "Навоийхонлик суҳбатлари". –Тошкент: "Ўқитувчи", 1993. –216 б.
40. Ҳожиаҳмедов А. "Мумтоз бадийят малоҳати". –Тошкент: "Шарқ", 1999. –240 б.
41. Ҳоди Зариф. "Ҳозиллар Ҳазилати". –Тошкент: "Бадий адабиёт" нашриёти, 1969. –136 б.
42. Yusupova D. "A'ruz alifbosi". – Т.: "Akademnashr", 2015.
43. Алишер "Навоий: қомусий лугат". 1-2-жилдлар. Масъул муҳаррир Ш.Сироҷиддинов. – Т.: "Sharq", 2016.
44. Hojiahmedov A. "Aruz nazariyasi asoslari". – Т.: 1998.
45. Hojiahmedov A. "Navoiy aruzi nafosati". – Т.: "Fan", 2006.
46. Hojiahmedov A. "O'zbek aruzi lug'ati". – Т.: "Sharq", 1998.

FOYDALANISH UCHUN INTERNET SAYTLARI

1. www.ta'lim.uz
2. www.school.edu.ru.
3. [www.inter – pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru).
4. www.obrozavaniye.ru
5. www.wings.ru
6. www.ppf.uni.udm.ru
7. www.search.re.uz - O'zbekistonning axborotlarni izlab topish tizimi.
8. www.ref.uz - Referatlar to'plami
9. www.ziyonet.uz.
10. www.Google.uz
11. <http://www.kutubxona.uz>
12. <http://www.literature.uz>
13. <http://www.zivonet.uz>
14. <http://www.alishernavoiiy.uz>

O'zbekistondagi oliygo'hlarning saytlari

1. www.terdu.uz - Termiz davlat universiteti sayti.
2. www.urdu@ursu.uzpak.uz - Urganch davlat universiteti sayti.
2. www.rektor@nuuz.uzsci.net - O'zbekiston Milliy universiteti sayti.
3. www.nfizmat@narod.ru - Toshkent davlat pedagogika universiteti sayti.
4. www.Nurmetj@rambler.ru - Nukus davlat pedagogika institutining sayti.
5. www.Tiu@bcc.com.uz - Toshkent Islom universitetining sayti.
6. www.Uwed@uwed.freenet.uz - Jahon iqtisodi va diplomatiya universiteti s.
7. www.buksu01@nline.ru - Buxoro davlat universitetining sayti.
8. www.namdu@uzpak.uz - Namangan davlat universitetining sayti.
9. www.fdu@fdu.vodiy.uz - Farg'ona davlat universiteti
10. www.samudin@yandex.ru - Samarqand davlat universiteti sayti.
11. www.Teic@uzpak.uz - Toshkent axborot texnologiyalari universitetining sayti.
12. www.tqtu@uzpak.uz - Toshkent davlat texnika universiteti.
13. www.yhi03@hotmail.com - O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti.
14. www.tfi@tfi.uz - Toshkent moliya instituti.
15. www.Tashgiv@mail.tsp.uz - Toshkent davlat sharqshunoslik instituti.
16. www.asu2001@rambler.ru - Andijon davlat universiteti.
17. www.gdu@inta.uz - Guliston davlat universiteti.

ҚАЙДЛАР УЧУН

МҲНДАРИЖА

Мукаддима.....	3
Аруз вазни ҳақида умумий маълумот.....	5
Чўзик, қисқа ва ўта чўзик ҳижола.....	7
Рукн ва баҳр тугунчалари ҳақида маълумот.....	14
Баҳрлар ва уларнинг таркибий тузилиши.....	19
Бир хил аслий руқлардан ташкил топган баҳрлар.....	21
Рамал баҳри вазнлари.....	25
Ҳазаж баҳри вазнлари.....	33
Рубойи вазнлари.....	45
Ражаз баҳри вазнлари.....	62
Мутақориб баҳри.....	65
Мутақорик баҳри.....	70
Комил баҳри.....	73
Турли хил аслий руқлардан таркиб топган баҳрлар.....	74
Сариъ баҳри.....	74
Хафиф баҳри.....	76
Мужтасс баҳри.....	80
Музориъ баҳри.....	83
Мунсариҳ баҳри.....	87
Тавил баҳри.....	89
Ариз баҳри.....	90
Арузшунослик тарихи.....	90
Луғат.....	97
Фойдаланилган адабиётлар.....	102
Фойдаланиш учун сайтлар.....	104
Қайдлар учун.....	105

ИЛМИЙ-АДАБИЙ НАШР

Дилнавоз Юсупова, Шаҳноза Норкулова

АРУЗ НАЗАРИЯСИ

(Аруз ҳақида сабоқлар)

Мутахассислар ва аруз илмини мустақил
ўрганувчилар учун қўлланма

Муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Мусахҳих:

Исроил Шомиров

Абдиназар Бўриев

Турдимурод Мустафсев

Босилга 26. 11. 2018 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84¹/₁₆.
Офсет қоғози. Times New Roman гарнитураси. Офсет усулда чоп
этилди. 6,75 босма табок. 500 нусхада. 108 бет. Эркин нархда.

“Тафаккур” наприёти, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.

“Ҳамидий” фирмаси босмахонасида чоп этилди.
Термиз шаҳри, И.Каримов кўчаси, 155-уй.

ISBN978-9943-24-150-3



9 789943 241503